N 53-104. Дно.
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2004-yil 3-iyul, shanba № 53-54 (7663)

Da'vat

O'z-o'zini el ishiga bag'ishlagan, inson tarbiyasiga jon tikkan olijanob o'qituvchilarni, mo'tabar muallimlarni bundan buyon ham boshimizga ko'taramiz.

Islom KARIMOV

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

2004 йил 1 августдан иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:

1. 2004 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус, касб-ҳунар билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ўртача 1,3 баравар оширилсин.

2. 2004 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 6530 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 12920 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нолинчи) разряд — ойига 6530 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 12920 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 7825 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2004 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар Республика Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2004 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобидан амалга оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 2 апрелдаги ПФ-3231-сон Фармони ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан бир ҳафта муддат ичида қарор қабул қилсин.

9. Мазкур Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 1 июль

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг, энг аввало, бошланғич синфлар ўқитувчиларининг меҳнатини моддий рағбатлантиришни янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси *қарор қилади:*

1. 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб:

бошланғич синфлар ўқитувчиларига амалдаги ҳар ойлик устамалар Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича тариф ставкасининг 5 фоизидан 20 фоизигача миқдорда;

умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига синф раҳбарлиги учун амалдаги ҳар ойлик қўшимча ҳақ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан 100 фоизигача миқдорда;

умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига дафтарларни текширганлик учун амалдаги ҳар ойлик қўшимча ҳақ энг кам ойлик иш ҳақининг ўрта ҳисобда 30 фоизидан 50 фоизигача миқдорда оширилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарорга мувофиқ 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб умумтаълим муассасалари ўқитувчилари иш ҳақига устамалар ва қўшимчаларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар учун бюджетдан зарур маблағлар ажратсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги 409-сон қарори 1-бандининг умумтаълим мактаблари ҳамда барча тур ва номдаги мактаб-интернатларнинг ўқитувчиларига қўшимча ҳақ тўлашга доир қисми ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С.Азимов ва А.А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 2 июль

ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 июл куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан амалий ташриф билан Москвага жўнаб кетди.

Ташриф давомида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи, ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш истиқболларига оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар кўриб чиқилади.

(ЎзА)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ЯНГИ ЛОЙИҲАДАГИ МАКТАБЛАР ҚАНДАЙ БЎЛАДИ
ушбу саволга Республика давлат архитектура ва қурилиши қўмитаси раиси Азамат Тохтаев жавоб беради
2-бет

КИТОБ СОВҒА ҚИЛИНАДИМИ ЁКИ...
3-бет

УСТОЗНИ ШОГИРД ТАН ОЛГАНДА...
5-бет

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИГА ҚАНДАЙ ЭЪТИБОР БЕРИЛАЯПТИ?
6-бет

ПЕДАГОГЛАР, ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ВА РАҲБАР КАДРЛАР ҚАНДАЙ АТТЕСТАТЦИЯДАН ЎТКАЗИЛАДИ?
10-11-бетлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МУАССАСАЛАРИНИ АТТЕСТАТЦИЯ ВА ДАВЛАТ АККРЕДИТАЦИЯСИДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ ЛОЙИҲАСИГА МУНОСАБАТ БИЛДИРИНГ
12-13-бетлар

ТАШХИС ТИЗИМИ МУТАХАССИСЛАРИНИНГ АВГУСТ КЕНГАШЛАРИНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗИШНИ БИЛАСИЗМИ?
14-15-бетлар

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРИНИНГ АВГУСТ КЕНГАШЛАРИГА
(мусиқа маданияти, тасвирий санъат, бошланғич таълим, миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, тарих, ижтимоий фанлар, география, экология ва саломатлик, жисмоний тарбия, чақириққача ёшларни тайёрлаш, инсон хавфсизлиги асослари фанлари бўйича тавсиялар билан танишинг)
16-23-бетлар

УЧИНЧИ МУАЛЛИМ
27-бет

ТИНЧЛИКСЕВАР «ХОПИ»ЛАР
29-бет

Eng muhimi, xotin-qizlarimizning o'zlari o'z faolliklarini ichki ehtiyoj ila oshirsalar, el-yurt tinchligi, farovonligi, mamlakat obodligi ta'minlanishida ayollarning o'rni yanada kengroq bo'lishi tayin.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

FARMON

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoniga ko'ra Ikromxon Xoshimxonovich Najmiddinov O'zbekiston Respublikasi qishloq va suv xo'jaligi vaziri etib tayinlandi.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY SAYLOV KOMISSIYASIDA

O'zbekiston Respublikasi Markaziy saylov komissiyasida O'zbekiston Respublikasida transparent (oshkora va ochiq) saylov jarayoni mexanizmlari: kuzatuvchilar va ommaviy axborot vositalarining huquqiy maqomi hamda «O'zbekiston Respublikasi saylov to'g'risidagi qonun hujjatlarida saylov jarayonlari xolisona yoritilishini ta'minlash» mavzuida seminar-trening o'tkazildi. Ushbu tadbir Markaziy saylov komissiyasining «O'zbekiston qonunlari va 2004-yilda demokratik saylov o'tkazish mexanizmlari to'g'risida»gi turkum seminarlar tashkil etish rejasiga muvofiq uyushtirildi.

Seminarda Markaziy saylov komissiyasi a'zolari, Oliy Majlis deputatlari, siyosiy partiyalar, jamoat birlashmalari rahbar va xodimlari, olimlar, O'zbekiston va chet el ommaviy axborot vositalariniig vakillari qatnashdi.

Seminarni Markaziy saylov komissiyasining Raisi B.Mustafoyev boshqardi.

«SOVPLASTITAL» XORAZMDA

Xorazm viloyati markazida yana bir zamonaviy savdo korxonasi ishga tushdi.

Shaharning chekkasi - qadimgi Xivaga eltuvchi avtomagistral boshida plastmassa buyumlar firma do'koni ochildi.

Deyarli barcha jahon talablariga javob beradigan ushbu zamonaviy ixtisoslashtirilgan supermarket «Mash'al Savdo» mahalliy xususiy firmasi va mamlakatimizda taniqli qo'shma korxonalardan biri «Sovplastital» O'zbekiston-Italiya qo'shma korxonasi o'rtasidagi hamkorlikning natijasidir.

Do'konning ochilish marosimida Xorazm viloyati hokimi I.Bobojonov ishtirok etdi.

Президентимизнинг шу йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармони мактаблар моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, уларни замонавий бинолар, ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер ва адабиётлар билан таъминлаш каби долзарб масалаларни ҳал қилишга қаратилган.

Фармонда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси зиммасига ҳам муҳим вазифалар юклатилди. Мазкур қўмита раиси Азамат ТОХТАЕВнинг ЎзА мухбири билан суҳбати бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида бўлди.

МАКТАБЛАР ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

— Республикамизда фаолият кўрсатаётган 9727 мактабнинг қирқ фоизи мослаштирилган биноларда жойлашган, 684 мактаб биноси авария ҳолатида, — дейди А.Тохтаев. — Эллик олти фоиз мактабда спорт зали йўқ, саксон фоизи эса канализация тармоғига уланмаган, тенг ярми тоза ичимлик суви билан таъминланмаган.

Илгари таъмирлаш ишлари лойиҳасиз бажарилгани ва ажратилган маблағлардан самарасиз фойдаланилгани оқибатида саксон беш фоиз мактаб яна қайта таъмирлаш ва тиклашга муҳтож бўлиб турибди. Шу боис ҳозирги барча ишларимиз етук мутахассисларни жалб этган ҳолда ташкил этилмоқда.

Мактабларни тиклаш тўрт йўналишда — жорий ҳамда капитал таъмирлаш, капитал реконструкциялаш, эскиси ўрнига янгиларини қуриш йўли билан олиб борилади. Айтайлик, жорий таъмирлашда мактабларни қисман сувоқдан чиқариш, бўяш, синган ойналар, электр, иссиқ ва совуқ сув тармоқларининг ишдан чиққан қисмлари алмаштирилади. Капитал таъмирлашда эса уларнинг девор сувоқлари қайтадан тикланади, ром, эшик ва поллар алмаштирилади, том ёпгичларнинг қирқ фоизгача бўлган қисми бутунлай янгиланади. Бино янги коммунал ва муҳандислик анжомлари билан жиҳозланади.

Тиклашнинг капитал реконструкция шаклида эса хоналарнинг ҳажм ўлчамлари ўқув ва қурилиш меъёрлари асосида ўзгартирилади, ички ва ташқи муҳандислик иншоотлари тўлиқ таъмирланади, қўшимча ўқув ёки ёрдамчи бинолар, яъни спорт зали, мажлислар зали, кутубхона қурилади. Янги қурилиш эса авария ҳолатига келиб қолган мактаб биноларининг ўрнига замонавийларини бунёд этишни назарда тутади. Мазкур дастур ниҳоясига етгач, юртимизнинг барча мактаблари қиёфаси тубдан ўзгариб, ёшларимизнинг баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун барча шароитлар яратилади.

— Намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқишда қишлоқ жойлари ва шаҳарлар хусусиятларини эътиборга олиш қай асосда олиб борилмоқда?

— Намунавий лойиҳа тайёрлашда биринчи навбатда замонавий ўқув талаблари, зарур коммуникация, сув ва иссиқлик тизими ҳамда мактаб инфратузилмаси мавжудлигига эътибор қаратилди. Лойиҳаларнинг бир неча варианти ва энг юқори меъёрий харажатлари ҳар бир вилоят, шаҳар, туман ва ҳатто қишлоқ шароитига мослиги ҳам инобатга олинмоқда.

Мактабларнинг паспортларини шакллантириш натижасида жами етмиш беш намунавий лойиҳа ишлаб чиқилди. Масалан, ўрганишлар таҳлили бўйича 1904 та мактаб капитал реконструкцияга муҳтожлиги аниқланди. Улардан 136 таси шаҳарларда, 1719 таси қишлоқларда ва 49 таси олис тоғли ҳудудларда жойлашган. Биргина шу тоифадаги, яъни реконструкцияга муҳтож мактабларни тиклаш юзасидан эллик бир лойиҳа тайёрланди.

Қурилаётган биноларнинг пишиқ ва хавфсиз бўлишини таъминлашга, айниқса, алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун қўмитамиз томонидан тасдиқланмаган лойиҳалар асосида қурилиш ишлари амалга оширилмайди. Лойиҳаларни реал шароитларга мослаштириш чоғида ундаги ҳар қандай ўзгартириш келишиб олинади. Қолаверса, объектлардаги тиклаш ишлари ўқув жараёнига зарар етказмаслиги ҳам муҳим.

Бугунги кунда лойиҳалаштириш соҳасида мамлакатимизда уч юздан ортиқ ташкилот фаолият кўрсатмоқда. 28 лойиҳа институти ихтисослашган соҳаларда бош ташкилот ҳисобланади. Ҳар бир намунавий лойиҳа учун масъул ва жавобгар сифатида бешта бош лойиҳа институти ва вилоятлардаги саккизта минтақавий лойиҳа институти танлаб олинди. Уларга тажрибали лойиҳачи ва сметачилар жалб этилган.

ЎзА мухбири Лазиз РАҲМАТОВ суҳбатлашди

АЁЛНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

Аёлнинг оиладаги ўрни маълум. Оила тинчлиги, фаровонлиги, болалар тарбияси, камолоти, борингки, барча катта-кичик масалаларни ҳал этишда унинг иштироки зарур.

Энди жамиятни улкан бир оила деб тасаввур қилсак, бунда ҳам аёлнинг алиштириб бўлмайдиган ўз ўрни, мавқеи мавжуд. Шу сабабли, давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан хотин-қизларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирокини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ҳамда ушбу фармон ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори бу йўлдаги муҳим қадам бўлди.

Оқсаройда 21 июнь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгилаб берилган вазифалар муҳокамасига бағишланган мажлисда

Munosabat

Президентимиз хотин-қизлар қўмиталари, жамоат ташкилотлари, давлат тузилмаларининг хотин-қизларнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг оилада, ижтимоий ҳаёт ва давлат қурилишидаги ролини ошириш ишида жиддий камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини таъкидлади. Таъкидланган камчиликларни бартараф этиш ва бу борадаги имкониятларни ишга солиш юзасидан фикрларини баён қилди ҳамда улар Вазирлар Маҳкамаси қарорида акс этди.

Бугун аёллар фаолиятини жамиятнинг барча бўғин ва тизимларида учратишимиз мумкин. Жумладан, халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг 80 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади. Демак, улар ҳам оиласи, ҳам эл-юрт келажаги учун жон куйдираяптилар. Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятининг такомиллаштирилиши зиммасига шундай юкни олган аёллар, оналар фаоллигини янада оширишга туртки бўлиши, шубҳасиз.

Халқимиз аёлларга азал-азалдан эҳтиром кўрсатиб, ўз салоҳиятларини намоён этишга имкон яратиб келган. Тўмарис, Бибихоним, Нодирабегим каби оқила, тадбиркор аждодларимиз фаолияти бунга ёрқин далил. Агар Президентимиз томонидан кўрсатиб берилган камчиликлар бартараф этилиб, бу борада қабул қилинган фармон ва қарор ижроси тўла таъминланса, энг муҳими, хотин-қизларимизнинг ўзлари ўз фаолликларини ички эҳтиёж ила оширсалар, эл-юрт тинчлиги, фаровонлиги, мамлакат ободлиги таъминланишида аёлларнинг ўрни янада кенгроқ бўлиши тайин.

Ҳ.НИШОНОВ

«ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР» БУХОРОДА

Навоий шаҳрида фаолият юритаётган "Ташаббус" ижтимоий ҳамкорлик маркази, "IATP" маркази ва вилоят телевидениеси, Навоий шаҳар халқ таълими бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган "Ёш журналистлар" мактабида бир гуруҳ иқтидорли ёшлар журналистика оламига илк қадамларини ташлашмоқда.

Яқинда мактаб ўқувчилари Бухорога ижодий сафар уюштиришди. Бухоро маданият ва ахборот марказида бошланган сафар вилоят телевидениесида давом этди. Шунингдек, улар "IERN" марказида ҳам бўлиб, ўз фикр ва қарашларини бойитдилар.

Шундан сўнг Бухоронинг муқаддас қадамжолари зиёрат қилинди. Бўлажак ёш журналистлар мазкур саёҳатни ташкил этишда ҳомийлик қилган Навоий тоғ-кон металлургия комбинати раҳбариятидан беҳад мамнун бўлишди.

Ойбуви ОЧИЛОВА

«Kitobga uzoq umr» oyligi o'tkazilib, o'qituvchilarning bir kunlik ish haqlari kitob olishga sarflandi. 27,5 mln. so'mlik 53 ming dona badiiy adabiyot kutubxonalarni to'lg'azdi. Bitiruvchilar tashabbusi bilan 96 mingdan ortiq adabiyot to'plandi.

КЎЧМА ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИДА КУТУБХОНАЛАР МАСАЛАСИ

унда мактабдан ташқари таълим самарадорлигига эътибор қаратилди

Hay'at yig'ilishida

«Дунёда китобдан азиз дўст йўқдир». Ҳазрат Навоий бобомизнинг ушбу қимматли ҳикматлари неча асрларким, ўз қийматини йўқотмаган. Китобнинг қудратлилиги, илм сирларига хазиналиги, бизни китоб дунёсига — сеҳрли тафаккур оламига етаклайверади. Хонадонимизда китобнинг кўплиги кўнглимизни равшан қилади. Айни пайтда ушбу нодир хазинага бўлган эътиборнинг ортаётганлиги қувонарлидир.

Хоразмда бўлиб ўтган республика Халқ таълими вазирлигининг кўчма ҳайъат йиғилишида ҳам айнан ана шу долзарб масалага эътибор қаратилди. 2003—2004 ўқув йили «Умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш ўқув йили» деб эълон қилинганлиги ва қарорни ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида «Умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналарини ривожлантириш концепцияси» ишлаб чиқилганлиги зиё масканлари фаолиятини янада юксалтириш сари дадил қадам бўлди.

«Умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш дастурининг ижроси ва истиқболдаги вазифалар тўғрисида»ги масала Хоразм вилояти мисолида кўриб чиқилди. Ҳайъат йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ХТБ бошлиқлари ўринбосарлари иштирок этиб, воҳадаги янгиликни жорий этиш мақсадида илғор тажрибаларни ўргандилар.

Мактаб кутубхоналарини ислоҳ қилиш, такомиллаштириш, ахборот олиш ва узатиш марказларига айлантириш учун, аввало, зиё масканлари — 33 та мактаб нурхонаси капитал таъмирланиб, замонавий жиҳозлар ўрнатилди. Ушбу тизим фаолиятини яхшилаш мақсадида ҳар бир туманда таянч кутубхона ташкил қилинди. Ўтган ўқув йили давомида китобхонлар сони 103025 нафарга етди.

«Китобга узоқ умр» ойлиги ўтказилиб, ўқитувчиларнинг бир кунлик иш ҳақлари китоб олишга сарфланди. 27,5 млн. сўмлик 53 минг дона бадиий адабиёт кутубхоналарни тўлғазди. Битирувчилар ташаббуси билан 96 мингдан ортиқ адабиёт тўпланди. Осиё Ривожланиш банки маблағи ҳисобига вилоят мактабларига — кам таъминланган оила фарзандларини бепул дарсликлар билан таъминлаш учун 270 млн. сўмлик дарсликлар кутубхоналар ихтиёрига берилди.

Вилоятнинг 12 та туманида биттадан кутубхона, Ахборот ресурс маркази ташкил қилиниб, уларни таъмирлаш учун 26 млн. сўм, жиҳозлаш учун 32 млн. сўм сарфланди. Марказлар 12 та замонавий компьютер техникаси билан таъминланиб, интернет тармоғига уланди. Янги имлодаги адабиётларни кўпайтириш учун «Китоб марафони» ўтказилиб, 52 млн. сўмлик — 72 минг нусха китоб олинди. Хонқа туманидаги 36-, Гурландаги 1-мактаб кутубхоналари замонавий медиатекаларга айлантирилди. Шовотдаги 1-мактаб кутубхонаси қошида электрон кутубхона ташкил этилди. Бу ерда китобхонлар қўшимча электрон дарсликлардан фойдаланмоқдалар.

Янгиариқ тумани 1-мактаб кутубхонасида маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўқув ресурс маркази, Урганч туманидаги 36-мактабда экология йўналиши бўйича, Хонқа туманидаги 36-мактабда «Мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги» бўйича, Хива шаҳридаги 2-мактаб кутубхонаси «Ўлкашунослик ўқув-ахборот ресурс маркази» сифатида белгиланди. Улар 12 номдаги газета-журнал билан таъминланди. Вилоятда республикада илк бор «Мактаб кутубхоналариаро маълумотлар банки» яратилди. Ушбу маълумотлар банки орқали вилоятдаги мактаб кутубхоначилари учун кутубхоналараро абонемент фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳозирги замон ўқитувчиси учун китоблардаги билимлар етарли эмас. Шу туфайли ВПХҚТМОИ кутубхонасида электрон дарсликлар, компакт дисклар олиниб, ўқитувчилар фойдаланиши учун маъруза матнлари тайёрланиб, компьютерларга киритилган.

Кутубхона ресурс марказларида барча умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг дарсликлар билан таъминланиши аҳволи, кутубхона фонди, бадиий адабиётлар ҳақида маълумотлар, тестлар компьютерларга киритилган. 2009 йилгача 536 та мактабда кутубхона ресурс маркази ташкил қилиш режалаштирилган. Ҳайъат йиғилиши иштирокчилари барча ресурс марказлари фаолияти билан танишдилар. Ҳайъат йиғилишида Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлидинов иштирок этди.

2003-2004 ўқув йили «Умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш ўқув йили» деб эълон қилинган бўлса, Хоразмда ўтган кўчма ҳайъат йиғилиши қарорига асосан 2004-2005 ўқув йили «Мактабдан ташқари таълим самарадорлигини ошириш ўқув йили» деб эълон қилинди.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

СОВҒА — 100 МИНГ СЎМЛИК КИТОБ

Tashabbusning qanoti

Жиззах шаҳридаги Ҳамроқул Носиров номидаги 16-ўрта мактабни бундан 20 йил олдин битирган собиқ синфдошларнинг учрашуви бўлди. Бу учрашувнинг бошқаларида фарқи шундаки, синфдошларнинг ўзлари таълим олган мактабга эътибори барчани хушнуд этди. Учрашув қатнашчилари кам таъминланган оила фарзандларига алоҳида эътибор беришди.

— Мактабга ёрдам — миллатга ёрдам, деган ибора ҳаётда кун сайин ўз тасдиғини топмоқда, – дейди мактабнинг собиқ ўқувчиси Мирза Зоиржонов. — Чунки мактабда эртанги кун ворислари ўқиб, таълим олишмоқда. Уларнинг яхши ўқишлари учун шароит яратиш, қўллаб-қувватлаш барчамизнинг бурчимиз. Шуни ҳисобга олиб биз синфдошлар мактабга юмшоқ мебель ва кам таъминланган оила фарзандлари учун 100 минг сўмлик ўқув дарсликлари совға қилдик. Бизнинг назаримизда мактаб учун энг яхши совға — китоб. Қолаверса, «Меҳр ва мурувват йили»да бундай савоб ишни қилиш ҳар биримизга ҳам қарз, ҳам фарз.

— Мактабда ўтаётган «Уч авлод учрашуви»нинг ўқувчилар учун тарбиявий аҳамияти катта. Бугун мактабни битираётган ўқувчилар ҳам йиллар ўтиб, ўзларининг анъанавий учрашувларида мактабга мана шундай ёрдам беришни дилларига тугиб қўйишганлигини тўлқинланиб гапиришди. Демак, улар келажак учун масъул эканликларини тўғри англаб етмоқдалар.

Собиқ ўқувчилар 20 йил олдин ўтирган синфхоналарида устозлари, синф раҳбарлари билан биргаликда анъанавий ҳаёт дарси ўтдилар. Мактабда узоқ йиллар ишлаган меҳнат фахрийларига, устоз-мураббийларига эсдалик совғалари топширишди. Энг муҳими, қадрдон мактаб билан алоқани узмасликка, ўқув масканига ҳар жиҳатдан моддий ва маънавий ёрдам бериб туришга аҳд қилдилар.

— Мактабни бундан 20 йил олдин битирган собиқ ўқувчиларимизнинг бу галги учрашуви ўзининг мазмун-моҳияти билан барчага ибратли бўлади, — дейди мактаб раҳбари Мақсад Камолова. — Собиқ ўқувчилар учрашувдан мақсад мактабга намойишкорона келиб, дастурхон атрофида базм қилишдан иборат эмаслигини эслатиб қўйишди. Улар бир неча кун олдин мактабга келиб, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбат ўтказишди. Мактабдаги муаммоларни ҳал этишга баҳоли қудрат ёрдам беришди. Ҳаётдан бевақт кўз юмган собиқ синфдошларининг оила аъзоларига моддий кўмак кўрсатишди. Аслида бундан ҳам муносиб савоб иш бўлмаса керак. Уларнинг устозларга ҳурмати, дўстларга меҳр-оқибати бугунги ёшларимизга арзигулик ҳаёт сабоғи бўлади.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Навоий вилоятидаги I сон меҳрибонлик уйида тарбияланувчилар муассаса кутубхонасида мавжуд қизиқарли китобларни мутолаа қилмоқдалар.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Davra suhbati

ЁШЛАР ТАШАББУСКОР БЎЛИШДИ

Андижон тиббиёт коллежида «Гиёҳвандлик — иллат» мавзусидаги давра суҳбати бўлиб ўтди. Уни таълим муассасасидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг етакчилари уюштирдилар.

Тадбирда вилоят наркологик диспансери врачи Гулчеҳрахон Қодирова, вилоят болалар ва ўсмирлар репродуктив саломатлик маркази директори Ўғилой Усмонова, коллеж шифокори Муҳаррамхон Ўтанова ҳамда талаба Маҳмудахон Зайнобиддиновалар гиёҳвандлик балоси, унинг оқибатлари, ёшларимизнинг бу йўлга кириб қолиш сабаблари ҳақида маъруза қилишди.

Суҳбат сўнгида талабаларга марказ томонидан китоблар тақдим этилди.

О.СИДДИҚОВ

ЗАРКЕНТДА АМАЛИЙ СЕМИНАР

Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги 17-мактабгача таълим муассасасида «Мактабгача таълим муассасаларида давлат талабларининг бажарилиши юзасидан олиб борилаётган ишларни такомиллаштириш» мавзусида вилоят семинари бўлиб ўтди.

Амалий семинар иштирокчилари тумандаги 13-ҳамда 17-мактабгача таълим муассасасида бўлиб, давлат талабларини бажариш юзасидан олиб борилаётган ишлар билан танишишди. Улар болалар иштирокидаги турли ноанъанавий машғулотларда қатнашишди.

Спорт ўйинлари, эртаклар оламига саёҳат, «Мен XXI аср боласиман» ва бошқа турли мавзулардаги ҳамда турли йўналишлардаги замонавий педагогик технологияларга асосланган машғулотлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Муассасада ташкил этилган ишлар, амалга оширилаётган тадбирлар қатнашчиларга маъқул бўлди.

Наврўз АШИРМАТОВ,
Паркент тумани

Mehribonlik uyi bolajonlari ko'rik-tanlov sahnasida "Momotolo" yapon ertagi asosida tayyorlagan 40 minutlik sahna tomoshasini yapon tilida namoyish etishdi.

«МЕҲРИБОНЛИК» ОРОМГОҲИ ИККИНЧИ МАВСУМИНИ БОШЛАДИ

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Қизилсув қишлоғида жойлашган "Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини соғломлаштириш оромгоҳи" ёз фасли давомида республикамиздаги мавжуд 28 та меҳрибонлик уйларининг 960 нафар тарбияланувчиларини ўз қучоғига олади. Куни кеча оромгоҳда иккинчи мавсумнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ранг-баранг либослар, китоб олган болажонлар ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари, рақслари билан барчага завқ бағишладилар. 12 та гуруҳда 20 нафардан бўлиб дам олаётган болажонлар ўзларини ёлғиз ҳис қилмасликлари учун тарбиячи опалари билан бирга келганлар. Улар ҳечам зерикиб қолмайдилар. Бу ерда "Тоғ-пиёда сайёҳлиги", "Ёш эколог", "Компьютер", "Моҳир қўллар" каби тўгараклар, етти турдаги спорт секциялари, 2629 китоб фондига эга бўлган кутубхона ишлаб турибди. Пойтахтдаги мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тўгараклари бу ерда иш олиб бормоқда. Шунингдек, республика илмий-педагогика кутубхонаси бу ерга ўз китобларини олиб келган. Кутубхоначи И. Лагутованинг гапларига қараганда, болаларнинг китоб ўқишга иштиёқи жуда баланд. Кунига 60-70 нафар ўқувчининг китоб ўқиганлиги қайд қилинган дафтардаги рўйхатдан ҳам буни билиб олиш мумкин.

Оромгоҳнинг иккинчи мавсуми очилиш маросимида Халқ таълими вазирининг ўринбосари У. Мусаев, Болаларни ижтимоий ҳимоялаш ва реабилитация қилиш сектор мудири Ж. Фозилов иштирок этдилар.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Milliy dastur — amalda

КАДРЛАР МАЛАКАСИ — СИФАТ КАФОЛАТИ

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг замон талаби даражасида фаолият кўрсатиши, аввало, раҳбар ходимларнинг малакаси ва билимига боғлиқ. Қаерда ишбилармон, тадбиркор раҳбар фаолият кўрсатса, шу ерда таълим-тарбияда кўзланган натижа ва мақсадга эришиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам айнан шу мақсадга қаратилган эди. Жиззах вилояти ҳокимлиги ЎМКҲТ бошқармаси ўзининг иш фаолиятини ана шу қарор асосида ташкил этмоқда.

Юқоридаги қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари директорларининг вакант (бўш) лавозимларига мунтазам равишда танлов эълон қилинмоқда. Мазкур танловларда бир ўринга 5, 6 номзод даъвогарлик қилаётганлиги қувончли ҳолдир. Катта ҳаётий тажриба, чуқур билим ва малакага эга бўлган номзодларнинг танлов ғолиби бўлаётганлиги тасодиф эмас. Энг муҳими, бундай танловлар муносиб раҳбар кадрларни танлашда адолат мезони бўлмоқда.

— 2003-2004 ўқув йилида Зомин маиший хизмат ва қишлоқ хўжалиги, Олимпия заҳиралари коллежлари директорлигига номзодлар ана шундай танловда қатнашдилар, — дейди Жиззах вилояти ЎМКҲТ бошқармаси кадрлар бўлими назоратчиси Акбар Қаюмов. — Натижада ўқув юртлари замон талаби билан ҳамоҳанг қадам ташлайдиган, замонавий фан ва техника ютуқларидан бохабар, дунёқараши кенг, етук малакага эга раҳбар ходимлар билан таъминланди. Уларнинг танлов шартларини тўла бажариб, тест синовларидан юқори баллар тўплаётганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли. Айни кунда Жиззах педагогика, Бахмал иқтисодиёт, Мирзачўл қишлоқ хўжалиги, Пахтакор маиший хизмат касб-ҳунар коллежлари директор лавозимларига танлов эълон қилинган.

Вилоятда ЎМКҲТ муассасалари педагог-мураббийларининг малакасини оширишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Раҳбар ходимлар ва ўқитувчилар дунёнинг ривожланган давлатларида тажриба ўрганиб келаётганлиги фикримиз далилидир. Шу ўқув йилида Австралия, Жанубий Корея, Германия ва Япония каби ривожланган давлатларда 20 нафар ходим малака ошириш имконига эга бўлди. Бугунги кунда таълимга ривожланган мамлакатларнинг тажрибасини олиб кириш давр талаби. Шу боисдан хориж билан ҳамкорлик кун сайин кенгаймоқда.

Мана шундай ижобий изланишлар натижаси ўлароқ, таълим ва тарбияда самарадорлик юксалиб, ўқувчиларнинг касбий маҳорати ошмоқда.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбири

ТАЖРИБА МАМЛАКАТ МИҚЁСИДА

Республика таълим маркази тавсиясига кўра, Асака туманидаги 26-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ҳамда одобнома фанлари ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Абдураҳим Мирзаахмедов томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар мамлакат миқёсида кенг қўлланиладиган бўлди.

23 жилдлик мазкур тавсиялар одобнома, миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фанлари ўқитувчилари учун ёзилган. Шу муносабат билан Халқ таълими вазирлигининг яқинда Андижонда ўтказилган кўчма ҳайъат йиғилишида А.Мирзаахмедовнинг кўп йиллик муаллимлик фаолияти, иш тажрибаси ва у ишлаб чиққан юқоридаги тавсиялар атрофлича ўрганилди ва у барчада яхши таассурот қолдирди. Ҳайъат йиғилишининг яна бир қарори нафақат асакаликлар, балки бутун андижонликларни ҳам қувонтирди. Унда шу тумандаги 27-мактаб жамоасининг узлуксиз методик хизматни такомиллаштириш борасидаги тажрибаси ҳам республика миқёсида оммалаштирилиши баён қилинган эди.

МАКТАБ УЧУН 40 МИЛЛИОН СЎМ

Асака туманидаги 4-мактабда янги ўқув йилига ҳозирданоқ пухта тайёргарлик кўриб қўйилмоқда. Ота-оналар ва ҳомий ташкилотлар кўмагида мактаб биноси тўла таъмирланди. Шунинг учун ташкилотчи муаллимлар жамоасининг изланиши Осиё Тараққиёт банки томонидан муносиб баҳоланиб, катта миқдордаги грант берилиши мўлжалланган. Грант эвазига мактабга замонавий ўқув қуроллари, компьютер ва зарур жиҳозлар ўрнатилади.

Бундан ташқари, 4-мактабга маҳаллий бюджетдан 40 миллион сўм пул ажратилди. Бу маблағ эвазига чекка қишлоқ мактаби биносининг томи, поли ва иситиш тармоқлари тўла янгиланади. Таъмирлаш ишлари шу тумандаги тендер савдосида ғолиб чиққан қурилиш жамоаси томонидан амалга оширилади.

О.СИДДИҚОВ

ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 414-сонли қарорини бажариш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимияти ишчи гуруҳи томонидан ҳам режалаштирилган бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ҳокимлигининг иқтисодиёт бош бошқармаси ташаббуси билан шу йилнинг 30 апрелида тузилган ташаббускор ишчи гуруҳининг мактабларда бюджетдан ташқари маблағ топиш ва моддий-техника базасини ривожлантириш бўйича олиб бораётган ишлари самарали кечмоқда.

Ташаббускор ишчи гуруҳининг асосий мақсади умумтаълим мактабларида бюджетдан ташқари қўшимча маблағ топиш учун ишни нимадан бошлаш кераклиги, бозор шароитида таълим соҳасида қайси йўналишда пул-лик хизматлар кўрсатиш керак-лигини ўргатиш, тадбиркорлик, ишлаб чиқариш усулларини белгиланган тартибда ривожлантириш ва шулар ҳисобига мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш, ўқувчиларга қўшимча дарс бериш эвазига уларнинг билим савиясини янада оширишдан иборатдир.

Seminar

Бугунги кунда дастур бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Қисқа вақт давомида ташаббускор ишчи гуруҳи томонидан еттита йиғилиш ва бешта учрашув ўтказилди. Май ойида шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти қошида жадвал асосида ушбу масалалар бўйича тажрибага эга бўлган пойтахтимиздаги 60-, 307-, 49-, 51-, 210-, 249, 260-мактаблар негизида барча мактаб директорлари ва маркетинг бўлими бошлиқлари йигирма соатлик махсус курсда ўқидилар. Эътиборлиси, бу тадбир республикамизда биринчи марта Тошкент шаҳрида ўтказилмоқда.

Мирзо Улуғбек туманидаги 307-мактабда курс якунига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди. Унда олинган тажрибалар оммалаштирилиши, самаралар ва натижалар хусусида фикр алмашилди.

Ғофур ЖАБИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Jarayon

БИЛИМЛАР САРҲИСОБИ

Халқимизнинг улуғлари эл бахти ва давлат равнақини, энг аввало, илм-фан тараққиётида, ақл-идрок салоҳиятида ва эгаллаган ҳунарининг даражасида кўришган. Айни кунларда мамлакатимиз ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида битирувчи ўқувчиларнинг орзиқиб кутган дамлари — диплом иши ҳимоялари қизғин кетмоқда. Йиллаб эгалланган билим ва ҳунарнинг сарҳисоби бўлаётир. Мазкур жараённи кузатиш мақсадида пойтахтимиздаги Республика дизайн коллежида бўлдик.



— Мана бир неча кундирки коллеж ўқувчилари диплом иши ҳимояси орқали ўз билимлари ва ҳунарларини намойиш қилмоқдалар, — дейди илм маскани директори Шоносир Муродов. — Бу йил коллежни ёғоч ўймакорлиги, заргарлик, наққошлик, ганч ўймакорлиги, мебелсозлик, либос дизайни, замонавий миллий либос, бадиий кашта йўналишлари бўйича 165 нафар ўқувчи битирмоқда. Бу йилги диплом иши ҳимояси кўпчилик гуруҳларда сифат даражасининг юқорилиги билан олдингиларидан фарқланади. Буни 9 ўқувчига имтиёзли диплом берилиши ҳамда 37 ўқувчига Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтига тавсиянома таклиф этилишидан билса бўлади. Маданият ишлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан ўтказиб келинаётган кўрик-танловда бадиий либос гуруҳи ўқувчиси Азиза Ҳусанова II ўринни, шунингдек, шаҳар ҳокимлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан ўтказилган "Энг иқтидорли ўқувчи" кўрик-танловида ҳам бир қатор битирувчиларимиз фахрли ўринларни эгалладилар.

— Бу йилги диплом иши ҳимояси ниҳоятда қизғин ўтмоқда, - дейди Миллий рассомчилик ва дизайн институтининг малака ошириш бўлими бошлиғи, доцент Носир Ҳусанов. — Ўқувчиларнинг илмга чанқоқлиги, ҳунарни чуқур ўрганишга бўлган эҳтиёжи сезилиб турибди. Уларнинг ишлари ўзига хослиги, фантазияга бойлиги билан ажралиб турибди. Ҳимоя пайтида ўқувчиларнинг изланувчанлиги ва интилувчанлиги сезилади. Масалан, Мадина Вакилованинг "Миллий либос замонавий кўринишда", Шаҳло Аҳмедованинг "Барчиной тимсолида Бойсун Қўнғирот эли либослари", Азиза Ҳусанованинг "Қозон татар аёли либоси", Нигора Шукурованинг "Замонавий миллий либос", Саодат Муҳаммаджонованинг "Миллий либосда товус элементлари", Неля Нургалиеванинг "Миллий либосларнинг янги йўналишлари" мавзусидаги диплом ишлари диққатга сазовордир. Уларнинг ҳар бири пишиқ-пухта, ўзига хос тайёрланганлиги билан фарқланади. Деярли барча ишлар қўлда бажарилган. Ранглар уйғунлиги тўғри танланган. Бу қизлар яратган ижод намуналари либос соҳасида иқтидорли модельерлар пайдо бўлаётганлигини кўрсатмоқда.

Кулол гуруҳи ўқувчиларининг диплом ишлари ва улар ясаган буюмларда халқ усталарининг бадиий тажрибаси, бой услублари акс этибгина қолмай, гўзаллик дунёси ҳам назокатли бир тарзда тақдим этилади. Назокат Расулметованинг "Кўза" номли диплом ишида ишлаган кўзасидаги нақшлар нафислиги, жозибадорлиги билан ажралиб туради. Ниҳоятда мукаммал ишланган.

Фурсатдан фойдаланиб битирувчи ёшлар билан ҳам суҳбатлашганимизда уларнинг ҳаяжонлари чексиз, бир олам орзулар қанотида юксакликни кўзлаб парвозга шай бўлиб турганлигини ҳис этдик.

Дония ЗОКИРОВА,
журналист

Buvimning 11 qiz va bir o'g'illari, ya'ni otam va ammalarim bo'lib, ular ham tor, rubob chalishgan. O'tkir akam doira chalib, ko'p yillar Ma'murjon Uzoqov xizmatida bo'lgan. Oilamizda dutor, rubob, g'ijjak, skripka, doira bo'lib, ammalarim kelganda "konsert" qo'yardik.

Ўстозни шогирд таъриф олганда...

Инсон яралибдики, куй ва қўшиқ унга доимий ҳамроҳ. Ҳазин куй хаёлингизни узоқ ўтмишга етакласа, шўх куй садолари эса қалбингизни нурафшон этиб, эзгуликка, келажакка умид билан қарашга, дунёдаги жамики гўзалликка интилишга, ҳаёт қувончидан баҳраманд бўлишга чорлайди. Куй шундай жодуки, инсоннинг шодон кунида ҳам, ёлғизликдан умидсизликка тушган онида ҳам унга мадад бўлиб ошно тутинади. Бугунги суҳбатдошимиз ана шундай куйлар ижодкори, Ўзбекистон давлат консерваториясининг "Бастакорлик ва чолғулаштириш" кафедраси профессори, "Ёш дирижёрлар учун ўқув қўлланмаси", "Оҳангга тўлсин диёр", "Қўшиқ — бизнинг дўстимиз" тўпламларининг муаллифи Фарҳод Алимовдир.

— Фарҳод ака, халқимизда "Қуш уясида кўрганини қилади" деган доно нақл бор. Ҳақиқатан ота ёки она касбини давом эттириб, "Санъаткорлар сулоласи", "Ўқитувчилар сулоласи", "Олимлар сулоласи"... каби фахрли номга сазовор бўлган кўплаб оилаларни биламиз. Айтайлик, Зокировлар сулоласи. Айтинг-чи, мусиқага чанқоқлик, куй сеҳрига ошнолик сизда қандай уйғонган? Оила таъсирими ёки бошқа сабаблар борми?

— Тошкентдаги "Чақар" деган жойни кўпчилик яхши билади. Мен шу жойдаги "Мўрикон" кўчасида туғилганман. Онам Ойпопук Алимова давлат ишида ишламаганлар. Отам Ғуломназир Алимов инженер бўлсалар-да, санъатга қизиққон инсон эдилар. Улар дутор, ғижжак чалиб, хиргойи қилиб ўтирардилар. Оилада икки ўғил эдик. Акам санъат йўналишини танламаган. Лекин мен скрипкага ёшлигимдан қизиққанман. Шу қизиқишим туфайли 3-синфда ўқиётганимда онам мени Глиэр номидаги махсус мактаб-интернатга олиб борганлар. У вақтда мактаб-интернат директори Муҳаббат Мажидовна эди. "Скрипкада ўқийман" десам, "Болам, кечроқ келибсизлар, скрипкада 1-синфдан ўқиш керак" дедилар. Яна мактабимга қайтиб бордим, 5-синфни битиргач эса қайтиб келиб имтиҳон топширдим ва ғижжак бўлимида ўқий бошладим.

Бувимнинг 11 қиз ва бир ўғиллари, яъни отам ва аммаларим бўлиб, улар ҳам тор, рубоб чалишган. Ўткир акам доира чалиб, кўп йиллар Маъмуржон Узоқов хизматида бўлган. Оиламизда дутор, рубоб, ғижжак, скрипка, доира бўлиб, аммаларим келганда "концерт" қўярдик. Демак, оиладаги муҳитнинг ҳам санъатга қизиқишимда таъсири бўлган. Аммо машҳур композитор, академик Юнус Ражабий, у кишининг ўғиллари Ҳасан ва Тоҳир Ражабий билан бирга катта бўлганим, бу оила билан қўшни турганимиз ҳам санъатга иштиёқимни ошириб, чўғни алангалатган, десам хато қилмайман. Кўпинча Юнус Ражабийлар ҳовлисида бўлиб, эл ардоғидаги санъаткорлар — Жўрахон Султонов, Расулқори Мамадалиев, Маъмуржон Узоқов... (бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин) ва бошқаларнинг хонишларини эшитганман. Болалигимдаёқ бу куй ва қўшиқлар сеҳридан сел бўлардим.

— Демак, ўша вақтдаёқ санъаткор бўлишни орзу қилган экансиз-да!

— Йўқ, гарчи мусиқа мактабида ўқисам-да, албатта, актёр бўламан, деб юрардим. Менга Ўзбекистон халқ артисти Юнус Ражабийнинг ўғли, акамнинг дўсти Обид Юнусовнинг таъсири катта бўлган. Ўша вақтда Ўзбекистон Миллий театри Эски шаҳардаги Аброр Ҳидоятов номидаги театр биносида жойлашган бўлиб, уйимизга яқин эди. Обид ака билан бирга ҳамма спектакларни қайта-қайта кўрганман. Ўша спектакларни ҳамон эслайман, қўмсайман. Айниқса, "Бой ила хизматчи", "Қонли сароб", "Имон", "Алишер Навоий" , "Отелло", "Гамлет" спектакллари, ундаги монологлар, актёрлар ижроси юрагимдан чуқур жой олган. Мусиқа мактабини тугатгач эса ҳужжатларимни Ўзбекистон давлат консерваториясига топширдим. Дастлаб "Халқ чолғулари бўлими" факультетида ўқидим, уни битиргач, армияда хизмат қилдим. Айни вақтда Икромжон Бўронов ансамблида ғижжак чалдим. Армия хизматидан қайтгач, яна икки йил тайёрлов курсида ўқиб, қайтадан консерватория талабаси бўлиб, композиторлик факультетида ўқидим.

— Албатта, кўп устозлар илмидан баҳраманд бўлгансиз, аммо биринчи муаллимингиз, жажжи қўлингиздан тутиб "нон", "она", "Ватан" сўзларини ёзишни ўргатган мўътабар сиймони унутмагандирсиз?

— Асло, 1954 йилда Бешёғочдаги 45-ўрта мактабга ўқишга борганман. Биринчи ўқитувчим Норпошша опа эдилар. Биз исмларини атаб чақирганимиз учун фамилиялари ёдимда қолмаган. Ширинсўз, меҳрибон устоз эдилар. Бошланғич синфни битиргач, ўқишимни Глиэрда давом эттирганим учун илк устозим қаторида менга ғижжак сирларини ўргатган Турсунхўжа Носиров, Обид Холмуҳаммедов номларини ҳам эслаб ўтишни лозим топдим. Бу устозларимнинг мазмунли дарслари, ўзларини тута билишлари, маданияти устозлик фаолиятимда менга асқотмоқда.

— Композитор ва бастакор бир тушунчани ифодалайдими? Қўшиққа куй басталаган кишини ким деб аташимиз тўғрироқ?

— Йўқ, айримларда композитор фақат русча мусиқа ёзади, деган фикр ҳам бор. Аслида композитор лотинча сўз бўлиб, тузувчи, басталовчи деган маънони билдиради, у мусиқа ижодкори, мусиқа асарлари муаллифидир. Композитор кўп овозли мусиқа ижод этади, бастакор эса бир овозли куй ва қўшиқ яратади. Композитор чуқур билимга эга бўлмоғи лозим. У мусиқа асбоблари — торли чолғу, пуфлаб чалинадиган чолғу, тилчали чолғу, тери қопламали уриб чалинадиган чолғу, пластинкали чолғу, ўзи садоланадиган чолғу асбоблари; мусиқа безаклари, айниқса ўзбек миллий ижрочилик санъатидаги қочирим, нола, нолиш, хониш кабилар; мусиқа ижрочилиги кабилар ҳақидаги махсус таълимдан хабардор бўлади. Мусиқа ижрочилиги ижрочилар миқдорига кўра яккахон, камер ансамбль (трио, квартет), симфоник, хор ижрочилигига ажратилади. Мана, рус композитори Чайковский ижодига назар ташлайлик. Унинг ижоди чуқур миллий ва халқчил характерга эга бўлиб, рус ва жаҳон мусиқаси ривожига катта таъсир кўрсатган. Чайковский мусиқанинг турли жанрларида ижод қилиб, рус опера ва балетини, симфоник, камер мусиқасини юксак поғонага кўтарган. "Евгений Онегин", "Орлеан қизи", "Пиковая дама" опералари, "Оққуш кўли", "Уйқудаги гўзал" балетлари, оркестр учун программали симфония, симфоник фантазия, тантанали увертюра, оркестр жўрлигидаги фортепиано учун уч ва скрипка учун бир концертни ёзган. Шунинг учун Чайковскийни композитор деймиз. Лекин қўшиқ матнига куй басталовчи, бир овозли куй яратувчини композитор дея олмаймиз.

— Фарҳод ака, қайси шоир ва хонандалар билан ҳамкорлик қиляпсиз? Агар бирор хонанда ўзи танлаган шеърга куй басталаб беришни илтимос қилса рози бўлармидингиз?

— Шеър яхши бўлса, ҳаракат қилардим. Баъзан шундай ҳол бўладики, шеър матни мазмунли, кўнгилга яқин бўлади-ю унинг оҳангга тушиши қийин кечади. Аксинча, шундай шеърлар борки, оҳанги ўзи билан бирга, уни тингловчи ҳам маза қилиб эшитади. Мана, Абдулла Қодирий шоир эмас, ёзувчи. Шунга қарамай, "Меҳробдан чаён" романидаги Анвар ва Раънонинг шеърий айтишувлари оҳанги билан яратилган қўшиқ. 15 қисмдан иборат "Меҳробдан чаён" телевизион бадиий фильмига, Рамз Бобожон сценарийси асосидаги 5 қисмли "Муҳаббат нидоси" мусиқали фильмига қийналмай мусиқа ёзганман. Чунки улардан ўзи оҳанг келиб чиқади. Шунингдек, "Кошона", "Ўзбекистон шоир ва ёзувчилари", "Самарқанд музейлари", "Санъат мактаби", "Ўзбекистон консерваторияси" каби ҳужжатли фильмларга, Ўзбекистон Миллий театрининг "Эргинамнинг орзуси", Муқимий номидаги ўзбек мусиқали драма театрининг "Юсуф ва Зулайҳо", "Нодирабегим", "Девона", "Фотима ва Зуҳра", "Суперқайнона—1(2)", "Сойибхўжа операцияси", "Ўлдинг, азиз бўлдинг", "Машраб", "Хотинимнинг уч ошиғи", Аброр Ҳидоятов номидаги театрда саҳналаштирилган "Чеча", "Ассалому алайкум, қизлар", "Қаллоблар", "Наврўза", "Электра", "Қирол Лир", "Ғаройиб оқшом" каби спектакларга куй ёзганман.

Ўзбекистон халқ шоирлари Абдулла Орипов, Пўлат Мўмин, Нормурод Нарзуллаев, шу қаторда Ҳалима Аҳмедова, Барот Исроил, Оллоберган Пўлатов, Қадам Саидмуродовнинг шеърларига куй басталаганман. Уларни Коммуна Исмоилова, Клара Жалилова, Матлуба Дадабоева, Ҳуррият Исроилова, Замира Суюнова, Козим Қаюмов, Шуҳрат Қаюмов, Аҳмаджон Дадаев каби халқ артистлари ва хизмат кўрсатган хонандалар ижро этиб келмоқдалар.

— Эшитишимизча, сиз яқин кунларда Хитой Халқ Республикасига кетаётган экансиз. Сафарингиз муддаосини билишни истардик.

— Биз бир неча йиллардан бери Шинжон автоном республикасидаги санъат институти билан ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Бу институтдаги мусиқа бўлимида 2 ойдан бир неча марта бўлиб, дарс ўтдим. Уларга консерваториямиз, ундаги малакали мутахассислар ҳақида кўп гапирдим. Ҳозир Шинжондан доцент Абдукарим Усмон келиб биздан дарс оляпти. Мен ҳам шу йил сентябрь ойида бир йилга Шинжонга бориб, билимларимнинг ҳисоботи тарзида ўзимни синаб кўраман, у ерда халқ чолғу асбоблари орқали оркестр ташкил этиб, ишлайман.

— Қайси хорижий давлатларда бўлиб, миллий куй ва оҳангларни намойиш қилгансиз?

— Бизда "Сўғдиёна" номли камер оркестри бор, шу оркестр программасини тузиб, икки мартадан Германия, Миср, Испания, Франция каби давлатларда бўлганман. У ерда чет эл-

ликлар ўзбек санъатини, хусусан, миллий куйларимизни мириқиб тинглаб, гулдурос қарсаклар билан олқишлашган. "Шашмақом", "Тановор"нинг 12 варианти, "Дилхирож", "Чўли ироқ" — булар нафақат ўзбек халқининг, балки кўп халқларнинг ҳам севиб тинглайдиган куйига айланиб улгурганига кўп бора гувоҳ бўлганман.

— Назаримизда ҳозирги ёшлар эстрадани кўпроқ тинглашяпти...

— Майли, лекин эстрада куйлари "айқаш-уйқаш"— аралаш бўлиб кетди. Уларни назорат қилиш ҳам қийин бўлиб қолди. Аввалари бастакор бир куй яратса, Бастакорлар уюшмасига олиб келарди, маслаҳат оларди. Ҳозир-чи, "Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар" деганларидек, айримларнинг ўзи шоир, ўзи бастакор, ўзи ижрочи. Улар миллий куйимизга туркча, афғонча, ҳиндча оҳангларни аралаштириб юборяпти. Бу тингловчи дидини пасайтиради. Қанийди, ёшларимиз классик композиторлар — Бах, Бетховен, Моцартларни, миллий куйларимизни кўпроқ тинглашса. Талабаларимга ўзбек композиторлари Мутал Бурхонов, Икром Акбаров, Мирсодиқ Тожиев, Манас Левиев, Собир Бобоев асарларини тинглашни маслаҳат бераман. Шундагина ижодкорнинг фантазияси ошади, миллийликка кўпроқ урғу беради.

— Шогирдларингиз ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Устозлар шогирдларни белгиламайди, аксинча, шогирд "шу инсон менинг устозим" деб тан олсагина, уни устоз деймиз. Яхшиси, шогирдлар устозларини ўзлари тан олсинлар. Бу менинг шогирдим дейишни манманлик деб биламан. Ўзим шогирдман, дегим келади ва фахр билан бастакорлик сирларини ўргатган Борис Фёдорович Гиенкони устозим деб ҳурмат билан тилга оламан.

— Оилангиз билан таништирсангиз.

— Умр йўлдошим Ферузахон "Машъал" радиоканалида муҳаррир бўлиб ишлайди. Қизим Турсуной Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти, Севара эса Шарқшунослик институти хитой филологияси факультети талабалари. Ўғлим Одилжон Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетини тугатиб, магистратурада ўқишини давом эттираяпти. Набирамиз ҳам бор, у тўрт ёшда. Фарзандларим бастакор бўлмаса-да, адабиёт ва санъат соҳасида эканидан хурсандман.

— "Ma'rifat" муштарийларига тилакларингиз.

— Ўқитувчиликни энг машаққатли касб деб биламан. Уларга соғлик-саломатлик тилайман, оилаларига бош бўлишсин. Шогирдлари доим уларга "Менинг биринчи устозим", "Менинг севимли устозим" деб даста-даста гуллар билан талпинсинлар. Устоз номи ҳам, ўзи ҳам қадр топаверсин.

Маҳмуда ВАЛИЕВА суҳбатлашди.

Rahbarning nojo'ya xatti-harakati, noqonuniy ishlari bilan bog'liq bo'lgan holatlar yuzasidan fuqarolarning yozgan arizalari soni Surxondaryo viloyatida o'tgan shu davrga nisbatan 7 tadan 13 taga, Toshkent shahrida 4 tadan 15 taga, Samarqand viloyatida 6 tadan 11 taga ortgan.

Tahlil

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИГА ҚАНДАЙ ЭЪТИБОР БЕРИЛАЯПТИ?

Тасаввур қилинг, ўз меҳнат жойингизда сизга нисбатан ташкилот раҳбари бирор масалада ноҳақликка йўл қўйди. Бундай вазиятда сиз қандай қарор қабул қиласиз? Очиғини айтганда, айни ҳолатда чиқарилган хулоса нафақат сизнинг, балки бутун жамоанинг ҳам меҳнат фаолиятига қайсидир маънода таъсир этиши табиий. Хўш, сиз ҳақсиз, раҳбар эса ўз ножўя хатти-ҳаракатини «тўғри» деб билади. Бу ҳолат ҳар қандай ташкилот ёки муассаса тараққиётига тўсиқ қўяди. Жамоа ўртасида келишмовчилик, ички низоларни келтириб чиқараверади. Афсусланарлиси, низолар секин-аста илдиз отиб "деди-дедилар", "ёз-ёзларга" бориб тақалади. Бу табиий ҳам. Зеро, бошқарув амалиётидан маълум, қаердаки ижтимоий адолат ўрнини қонунбузарлик, ҳалоллик ўрнини нопоклик, камтарлик ўрнини кибр эгалладими, демак, ўша ерда фуқароларнинг ҳақли норозилиги келиб чиқиши тайин. Минг афсуски, бундай ҳолат халқ таълими тизимини ҳам чеклаб ўтмаган. Айни ҳолатнинг олдини олиш мақсадида бугунги кунда республика Халқ таълими вазирлиги томонидан кейинги йилларда фуқаролардан тушадиган хат, ариза ва шикоятларни ўрганишда ўзига хос муайян тизим йўлга қўйилган. Бунда энг муҳими, аризачи ҳам, аризага сабаб бўлган шахс ҳам ноҳақлик гирдобида қолмаслигига алоҳида эътибор қаратилган.

Фуқароларнинг хат, ариза ва шикоятлари билан ишлаш изчилликни талаб этади. Шу боис ҳам Халқ таълими вазирлиги томонидан соҳага оид хатлар ҳар ойда, қолаверса, йилнинг ҳар чорагида жиддий таҳлиллар асосида кенгашларда, ҳайъат ва ишлаб чиқариш йиғилишларида атрофлича муҳокама этиб борилади. Бунда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуни асосида вазирликда ишлаб чиқилган "Фуқароларнинг хат, ариза ва шикоятлари билан ишлаш" йўриқномаси тизимдаги барча бошқарув органлари ва муассаса раҳбарлари учун дастуриламал, ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Сизга маълумки, "Фуқароларнинг мурожаати тўғрисида"ги янги таҳрирдаги қонун ҳужжатида таъкидланганидек, фуқароларнинг мурожаатлари — ариза, таклиф ва шикоят кўринишида бўлиши мумкин. Ариза фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган мурожаатнома ҳисобланса, таклиф фуқароларнинг давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларини ўз ичига олган номадир. Шикоят эса фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаатнома ҳисобланади. Эътиборлиси, мурожаатлар оғзаки ва ёзма шаклда киритилиши мумкин. Уларнинг ҳар иккиси ҳам бир хил аҳамиятга эга. Фуқароларнинг мурожаатлари якка тартибда ёки жамоа томонидан ҳам берилиши мумкин. Шуни таъкидлаш лозимки, фуқароларнинг давлат органларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланишлари бошқа шахснинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги керак.

Таҳлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2004 йилнинг фақатгина ўтган 5 ойи давомида вазирлик номига фуқаролардан жами 373 та хат, ариза ва шикоятлар келиб тушган. Ушбу мурожаатларнинг 100 таси, яъни 28,6 фоизи хат, 264 таси, яъни 70,7 фоизи шикоят, қолган 9 таси, яъни 2 фоизи эса фуқароларнинг таклиф ва мулоҳазалари билдирилган мурожаатлардир. Юқоридаги ариза ва шикоятларнинг 69 таси Ўзбекистон Республикаси Президенти девонидан, 75 таси Вазирлар Маҳкамасидан ҳамда 35 таси турли вазирлик ва идоралардан жўнатилган.

Халқ таълими вазирлигига юборилган хат, ариза ва шикоятларнинг келиши ўтган йилнинг 5 ойига нисбатан таҳлил қилинганда Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳридан тушган аризалар сонининг кўпайганлигини кўриш мумкин. Жумладан, раҳбарнинг ножўя хатти-ҳаракати, ноқонуний ишлари билан боғлиқ бўлган ҳолатлар юзасидан фуқароларнинг ёзган аризалари сони Сурхондарё вилоятида ўтган шу даврга нисбатан 7 тадан 13 тага, Тошкент шаҳрида 4 тадан 15 тага, Самарқанд вилоятида 6 тадан 11 тага ортган. Бу рақам республика миқёсида таҳлил қилинганда эса 53 тадан 74 тага ошганлиги кўринади.

Албатта, бу кўрсаткичлар соҳада кечаётган ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга ошишида ҳали ҳам айрим сунъий тўсиқларнинг учраётганлигидан далолат. Афсусланарлиси, вазирликка келган хатлар ўрганиб чиқиш учун жойларга юборилганда, аризага сабаб бўлган мавжуд муаммолар атрофлича таҳлил этилмаганлиги, баъзан эса тўғри қарор қабул қилинган бўлса-да, аризачини бу хулоса қониқтирмаганлиги учун қайта мурожаат этиш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Яна таҳлилларга эътибор қаратамиз. 2004 йилнинг ўтган 5 ойига қадар қилинган мурожаатлар ичида такрор келаётган аризалар сони 50 тани ташкил қилади. Агар ушбу рақамлар вилоятлар кесимида чиғирикдан ўтказилса, уларнинг 14 таси, яъни 28 фоизи Қашқадарё вилоятидан жўнатилганлигини кўриш мумкин бўлса, 12 та ариза, яъни жами хатларнинг 24 фоизи Тошкент шаҳридан келиб тушган. Яна бир ачинарли ҳолат шуки, вазирликка келган хатлар жойларга ўрганиб чиқиш учун юборилган бўлса-да, масъул ходимларнинг фуқароларнинг мурожатларига беэътиборлиги сабаб, роса 36 та аризадан 7 таси қайтадан ёзилишига сабаб бўлиб, вазирликка 19 маротаба жўнатилган. Биргина мисол, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод тумани фуқароси Юсуф Мўминов томонидан жўнатилган 1 та ариза 7 маротаба Халқ таълими вазирлиги эътиборига ҳавола этилган.

"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги янги таҳрирдаги қонуннинг 18-моддасида юрт аҳолисининг мурожаатларини кўриб чиқиш муддатлари тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтилган. Унда таъкидланишича, фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан 1 ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно ва бу ҳақда таклиф киритган шахсга 10 кунлик муддат ичида маълум қилинади. Ариза ёки шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиш шарти бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ёки шикоятлар эса 15 кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади.

Аммо, минг афсуски, вазирлик томонидан жойларга хат, ариза ва шикоятларни ўрганиб чиқиб, натижасини белгиланган кунгача маълум қилишни сўраб хатлар жойларга юборилган бўлса-да, айрим ҳолларда маълумотлар ўз вақтида тақдим этилмаётганлиги кузатилмоқда. Масалан, Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги Ҳамид Олимжон номидаги ширкат хўжалигида яшовчи бир гуруҳ ота-оналар номидан Ойшабиби имзоси билан юборилган ариза 2004 йилнинг 14 майида ХТВда рўйхатга олинган. Вазирлик бошқармаси уни 17 майда вилоят халқ таълими бошқармасига кўриб чиқиб, 28 майга қадар жавоб берилиши лозимлигини кўрсатиб ўтганлигига қарамай, ариза юзасидан Халқ таълими вазирлигига юборилган жавоб хати 5 июнда тақдим этилган, яъни қарорнинг ижроси 7 кунга кечиккан. Худди шунингдек, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманидаги Оққишлоқ маҳалласида жойлашган 81-мактабдаги айрим ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятидан нолиб ёзилган бир гуруҳ (14 та имзо) ота-оналар номидан келган мактуб, Навоий вилояти Конимех туманида яшовчи фуқаро У.Қурбонов томонидан ёзилган хат, Бухоро вилоятидан келган Т.Аглиеванинг шикояти, Фарғона вилоятида яшовчи фуқаро Г.Аҳмадалиеванинг Халқ таълими вазирлигига йўллаган мурожаатларига жавобан вилоят халқ таълими бўлимлари томонидан жўнатилган жавоб хатлари ўрта ҳисобда 5 кунга кечикканлиги ҳам ачинарли ҳол.

Албатта, бундай ҳолатлар республика марказий ташкилотларида ҳам учрамоқда. Жумладан, Андижон вилоятининг Избоскан туманида яшовчи фуқаро Р.Жўраев томонидан фарзандининг ўқишдан четлаштирилганлиги тўғрисидаги аризаси Халқ таълими вазирлигида 2004 йилнинг 25 февралида рўйхатдан ўтказилиб, тегишли жавоб берилиши сўралган ҳолда республика Нафис санъат мактаб-интернатига 24 мартга қадар ариза билан атрофлича танишиб чиқиб, жавоб бериш сўралган. Минг афсуски, жавоб хати 5 апрелда тақдим этилган. Демак, ушбу хат жавоби ҳам айрим сабабларга кўра 9 кунга кечиккан.

Шунингдек, Хоразм вилояти педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ўқитувчиси Б.Собиров томонидан Халқ таълими вазирлигига йўлланган, ишдан четлаштирилганлигидан норозилиги билдирилган аризаси такроран 31 мартда Халқ таълими вазирлигига келиб тушган. Тегишли бошқарма уни А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИга кўриб чиқиб, 20 апрелгача жавоб беришини сўраб, жўнатган. Жавоб хати эса 26 апрелда тақдим этилган.

Юқоридаги барча ҳолатларда эътиборсизлик сабаб, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги янги таҳрирдаги қарорнинг 18-банди бажарилишида сусткашликка йўл қўйилган бўлиб, Халқ таълими вазирлигига на жойлардан, на ташкилотлардан ушбу аризаларни ўрганиш учун муддатларни узайтириш лозимлиги бўйича ҳеч қандай мурожаат қилинмаган. Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир хат ортида инсон тақдири, унинг эртаси ётибди. Бу эса ҳеч бир ходимнинг ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндашишига йўл қўймаслиги лозимлигини кўрсатади.

Албатта, бу барча жойларда фуқароларнинг мурожаатларига эътиборсизлик, ижро интизомига риоя қилмаслик шу ҳолатда эканда, деган фикрни келтириб чиқармайди. Масалан, Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида яшовчи фуқаро А.Жўраев томонидан Халқ таълими вазирлигига йўлланган аризасидаги ойлик маоши тўғрисидаги масалаларга ойдинлик киритиш лозимлиги кўрсатилган хати 11 мартда рўйхатга олинган. Ариза 16 мартда вилоят халқ таълими бошқармасига юборилиб, 1 апрелгача жавоб бериш сўралган. Жавоб хати эса муддатидан 5 кун олдин Халқ таълими вазирлигига етиб келган. Худди шундай Сурхондарё вилоятининг Термиз туманидаги Янгиариқ жамоа хўжалигида жойлашган 16-мактабнинг 7-синф ўқувчиси М.Қурбонованинг "Мактабда ўтилмаган дарс соатлари тўғрисида"ги аризаси Халқ таълими вазирлигига 12 мартда келган бўлса, у ВХТБга 28 мартгача йўллаши сўралган ҳолда, хат жавоби 24 мартда юборилган. Демак, бу фуқаронинг хати 4 кун олдин, тезкор ҳолда ўрганилганлигини англатади.

Хабарингиз бор, халқ таълими тизимида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар бугун туб бурилиш палласида. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилинишида ҳам кўринади. Албатта, юртимизда бозор иқтисодиётига ўтиш сиёсати олиб борилаётган айни паллада халқ таълими тизимида ҳам ўзига хос муаммолар йўқ эмас. Аммо, бугунги изланишлар келгусида ўз самарасини беражаги тайин. Бу ислоҳотлар кўламидан ҳам сезилади. Бироқ, энг афсусланарлиси, айрим ҳолларда бугунги ислоҳотлар маъно-моҳиятига тушуниб етмай, баъзан эса кимгадир "аччиқ қилиб" ёзилган шикоят хатлари ҳам ҳамон учраб турибди. Ўз-ўзидан аён, бундай ҳоллар меҳнат жамоаси муваффақиятига тўсиқ қўяди, текширувчилар вақтини олиш билан бирга кишиларга маънавий зарар ҳам етказади.

Ўйлаймизки, ўзлигини таниган, ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва бурчларини теран тушуниб етган ҳар бир фуқаро бугунги ислоҳотлар маъно-мазмунини чуқур англаган ҳолда фарзандларимиз эртасини бунёд этишда имкон қадар камарбаста бўладилар.

Ҳилола СУЛТОНОВА,
ХТВнинг Ахборот-таҳлил ва ташкилий ишлар бош бошқармаси бош назоратчиси,
Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТИЛИ ВА УСЛУБИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида Давлатбек Саъдуллаевнинг "Язык и стиль средств массовой информации" номли китоби (ўқув қўлланмаси) босмадан чиқди. Китоб журналистика факультети талабалари ва умуман, кенг матбуот ходимларига мўлжалланган бўлиб, ўқув қўлланма тариқасида ёш журналистларга асқотади.

Ўқув қўлланмада радиожурналистика, газеталарга хос журналистика, тележурналистика ва бошқа матбуот жанрлари журналистикасига хос хусусиятлар таҳлил этилган ва фойдали маслаҳатлар берилган.

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Миллий университетнинг журналистика факультетида тайёрланиб, "Тележурналистлар мактаби" ҳамкорлигида чоп этилган.

Китоб сўзбоши, олтита (боб) бўлим ва иккита иловадан иборатдир. Сўзбошида халқаро журналистиканинг предмети ва мазмуни, ўқувчи, эшитувчи, томошабин ҳақида, профессионал кадрлар тайёрлаш даражаси тўғрисида ва китобнинг ёзилиш масалалари шарҳ этилган.

Биринчи бобда "Оммавий матбуот тили ва услуби", "Тил ва нутқ тўғрисида сўзлашайлик", "Тил нима?", деган масала устида сўзлашайлик", "Суҳбат жараёни" деган мавзулар юзасидан фикр юритилади.

Иккинчи бобда "Радиожурналистика тилининг хусусиятлари", "Радио тили ва нутқи", "Эшитувчилар эътиборини кучайтириш" мавзуларида сўз юритилади.

Учинчи бобда "Газеталарнинг тили ва услубининг хусусиятлари", "Семантик-услубий хусусиятлар ва фразеологик сарлавҳалар танлаш мантиқи", "Газеталар тилида стилистик фигура ва йўл танлаш", "Газета тилида "Баландпарвоз сўзлар", "Экспрессив синтаксис ва публицистика масалалари", "Янги оммавий матбуот тилининг ўзлашмалар ҳисобига бойиш омиллари" ҳақида сўз боради.

Тўртинчи бобда "Фойдали маслаҳатларнинг давоми", "Агар сиз ўн етти ёшга тўлган бўлсангиз, унда журналистика нутқи маданияти ҳақида", "Садо— руҳнинг ойнаси", "Сўзсиз суҳбат ва нутқ" каби мавзуларнинг мазмуни очиб берилади.

Бешинчи бобда "Оғзаки нутқнинг лингвистик хусусиятлари", "Нутқнинг функционал йўналиши", "Нутқнинг тематик аниқланиши", "Умум услубий, синонимли ва умумий адабий тил воситалари ҳақида" фикр юритилади.

Олтинчи бобда "Оммавий ва оммавийсиз (якка) нутқ", "Нутқ амалиёти", "Турли хил коммуникатив функциялар", "Диалогли, монологли нутқлар", "Воситали, мажбурий, тайёргарликсиз нутқ", "Расмий ва норасмий нутқлар" ҳақида сўз юритилган.

А.ХОЛМУРОДОВ,
Х.ЎРОЛОВ,
ЎзДЖТУ доцентлари

Xullas, kichik jamoaning katta mehnati o'z samarasini berdi, fidokorona mehnatlari evaziga 2-3 oy ichida tashlandiq bino ko'rsa ko'rgudek holga keltirildi.

«O'qituvchim — faxrim» tanloviga

ИСТИҚЛОЛДАН ИЛҲОМЛАНГАН МУРАББИЙ

Барваста қоматли, ўйчан қиёфали Хушвақт ака билан суҳбатлашсангиз, гап мавзуи фақат таълим-тарбия хусусида бўлади. Ўқитишдаги муаммолар, янги таълим технологиялари, илғор педагогик методлар, маърифатнинг тараққиётдаги аҳамияти, дарсликлар сифати ва мазмуни, ёш авлод тарбиясида миллий анъаналаримиз роли ва ҳоказолар ҳақида кўпроқ фикрлашишни истайди. Ҳатто, ўз ўқувчиларининг қилиқлари, қизиқишлари, ўзига хос феъл-атворлари ҳақида ҳам гапиришдан зерикмайди. Шунда беихтиёр мактаб ва таълим тарбия иши унинг ҳаёти мазмунига айланганига ишонасиз.

Маълумки, Худо ҳар кимга ҳар касбга мос лаёқат, шунга яраша салоҳият беради. Ўз лаёқатига мос касб танлаганлар шу соҳанинг фидойиси бўладилар, унинг машаққати заҳматларидан қатъи назар бутун борлиғини ўз касбига бағишлайди ва меҳнати ҳам самарали бўлади. Бирор соҳага адашиб кириб қолганлар эса умрини беҳуда ўтказишади. Улар ишламайди, ишхонага наридан-бери бориб келадилар холос. Хушвақт акага ўхшаганларни эса айнан таълим соҳаси учун яралган дейсиз. Ўқитувчига хос бағрикенглик, жонкуярлик, теран фикрлилик, болажонлик, изланувчанлик, ўз касбига фидойилик — ҳамма-ҳаммаси унда мужассам.

Хушвақт ака ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугаттач, ҳеч иккиланмай муаллимликни танлади. Ўз мақсадини дастлаб амакисига билдирди. Амакиси Тўра домла Ўғлонов (худо раҳмат қилсин) умрининг қарийб қирқ йилини ўқитувчиликка бағишлаганди. Кўпни кўрган устоз сифатида у киши ўшанда шундай деганди: «Муаллимлик осон иш эмас, жиян, унинг нони хийла қаттиқ бўлади. Ўз устингда тинимсиз ишласанг, изланасанг ва ҳамиша замондан бир қадам олдинда юрсангтина унинг нони татийди. Унутмагинки, ўқитувчи қандайдир жонсиз нарсалар билан эмас, инсон билан иш кўради. Жамиятнинг эртаси қандай бўлиши ўқитувчига боғлиқ. Нодон ўқитувчи яхшини ёмонга айлантириб қўйиши ҳеч гап эмас. Демак, муаллимдаги масъулият юки жуда оғир. Аввало, у чин инсоний фазилатлар соҳиби бўлиши ва буни ўз ўқувчилари вужудига сингдира олиши керак. Шундагина у қадр топади, улуғланади. Буни уддалаш эса ҳар кимнинг қўлидан келавермайди».

Хушвақт ака устозининг бу ўгитларини бир умрга қалбига жо қилди. Танлаган касбининг бутун масъулиятини ҳис қилган ҳолда ўқитувчилик маҳоратини астойдил эгаллаш учун дастлаб Шаҳрисабз педагогика билим юртида, сўнг ҳозирги Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг рус тили ва адабиёти факультетида таҳсил олди. Ўқиш, ўрганиш, ўз билим ва малакасини ошириш учун изланишдан эринмади, кекса муаллимлар, тажрибали ўқитувчилар суҳбатида бўлишга интилди, педагогика ва психологияга оид адабиётларни титкилади.

Ўз фаолиятини Ғ.Ғулом номидаги мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб бошлаган Х.Ўғлонов меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги ва ташаббускорлиги боис қисқа муддатда мактаб педагогика жамоаси назарига тушди. Унинг ҳаракатчанлиги, ташкилотчилик қобилияти маъқул келиб, жамоа аввал директор ўринбосари, сўнг директор вазифасига сайлашди. Ёш ва ғайратли директор ўз ишини тартиб-интизомдан бошлади. Ўқувчилар давоматини кўтариш, ўзлаштириш кўрсаткичини ошириш, таълим беришнинг эски, бир қолипли усулларини ўзгартириш, ноанъанавий дарс беришни жорий қилиш, очиқ дарсларни кўпайтириш, маънавий-маърифий тадбирлар таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, миллий тарбия масалаларига эътиборни қаратиш борасидаги қатор ишларни мактабда жонлантириш учун астойдил ҳаракат қилди. У айниқса, ўз билимдонлиги билан яққол ажралиб турадиган, алоҳида фанлардан иқтидорли бўлган ўқувчиларни ихтисослаштириш масаласида кўп бош қотирар ва бу ниятини амалга ошириш йўлларини қидирарди. Ўлкамизга истиқлол эпкинлари кириб келгач, бу ўй уни янада безовта қила бошлади. Энди унинг орзуси ушалишига имкон туғилганди. Ниҳоят, у ўз қишлоғидан иқтидорли болаларни алоҳида ўқитадиган махсус мактаб очишга қарор қилди. Баъзилар унинг бу фикрини қўллаб-қувватлаган бўлса, айримлар хомхаёл, дейишди. Албатта, бу ишни амалга ошириш осон эмасди, бунинг устига тайинли жой йўқ эди. Туманда ҳали бундай янги турдаги таълим муассасаси ташкил этилмаганди. У ўз ғайрати ва салоҳиятига ишонарди, шунинг учун таваккал қилиб махсус меъёрий ҳужжатлар асосида гимназия мактаб-интернатининг низомини тайёрлашга киришди, жой учун эса хўжаликда ишламай ётган эски боғча биносини мўлжаллади.

Низомни кўтариб, туман ҳокими ҳузурига йўл олди. Унинг бу хайрли ишини туман ҳокимияти қўллаб-қувватлагани, айниқса, унга қанот берди.

«Ташаббусингиз таҳсинга лойиқ, домла, — деди ҳоким. — Шундай мактаб керак, буни замон талаб қилаяпти. Халқимизнинг қанча иқтидорли болалари бор. Биласизми, мен ёшлигимдам. Ломоносов номидаги Москва давлат университетида ўқишни орзу қилардим. Ҳозирда ҳорижда ниятда юрган болалар йўқ дейсизми? Қолаверса, бугун имкониятлар ҳам кенгайиб бормоқда. Уларни тўплаб ўқитинг, ҳеч иккиланмай ғайрат қилинг, қўлдан келганча ёрдам берамиз».

Ҳоким фикримни қўллармикин ё..., деган алланечук хаёллар билан кирган Хушвақт ака унинг ҳузуридан қувонч билан чиқди ва шу куниёқ тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришга киришди. Ҳоким ўз сўзи устидан чиқди. 1997 йил 30 апрелда Ҳ.Олимжон номидаги жамоа хўжалигида жойлашган эски боғча биносида гимназия мактаб-интернатини ташкил этиш ҳақидаги қарорини унинг қўлига тутқазди.

Шундай қилиб, Чироқчида илк янги турдаги таълим муассасаси бўлган 1-гимназияга асос солинди. Хушвақт аканинг кўп йиллик орзуси истиқлол туфайли рўёбга чиқди. У энди бор билими ва куч-қувватини илмга чанқоқ ёш авлод таълим-тарбиясига сафарбар этиб, шу йўл билан мустақил Ўзбекистон тараққиётига, унинг ривожланган мамлакатлар сафидан тезроқ жой олишига ўз ҳиссасини қўшишни дилига тугиб қўйди.

Туман халқ таълими бўлими раҳбарияти янги гимназия фаолиятини йўлга қўйишни унга топширди. Энди Хушвақт ака учун ташвиш ўн чандон ошди. Чунки анча йилдан буён қаровсиз ётган эски боғча биноси хийла таъмирга муҳтож эди. Эшик, деразалар йўқ, борлари ҳам яроқсиз, деворлар сувоғи кўчган, бундан ташқари, ойна, оҳак ва бошқа қурилиш ашёлари дегандай... Вақт эса зиқ. Ҳадемай янги ўқув йили бошланади. Ҳали туман бўйича танлов эълон қилиниб, ўқувчиларни жалб қилиш керак. Хуллас, иш бисёр эди. Ишчан директор кўз—қўрқоқ, қўл—ботир мақолига амал қилиб, ўзи каби 5-6 фидойи ўқитувчини тўплаб, енг шимариб ишга киришиб кетдилар. Уларнинг меҳнат таътиллари шу ерда лой қориб, сувоқчилик қилиш билан ўтди. Директор уйни унутди, кўрпа-тўшагини ҳам шу ерга кўчирди. Буни кўрган қишлоқ аҳли ҳам ҳашарга отланди. Хуллас, кичик жамоанинг катта меҳнати ўз самарасини берди, фидокорона меҳнатлари эвазига 2-3 ой ичида ташландиқ бино кўрса кўргудек ҳолга келтирилди.

1997-1998 ўқув йилининг 1 сентябридан бошлаб туманнинг турли қишлоқларидан келган 76 нафар ўқувчи билан ўқиш бошланди. Ўшанда битта 1-синф, иккита 2-синф, битта 3-синф, жами тўртта синф бор эди. Гимназияга қабул қилинган ўқувчилар орасида ётоқхонага муҳтожлари ҳам бор эди. Устига-устак ҳали ошхона ҳам йўқ. Бундай ўқувчиларни директор вақтинча ўз уйига, ўқитувчилар ва қишлоқдошларининг хонадонларига жойлаштириб, ўзи ошхона ва ётоқхона масаласини ҳал қилиш учун оёғини қўлига олиб мутасадди ташкилотлар, туман ва вилоят маркази оралиғида деярли 4 ой зир қатнади ва бу муаммоларни ҳам ҳал қилди. Ўқувчилар учун мўъжазгина ошхона ва ётоқхона ишга туширилди.

Тиниб-тинчимас директор бошлиқ гимназия ўқитувчиларининг саъй-ҳаракатлари, интилишлари зое кетмади. Чекка бир қишлоқда ажойиб бир таълим муассасаси шакллана бошлади. Ундаги ибратли ишлар, таълим-тарбиядаги ютуқлар бутун туманга ёйилди. Кичик жамоа ижобий натижалари, сифатли кўрсаткичлари билан туман халқ таълими бўлими ва туман фаоллари йиғилишларида ботбот тилга олина бошланди. Қисқаси, Х.Ўғлонов мактабида таълим олишни истовчилар сони кундан-кунга кўпаймоқда.

Боймирза НОРБЕКОВ,
Чироқчи туманидаги транспорт касб-ҳунар коллежи психологи

ЎҚИТУВЧИМ СУМКАСИ МЕНИНГ ҚЎЛИМДА

Устоз ёрдамисиз қўлига қалам олиб, «Она», «Ватан» сўзларини ёзиш осон кечмаслиги табиий. Мен ҳам 1-синфга борган вақтимда ўқиш-ёзишни эплолмай юрганман. Ҳамон ёдимда, илк бор мактабга борган чоғимда қўшни қишлоқда яшовчи, эндигина олий ўқув юртини битириб келган Раҳима опа ҳар биримизнинг қўлимиздан ушлаб партага ўтқаздилар-да, сумкамиздан сиёҳ, ручкаларни олиб, парта устига қўйишимизни айтдилар. Шу кундан бошлаб, биз кечагина тупроқ чангитиб, қулоқчўзма ўйнаб, кимнингдир полизига — бодринг, ҳандалак, қовун, тарвузга тушиб юрган болалар бирданига «одобли бола» — «ўқувчи»га айландик. Бизнинг фикримизча, ўқувчи дегани билағон, ҳамма нарса қўлидан келадиган бола эди-да. Ўйлардикки, елкага сумка осилган, партага ўтирган бола бўлдикми, демак, биз ҳам ҳамма ишни қила оламиз, китобни шариллатиб ўқиймиз, дафтарни тўлдириб ёзамиз. Лекин мактабга бораётган бўлсак-да, орадан кунлар, ҳафталар ўтса-да, бизнинг қўлимиздан ҳамон ўқиш ва ёзиш келавермасди. Ҳозирча ҳарфларнинг элементларини ёзиш, айримларини танишнинг ўзиёқ катта ютуқ эканлигини тушунмасдик. Чунки биз бола эдик, эртаклардагидек ҳамма ишнинг тез бўлишини хоҳлардик. Болаликда эшитганимиз эртак эди, достонлар эди. Гўрўғли, Алпомиш, Кунтуғмиш, Ҳасанхон, Авазхон, Равшан, Рустам паҳлавонларга ҳавас қилиб юрардик...

Раҳима опа менинг биринчи ўқитувчим!

Опа бизнинг қалбимизни шунчалар ром этдиларки, биз жажжи ўғил-қизлар, бир синфда 20 нафар эдик. Ўз фарзандларидек меҳрибонлик қиларди.

Бу ўғил-қизлар қисқа муддатда билимга, китобга меҳр қўйишди. Бу болалар «Она», «Ватан» сўзларини ёза оладиган бўлишди.

Раҳима опа қўшни қишлоқдан келарди. Шу боис, у кишини биз йўлда, қишлоқ четида кутиб олардик. Навбат билан опанинг сумкасини кўтариб, шўх-шодон мактаб қучоғига кириб келардик. Тўғри, илк дамларда сумкани талашардик, ҳаммамиз ўқитувчи опамизга яхши кўриниш ҳаракатида бўлардик.

Жаннатмакон юртимизнинг сўлим гўшаларидан бири, «Тегирмон» қишлоғи, унинг мафтункор табиати... Раҳима опа бир куни бизларни далага, қиру адирга олиб чиқдилар. Юришни бошлаганимиздан буён у жойлардан балки минглаб маротаба ўтгандирмиз. Лекин ана шу кун бизга бошқа бир оламни очдилар. Адирликлар, узоқдан кўриниб турган тоғлар, боғу-роғлар, узумзорлар. Айнан ана шу ерлар — Самарқанд кенгликлари бизнинг Ватанимиз, киндик қонимиз томган жой эканлигини тушунтирдилар. Йўқ, бу ҳисни — Ватан ҳиссини — қалбимизга жойладилар. Шундан кейин ҳам опа бизларни яна кўп бора ана шу адирликлар, боғуроғлар бўйларига етакладилар. Бу жойнинг табиати, ариқларда оқаётган тип-тиниқ зилол сувлари билан ошно этдилар. Меҳр уйғотдилар, қалбимизда. Атрофдагиларга ҳурмат ҳиссини пайдо этдилар.

Ўқитиш, билим бериш. Бу ўқитувчининг вазифаси. Лекин она табиатга, туғилган юртга, катталарга, дўсту биродарларга меҳр, ҳурмат ҳиссини уйғотиш, аввало, оиладан бошланса, муаллим уни ривожлантирувчидир.

Бугун жажжи ука-сингилларимиз, ўз устозларига меҳр билан эргашади. Биринчи ўқитувчиларини ҳурмат билан тилга олишади. Улар ўз устозлари ҳақида мароқ билан гапиришаркан, мен меҳрибон ўқитувчим Раҳима оға Суюнованинг синфда болаларнинг ўртасида гул-гул ёнган ҳолда дарс ўтаётган ҳолатини кўз олдимга келтираман.

«Энди ручкаларни партага қўямиз. Бармоқларимиз билан партани секин чертамиз. Қани бошладик: «Ёмғир ёғалоқ, ям-яшил ўтлоқ, энди экинлар чиқарар қулоқ», Барчамиз опага жўр бўламиз. Жажжи бармоқчаларимиз билан, партани чертиб қўшиқни давом эттирамиз, «Яшнасин дала, очилсин лола, лола қўйнида мисли шалола». Бармоқчаларимиз энди бир оз ором олсин. Вужудимизни ажиб бир ҳис чулғайди. Ва бу ҳис бизни умрбод тарк этмайди...

Мен бугун ўқитувчиман,.. устозман! Бу сўзни тилга олар эканман, шу кунларга етишимда менга устозлик қилган, барча «Меҳри дарё инсонлар» олдида ҳамиша қарздорлигимни ҳис этаман.

Рустам ҚУВВАТОВ,
ўқитувчи

— Sultonmurod, — dedi onasi, — ikkinchi sinfga o'tdi, faqat "5" bahoga o'qiydi... — mana shu so'zlar asnosida ayolning yuzi yorishganday bo'ldi. Lekin Sultonmurod hamon atrofga yovqarash qilib o'tirardi.

БОЛА ҚАЛБИНИ ЎҚИГАНМИСИЗ?

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича муовини Нурия Айтжонованинг иш хонасида шифохоналардаги янгиликлар, муаммолар ҳақида гаплашиб ўтиргандик, эшик очилиб, аёл киши мўралади ва эшикни ёпди..

— Киринг, кираверинг, — деди Нурия Айтжонова.

Юз-кўзларига бир ташвиш соя ташлаб турган жувон, орқасидан 7-8 ёшлардаги бола киришди. Нуриянинг бутун диққати уларга кўчди.

— Менинг болам туғма ногирон, — деди аёл. — 2-поликлиника ҳудудидаги қариндошимникида пропискада турамиз, лекин ижарада яшайдиган жойимиз 8-поликлиникага қарайди. Боламнинг ногиронлик муддатини узайтириш учун борсам, 2-поликлиникадагилар "Сен бу ерда яшамайсан-ку", — деб, 8-поликлиникадагилар эса "Бизнинг территорияда пропискада эмассан", — деб қабул қилишмаяпти...

Болага разм солдим: ақлли-ҳушли эканлиги шундоқ кўриниб турибди, фақат жуда ғамгин эди.

Нурия опа аёл узатган қоғозларни кўриб чиқди ва "Мен аниқлаштирай-чи", — деб телефон рақамини тера бошлади.

Она ва бола рўпарамда ўтиришарди.

— Исминг нима? — деб сўрадим, лекин боланинг қовоғи очилмади, индамади.

— Отингни айтсанг-чи, — деди онаси.

Бола нималардир деди секингина, биргина "Султон" деган сўзни англадим, холос.

— Султонмурод, — деди онаси, — иккинчи синфга ўтди, фақат "5" баҳога ўқийди... — мана шу сўзлар асносида аёлнинг юзи ёришгандай бўлди. Лекин Султонмурод ҳамон атрофга ёвқараш қилиб ўтирарди. Онаси бундан хижолат тортгандай тушунтира бошлади:

— Неча кундан буён иккита поликлиниканинг ўртасида сарсонмиз. Ишимизни битиришмайди, жаҳл қилишади. Менинг хафа бўлиб йиғлашимдан юраги безиллаб қолди, "Она, дўхтирга бормайлик", — дейди болам...

Бу гапларни айтаркан, аёлнинг овози титрай бошлади, Султонмуроднинг кўзларида худди яқинлашиб келаётган хафагарчиликдан онасини ҳимоя қилишга шайлик каби ифода зоҳир бўлди.

Телефонда гаплашаётган Нуриянинг овози бирдан кўтарилди:

— Кўриниб турибди-ку, боланинг бир қўли туғма ногирон, шуниям отангга бор, онангга бор қиласизларми?.. Шундагина мен разм солдим: Султонмуроднинг ўнг қўлида бармоқларнинг ўрни бор-у ўзи йўқ эди.

Нурия Айтжонованинг гап-сўзларидан муаммонинг ҳал бўлаётгани сезилиб турарди. Шундан ўпкаси тўлдими ёки чарчаган асаблари яна бўшашдими... онанинг кўзлари ёшлана бошлади ва шу лаҳзада ўғлининг ҳолатини кўрсангиз...

Султонмурод чап қўлига рўмолча тутганча онасига термулиб турарди. Аёлнинг кўзидан оҳиста ёш сиза бошлади, бола шошиб рўмолчани ёшли кўзларга босди, авайлаб онасининг юзини артди...

* * *

...Институтни битириб, биринчи йили Марғилон шаҳридаги 7-мактабда ўқитувчилик қилаётган пайтим эди. 4-синфдаги бир ўқувчи ҳафтада бир-икки марта мактабга келар, охирги партада ўтириб, овози ҳам чиқмас, ёзмасдиям, жавоб ҳам бермасди. Унинг индамаслиги, юпунгина кийимлари оилавий шароитидан бир қадар тушунча бергандек, бирон нарса талаб қилиш фойдасиз — гапингизга ҳеч жавоб бермасди. Кун-кунора синф раҳбари куйиб-пишиб ёнимга келарди-да:

— Кечагина уйига боргандим, бугун яна йўқ! — дерди.

Бир куни тушдан кейин бошланадиган дарсимга шошиб бораётгандим. Мактабнинг олдидаги майдончада бир қанча бола давра олиб туришар, хо-холаб кулишарди. Яхшилаб қарасам, давранинг ўртасида ўша — 4-синфдаги индамас ўқувчи, даврани ёриб чиқиб кетмоқчи бўлади, лекин болалар йўл беришмасди.

Мен яқин борганимда, бола даврани ёриб ўтди, тўғри олдимга югуриб келди. Биринчи марта мен унинг гапирганини эшитдим:

— Опа, — деди у оёғига ишора қилиб, — мана бунақа туфлини ўғил болалар кийса бўлмайдими?

Мен унинг оёғига қарадим, қизларнинг пошнаси баланд туфлисини кийиб олганди.

Орқадаги болаларнинг кулгулари тақа-тақ тўхтаган, рўпарамдаги индамас ўқувчим кўзимга тикилиб турарди. Бир қарашда унинг оёғидаги туфлиси ғайритабиий, лекин... томоғимни бўғиб келган ниманидир ютдим... овозимга хотиржам, таажжубли оҳанг беришга урниб:

— Нимага? — дедим. — Ўғил болаям кийса бўлади бу туфлини!

Бола шартта орқасига ўгирилиб, ўзига қараб турган ҳангома талабларга:

— Ана! — деди тантанавор оҳангда, — кийса бўлади! — шу гапни айтиб олдимга тушди-да, тақ-туқ юриб мактабга кириб кетди.

Бу воқеа бўлганидан буён ўттиз йил ўтди, лекин жуда кўп ёдимга тушади.

* * *

Бир танишим учинчи синфда ўқийдиган ўғлининг ёзуви хунуклигидан нолиб, чиройли ёзишга сира ўргата олмаётганидан гапириб қолди.

— Ақли, зеҳни жуда яхши, — деди у. — Математик мисол, масалаларниям бир пасда оғзаки ечиб ташлайди, ўқиганларини тез тушунади, шеърларни бир-икки ўқиса, ёд бўлиб қолади-ю... шу... уч йилдан буён ота-оналар мажлисидаям, кўча-кўйда ўқитувчисини учратиб қолсам ҳам, мана шу гап: "Ўғлингизнинг хати хунук". Ўғлим ҳам бир ғалати бўлиб қолган, буюрган ҳамма ишларимни бажаради, фақат "Чиройли ёзишни машқ қилгин", — десам, "Ёзмайман, ёзолмайман!" — деб индамай ўтираверади. Таътилга чиқишларидан сал олдинроқ ўқитувчиси чақиртирган экан, бордим, синф эшиги олдида дарс тугашини кутиб турдим. Ўқитувчиси, баланд овозда гапиргани учун эшитилиб турарди. Қаранг, ўшандаям шу ҳақдаги гапга тўғри келсам бўладими?

— Сен ўзи ҳеч тузалмайсан, шекилли. Агар уч йилдан буён айиққа ўргатганимда, айиқ ҳам чиройли ёзишни билиб оларди. Онангга айтдингми, келадими? Таътилда чиройли ёздиришни ўргатишга вақти бўлармикин онангнинг? — ўқитувчининг бу гапларини эшитиб, тўғриси, дарс тугашиниям кутгим келмади, "Нима бўлса бўлар", дедим-да, уйга қайтдим...

* * *

Мен бу воқеаларни шарҳламайман. Лекин бир нарсани таъкидламоқчиман: болажонларнинг кўнгли биз ўйлагандан кўра сезгирроқ, нозикроқ, таъсирчану ғурурлироқ. Мана шуни ҳар биримиз қалб кўзгусида кўриб ҳис қилиб туришимиз, болалар дилига тўғри йўл топишимизга, чуқурроқ кириб боришимизга замин бўлади. Болажонлар ҳамиша ҳурматли, муҳаббатли қалбга интиладилар, унга дўст бўлишни, топшириқларини чин дилдан бажаришни истайдилар.

Ёзги таътил фақат дам олиш эмас, балки ўзингни янги ўқув йилига руҳан, маънан тайёрлаш фасли ҳамдир. Азиз устозлар синф хоналарида қолдирган даста-даста дафтарлардан ташқари, кўнгилларида тахланиб ётган бири-бирига ўхшамайдиган илоҳий дафтарлар ҳам борки, булар ҳар бир ўқувчининг қалб оламидир. Уларни ўқиб уқмоққа нечоғли ҳаракат қилгансиз? Келинг, уни муҳаббат билан варақлаймиз...

Муҳтарама УЛУҒ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Siz nima deysiz?

«МАФТУНКОР РАНГЛАР ОЛАМИ»

Андижон шаҳридаги болалар боғида Ўзбекистон ногиронлар жамияти вилоят бўлими томонидан "Мафтункор ранглар олами" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ҳар йили ўтказиш анъанага айланган танловда ҳаракати чекланган, жисмонан ногирон бўлса-да, рассомлик иқтидори бор 8 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўғил-қизлар фаол иштирок этиб келадилар.

Боғнинг соя-салқин жойида ташкил этилган танловда вилоятнинг шаҳар ва туманларидан келган 28 нафар ёш "Дунё ва болалар", "Гиёҳвандлик аср вабоси", "Орзулар оламида" каби турли мавзуларни ранг-тасвирда акс эттирди.

Tadbir

Ғоят қизиқарли ўтган кўрикда асакалик Неъматулло Маърифжонов биринчи ўринни эгаллади. Хонободлик Ҳамиджон Абдуллаев иккинчи, Асака туманидан Баҳодиржон Охунов учинчи, балиқчилик Дилшодбек Қодиров эса тўртинчи ўрин соҳиби бўлдилар. Ғолиблар фахрий ёрлиқлар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Ғолиб ҳаваскор рассомлар республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

О.СИДДИҚОВ

ЎҚИТУВЧИЛАР ТАЛАБА БЎЛДИ

Ўқув йили тугаб, болалар ёзги таътилга чиққани билан ўқитувчиларимиз ҳали дам олишга шошаётгани йўқ. Айниқса, бу ҳафта пойтахтимиз мактабларида дарс берадиган инглиз тили ўқитувчилари учун жуда қизиқарли ва самарали ўтди. Чунки, ЎзДЖТУ қошидаги тил марказида улар учун жадаллаштирилган қайта тайёрлов курсларининг машғулотлари ўтказилди. Ўқув машғулотларини халқаро Тинчлик корпуси вакиллари ва CAFE — Ўрта Осиёга беғараз ёрдам ташкилотининг бир гуруҳ ходимлари олиб бордилар.

Дарсларни режалаштириш, болалар психологияси ва қобилиятларидан унумли фойдаланиш каби назарий билимлар билан бирга чет эл фуқаролари билан ўтган амалий суҳбатлар ўқитувчиларга маъқул тушди. Чет тилини ўрганган ҳар қандай одам эркин мулоқот қилиши учун табиий муҳитга зарурият сезади. Дарслар давомида ана шундай табиий муҳит яратилди. Тажрибали педагог Стивен Стринкленд, Френсис Руссек, Сара Жунек, Врайн Тайере билан бирга бир гуруҳ талабалар ҳам бўлажак ҳамкасблари билан машғулотлар олиб бордилар, янги педагогик технологиялар, ўқитиш методлари билан ўртоқлашдилар. Босқичма-босқич синовлар асосида ўқитувчилар билими аниқлаб борилди ва уларга сертификатлар топширилди. Барча ўқитувчилар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ЎзТЕА-Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари ассоциацияси ташаббуси билан ташкил этилган бу машғулотлардан мамнун бўлди.

Алишер АНОРБОЕВ

ЎҚУВ ЙИЛИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ

Яқинда Китоб шаҳридаги Хожа Бухорий номидаги ўрта махсус ислом билим юртида Тошкент Ислом институти ва республикамиздаги ўрта махсус ислом билим юртлари ўқитувчилари ўртасида "Йил ўқитувчиси" кўриги ўтказилди. Унда касбий мутахассислик бўйича тайёргарлик, маънавият ва маърифат бўйича саволларга жавоб бериш ва очиқ дарс ўтиб бериш шартлари бўйича синов бўлиб ўтди. Билим юрти илмий бўлим мудири Шукрулло Умаров ушбу синовда қатнашиб, фахрли учинчи ўринни олишга муяссар бўлди. Унга олий тоифа ва 100 (юз минг) сўм пул мукофоти берилди.

Шунингдек, ўрта махсус ислом билим юртлари ўртасида ўтказилган ягона олимпиаданинг республика босқичида билим юртининг 4-"А" босқич талабаси Қиёмиддин Ражабов ижобий қатнашди ва фахрли биринчи ўринни эгаллади. Қ.Ражабов Тошкент Ислом институтига имтиёзли равишда давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиниш шарафига муяссар бўлди.

Хожа Бухорий номидаги ўрта махсус ислом билим юрти ўқитувчи ва талабалари яна бир муваффақиятдан хурсанд бўлдилар.

Fakr

Гап шундаки, Тошкент шаҳридаги "Жар" спорт мажмуасида "Баркамол авлод" спорт мусобақасининг республика босқичида миллий кураш бўйича билим юрти 2-"Б" босқич талабаси Мансур Караматов барча рақиблари устидан мутлоқ ғолибликни қўлга киритишга эришди. У эсдалик совғалари ва кубок билан тақдирланди. Хуллас, 2003-2004 ўқув йили ана шундай ғолибликларни қўлга киритиш билан якунланмоқда.

Ҳикматулла САМАДОВ,
билим юрти мударриси

АСАРЛАРНИ АСЛ ТИЛДА ЎҚИЙМИЗ

Бугунги кунда ёшларимиз чет тилларни мукаммал ўрганмоқдалар. Шу пайтгача Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида рус, инглиз, немис, француз, хитой, япон тиллари ўқитилиб келинарди. Ҳозирда эса бу тиллар қаторига қадимий форс тили ҳам қўшилди.

Факультетда форс тили гуруҳи очилди. Бу ерда барча чет тиллари қатори форс тили ҳам мукаммал ўқитилиб, ўргатилаяпти. Бу жараёнда ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети декани Хислат Маҳаммадалиевнинг меҳнатлари беқиёсдир.

Маълумки, XV асргача, тўғрироғи, ҳазрат Навоийгача кўплаб ижодкорларимиз форс тилида ижод қилишган. Биз боболаримизнинг асл асарларини соф форс тилида ўқиб-ўрганиш мақсадидамиз.

Нилуфар НИШОН қизи,
ЎзДЖТУ талабаси

"Ichimdagini top" bo'lib olgan yigit-qizlarni birov e'tibor berib bu illatdan qutqarmasa, oxiri jinoyatchi bo'lish ehtimolidan ham xoli emas. Sababi, ularda yillar davomida norozilik, qoniqmaslik yig'ilib miyasini zaharlaydi.

Ta'kid

ТОРТИНЧОҚЛИК – РУҲИЙ ОЖИЗЛИК

Инсонга берилган энг муҳим сифатлардан бири ғайрат, шижоат, яшаш учун курашдир. Масалан: инсон ўқиши учун мактаб, муаллим бор, лекин ўзи интилмаса яхши натижа чиқмайди. Одамнинг ўз шахсий фаоллиги бўлмаса, яхши ютуқларга эриша олмайди. Оғзидаги ошини олдиради. Биз буни қўрқоқлик, тортиниш, уялиш деб айтишимиз мумкин. Ўзбек халқида қадрланадиган ажойиб фазилатлардан бири ҳаё, одоб, андишадир. Бу ўз ўрнида эркакка ҳам, аёлга ҳам бирдай зарур фазилат. Халқимиз одоб-андиша, ҳаё ҳақида гапирганда маълум чегара белгиланган. Яъни, ҳаддан ташқари уятчанлик, тортинчоқлик, серандишалиликни қоралаган.

Улуғ маърифатпарвар педагогларимиздан бири А.Авлоний ўзининг "Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ" асарида, инсоннинг энг гўзал хислатларидан бўлган қаноат, сабр, ҳилм, интизом каби фазилатларни мақтайди. Муаллиф инсонга хос бўлган ҳилмнинг икки хил хусусиятини кўрсатади: бири ҳилмнинг ижобий фазилати, иккинчиси ҳилмнинг салбий хусусияти. Авлоний инсоннинг иззат-нафсини поймол қилувчи ҳалимликни қоралайди. У Суқрот Ҳакимдан мисол келтиради.

"Шиддат ила муомала қилган кишиларга мен виқор ва ҳалимлик ила муомала қилурман. Чунки, ҳилм шиддатни ва хусуматни паст қилур. Лекин кишини ожиз ва хорлик даражасига тушурадурган ҳалимликдан ман безор".

Тортинчоқ кишиларнинг зарари бир ўзига тегмайди. Жамиятга ҳам йўқотишлар олиб келиши мумкин. Ёшлигида бўшбаёв, кўпчиликка аралаша олмаган кишилар тарбияланмасалар оиласига, бошқаларга ҳам улғайганда фойда келтира олмайдилар. "Ичимдагини топ" бўлиб олган йигит-қизларни биров эътибор бериб бу иллатдан қутқармаса, охири жиноятчи бўлиш эҳтимолидан ҳам холи эмас. Сабаби, уларда йиллар давомида норозилик, қониқмаслик йиғилиб миясини заҳарлайди. Бу эса худди яшилин кечган касалликка ўхшайди.

А.Қодирийнинг "Ўтган кунлар"ини эслайлик. Ёзувчи Зайнабнинг ички оламини чизиб шундай дейди: "Сут билан кирган жон билан чиқар деганларидек, Зайнабнинг болалик вақти билан ҳозирги ҳолини чақиштириб қарасак кўрамиз: ёш Зайнаб бир ой илгари тикилиб қўйилган кийимнинг ўзига ёқмаганини фақат арафа куни айтиб йиғлайдир, бу кунги Зайнаб ўзининг муҳаббатини эрига фақат кундоши келиб ётар олдида эълон қиладир". Шундай мулойим, одобли, камгап, индамас Зайнаб охирида жиноятчи бўлиб чиқади, кундошига заҳар бериб ўлдиради. Модомики, у вақтида дардини айтса, бахти учун курашса, кўп азоб тортмас эди. Тортинчоқлик кишини бахтсиз қилиши "Хушрўйбиби ва Зайнаб" бобида аниқ ифода этилган.

Баъзи бир жиноятчилар учун яқинларидан, маҳалла-кўйдан тавсифнома сўралса шундай дейишади: "Фалончи индамас, камгап, қўй оғзидан чўп олмаган беозор эди". Лекин ўша индамас йигитга (баъзан, афсуски, қизлар ҳам) ичидан йиллаб чиқаролмай юрган изтиробларини бирдан изҳор қиладилар. Портлайдилар. Тортинчоқлик бир парда каби уларнинг ички кечинмаларини беркитиб келади. Баъзан ўқитувчилар, биз тарбиячиларга шундай ювош, тортинчоқ болалар маъқул келади. Сабаби, улар бизни қийнамайди, саволлар билан чарчатмайди. Бундай кишилар, кўпинча болалар ўз муҳитида тан олинмай қолгани учун изтироб чекадилар. Оиласида, тенгдошлари ичида бировдан қўрққани учун ҳам индамас бўлиб қоладилар. Баъзи оилаларда болаларни камситиб "ношуд", "латта", "уқувсиз" каби ёмон сўзлар билан муомала қилинади. Бунда боланинг ўз кучига ишончи, бирон-бир ишни эплай олишига журъати етмай қолади. Бу кўпроқ иродаси суст, асаб тизими бўшроқ, носоғлом болаларга қаттиқ таъсир қилади. У воқеадан ичида изтироб чекиб тобора аламзада бўлиб боради.

Тортинчоқликка яна нотинч оила муҳити ҳам таъсир қилади. Отанинг ичиши, онанинг аламини болалардан олиши, эл-юрт олдидаги оилавий жанжаллар болаларда, айниқса қизларда ёмон из қолдиради. Мактабда, кўчада ўртоқлари менсимай муомала қиладиган, кийиниши, юриш-туриши ночорроқ болалар ҳам тортинчоқ бўлиб улғаядилар. "Умумий психология" дарслигида асосий ҳиссий ҳолатлардан бўлган уялиш шундай таърифланган. "Уялиш — ўзининг ният мақсадлари, хатти-ҳаракатлари ва ташқи қиёфаси, фақат теварак-атрофдагилар томонидан кутилганга мос келмагани эмас, балки ўзига лойиқ хулқ-атвор ва ташқи қиёфа ҳақидаги шахсий тасаввурларга ҳам мос келмаётганлигини кеч англаб етишида ифодаланадиган салбий ҳолатдир".

Баъзи оилалардаги ортиқча қаттиққўллик, мавжуд бўлиб ота-она, катталар ўз обрўсини ўйлаб болани ичини ёзишга, дардини тўкиб солишга қўймайди. Натижада шундай оилада ўсган ўғил бола оилали бўлганда ҳам журъатсиз, қарор қабул қилишда иккиланадиган бўлиб қолади. Қизларни ҳам баодоб қилиб ўстирмоқчи бўлишади. Лекин қайнонасига ҳатто соғлиги ёмонлигини айта олмай ўзининг, фарзандининг ҳаётига зарар келтирувчи келинларни кўпчилик учратган бўлса керак. Хуллас, тортинчоқлик, ўз бахти учун кураша олмаслик каби руҳий ожизликдир.

Мактабгача таълим ходимаси бўлганим учун ўз қарашларимни, бу камчиликни жажжи кичкинтойларда йўқотишда жамоамиз билан якдил эканимизни айтмоқчиман.

"Бола ҳуқуқлари конвенцияси"да айтилишича, болаларга ғамхўрлик ва ҳимоя бу мурувват масаласи эмас, балки ҳуқуқдир. "Болалар ўз дунёқарашларини ифода этиши, мустақил фикрга эга бўлиш" ҳуқуқларига эга.

Муассасамизда Конституция сабоқлари 4-5 ёшдан ўргатиб борилмоқда. Ота-оналар билан яқиндан ишлаб, психологик-педагогик кузатувлар олиб бориб, ҳар бир боланинг ўзини намоён қила олиши, мактабга етук, соғлом ҳолда боришига интиляпмиз. Муассасамиз психологи бутун жамоа билан иш олиб бориб, болалар ҳақида "маълумотлар банки" ташкил қилди. Унда ҳар бир бола ҳақида ҳар томонлама маълумотлар йиғилиб борилмоқда. Болалар билан психокоррекция, психодиагностика машғулотлари ўтказилади. Мактабга борганда ўқишда қийналмаслиги учун камчиликлар бартараф этилмоқда. Натижалар янада кўнгилли бўлади деган умид билан ишлаяпмиз. Бизнинг тарбияланувчиларимиз замонавий, қайноқ ҳаёт билан уйғунлаша оладиган ўғил-қизлар бўлиб етишади деб ишонамиз. Мен тортинчоқлик, четда туриш ҳақида билганимни айтдим. Лекин ўзбекона андиша, ҳаё, ибо, мулойимликни, вақтинчалик қийинчиликлар деб бетгачопарлик, катта-ю кичикка ҳурматсизликка алмаштирмаслигимиз керак.

Турғунча СУЛТОНОВА,
Поп туманидаги 17-мактабгача таълим муассасаси услубчиси

БОЛАГА МЕҲР

Б. РИЗОҚУЛОВ олган суратлар



Суратларда: Бухоро шаҳри 61-мактабгача таълим муассасаси тайёрлов гуруҳи тарбиячиси Елена Селеванова болалар қалбида табиатга муҳаббат уйғотиш ва болалар тасаввурини кенгайтириш мақсадида табиат неъматлари билан танишиш машғулотини ҳамда соғломлаштириш хонасида Норжон Саидова болалар соғлигини сақлаш мақсадида болаларни тиббий кўрикдан ўтказмоқда.

МИРЗАЧЎЛДА БОҒЧА БАДАЛИ 50 ФОИЗГА АРЗОНЛАШТИРИЛДИ

Бу ҳақда Жиззах вилояти Мирзачўл тумани халқ таълими бўлими мудири Қосим Атабоев шундай дейди:

— Туманимизда таълим тизимининг ривожланишида, уни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда туман ҳокимлиги, хусусан, ҳоким Муса Анорбоевнинг саъй-ҳаракати ва эътибори катта бўлмоқда. Таълим муассасаларига қўшимча даромад топиш учун яратиб берилаётган шарт-шароит, бирликтирилган ҳомий ташкилотларнинг ўз вақтида зарур ёрдамни кўрсатишлари, фаол ўқитувчилар ва иқтидорли ўқувчиларнинг рағбатлантириб борилиши шу эътибор самарасидир.

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан туманимизда таълим масканларига кўрсатилаётган кўмак ва ёрдам янада ошганлигини таъкидлаш жоиз. Жумладан, оилаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида туман ҳокими фармойишига кўра, мазкур йилда мактабгача таълим муассасаларимизнинг барчасида ота-оналар тўлайдиган бадал пули 50 фоизга арзонлаштирилди. Бу эзгу ишдан ота-оналар беҳад миннатдор бўлишмоқда, шу билан бирга бу тадбир болаларни боғчаларга янада кенгроқ жалб қилишда муҳим омил бўлмоқда.

Шу ўринда мактабгача таълим муассасаларига кўрсатилаётган яна бир ёрдамни таъкидлаб ўтишни истардим. Туман агрохизмат маркази ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ўзаро келишиб, болажонларнинг илк таълим масканларига доимий эътибор қаратиб туришга қарор қилдилар. Айни пайтда фаолият юритаётган 13 та боғча ва 3 та хонадон боғчасини режадан ташқари топилган маблағ ҳисобига босқичма-босқич юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан таъминлаш кўзда тутилган. Боғчаларимизда ҳомийлар кўмаги билан кам таъминланган оилалар фарзандлари учун махсус «Меҳрибонлик гуруҳлари» ташкил қилинди. Яқинда болалар ошхоналари учун 3,5 миллион сўмлик ошхона анжомлари ва гиламлар тарқатилган бўлса, яна болалар овқатланишлари учун 900 та идиш-товоқлар тўплами олиб берилди. Энг муҳими, бу эътибор вақти-вақти билан кўрсатилаётгани йўқ, аксинча, доимийлик касб этмоқда. Бу эса, ўз навбатида мактабгача таълим муассасаларида сифат самарадорлигининг юксалишига сабаб бўлаяпти.

И.ИСКАНДАРОВ
ёзиб олди.

Har bir ta'lim turi bo'yicha pedagog va rahbar kadrlar attestatsiyasini o'tkazish mezon va jadvallari tasarrufida ta'lim muassasalari bo'lgan vazirliklar bilan kelishilgan holda ishlab chiqiladi.

«Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизими педагоглар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби ҳақида»ги Низом лойиҳаси Давлат тест марказининг январ-март ойларидаги Илмий-методик кенгаши йиғилишларида ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ва таълим муассасаларининг етакчи мутахассислари иштирокида жорий йилнинг январ-апрель ойларида муҳокамадан ўтказилди. Ушбу Низом лойиҳаси Тошкент шаҳридаги Сирожиддинов номидаги академик лицейда, шунингдек, умумий ўрта, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида тажриба-синовларидан ўтказилди.

Низом лойиҳаси бўйича педагоглардан, ўрта махсус, касб-ҳунар ва халқ таълими бошқармалари ҳамда бўлимлари томонидан билдириладиган таклиф ва мулоҳазалар шу йилнинг 10 августигача Давлат тест марказига йўлланиши мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ж.Обидова кўчаси, 12.

ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизими педагоглар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби ҳақида

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Президент Фармон ва Фармойишлари, Меҳнат кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 293-сонли 2001 йил 4 октябрдаги «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 400-сонли қарорлари ҳамда таълимга оид амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида узлуксиз таълим тизими педагоглар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар кадрларини аттестациядан (кейинги ўринларда – педагог ва раҳбар кадрлар аттестацияси) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Раҳбар кадрлар аттестацияси уларнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Давлат таълим стандартлари, Давлат талаблари, республикада амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бажарилишини таъминлашдаги фаоллиги, таълим муассасасида олиб борилаётган маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар сифати ва эгаллаб турган лавозимларига мувофиқлигини холис баҳолаш, таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш мақсадида ўтказилади.

3. Педагог кадрлар аттестацияси уларнинг касб маҳоратлари ўсишини рағбатлантириш, таълим-тарбия, маънавий-маърифий йўналишлардаги меҳнати натижаларини холис баҳолаш, эгаллаб турган ёки даъвогарлик қилаётган тоифа ва лавозимларига мувофиқлигини аниқлаш, таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёни сифатини ошириш мақсадида ўтказилади.

4. Педагог ва раҳбар кадрлар аттестацияси ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда — ДТМ) таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси (кейинги ўринларда – Бошқарма) томонидан ишлаб чиқилган тартиб, мезон, дастур ҳамда жадваллар асосида ташкил этилади ва ўтказилади.

Ҳар бир таълим тури бўйича педагог ва раҳбар кадрлар аттестациясини ўтказиш мезон ва жадваллари тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирликлар билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади.

5. Узлуксиз таълим тизими раҳбар кадрлари таркибига:

вазирликларнинг таълимга оид бошқарма ва бўлим бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари;

олий таълим муассасалари ректори ва проректорлари, ўқув ва услубий бўлим раҳбарлари, факультет деканлари ва декан ўринбосарлари;

таълим соҳаси илмий тадқиқот институтлари ректор (директор) ва проректорлари, бўлим раҳбарлари;

Республика таълим маркази, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, факультети, бўлим ва курслари раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари;

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар Халқ таълими ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари (кейинги ўринларда — ҳудудий бошқармалар) бошлиқлари, ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари;

туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудирлари, ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари;

академик лицей, касб-ҳунар коллежи, умумий ўрта, мактабгача, мактабдан ташқари ва ихтисослаштирилган таълим муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари киради.

6. Таълимни бошқарув органлари мутахассислари раҳбар кадрлар учун белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилади.

7. Олий ўқув юртлари ректорлари аттестацияси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этилади.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорлари аттестацияси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда танловдан кейин уч йилдан сўнг ўтказилади.

8. Узлуксиз таълим тизими педагог кадрлари таркибига профессор-ўқитувчи, муҳандис-педагог, ўқитувчи, услубчи, тарбиячи, психолог, дефектолог, логопед, ишлаб чиқариш устаси, спорт инструктори, мусиқа ва тўгарак раҳбарлари киради.

9. Вазирлик ва ҳудудий бошқармаларга педагог ва раҳбар кадрлар аттестациясига оид расмий хабар ҳамда аттестация жараёнига оид ҳужжатлар ва дастур аттестация ўтказилишидан камида 45 кун олдин Бошқарма томонидан юборилади.

II. Педагог ва раҳбар кадрлар аттестациясини ташкил этиш

10. Идоравий бўйсуниши ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча турдаги таълим муассасаларининг педагог ва раҳбар кадрлари 5 йилда бир марта аттестациядан ўтказилади.

11. Ўриндошлик бўйича ишлаётган педагоглар асосий иш жойида аттестациядан ўтказилади.

Корхона, ташкилот ва идора ходимлари ўриндошлик асосида ишлаётган таълим муассасасида аттестациядан ўтказилади.

12. Навбатдан ташқари аттестация педагог кадрнинг аризасига ёки таълим муассасаси раҳбариятининг ташаббусига кўра охирги аттестациядан камида 1 йилдан кейин ўтказилади.

13. Вазирликлар, идоралар ва ҳудудий бошқармалар, уларнинг туман (шаҳар) бўлимлари педагог ва раҳбар кадрлар аттестацияси жараёнини ташкил этишга масъул ҳисобланади.

14. Вазирликлар, ҳудудий бошқармалар ва таълим муассасалари раҳбарлари аттестациядан ўтувчиларни атестациядан камида 1 ой олдин унинг тартиб ва қоидалари билан таништиради, аттестациядан ўтувчилар рўйхатини тузади ҳамда тегишли буйруқларини қабул қилади.

15. Аттестациядан ўтувчи раҳбарлар таълимнинг бошқарув органига; педагоглар таълим муассасаси раҳбариятига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

маълумотнома;

маълумоти, тоифаси, илмий даража ва унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;

сўнгги 5 йилда нашр этилган илмий, ўқув-услубий ишлари, ихтиролари ва мақолалари рўйхати (мавжуд бўлса);

малака оширганлик ҳақидаги гувоҳнома (сертификат) нусхаси;

қайта тайёрлаш муассасаларида олган мутахассислиги ҳақидаги диплом, гувоҳнома (сертификат) нусхаси;

аттестациядан ўтувчининг охирги 5 йилдаги ўқув, услубий, илмий ва маънавий-маърифий йўналишлар бўйича олиб борган ишлари ҳисоботи;

таълим муассасасини ривожлантириш борасидаги ишлари ва келгусидаги режалари ҳақида қисқача маълумот (раҳбарлар учун).

Комиссияга тақдим этилган раҳбарлар тўғрисидаги ҳужжатлар таълим муассасаси раҳбарияти, педагоглар тўғрисидаги ҳужжатлар таълим муассасаси (ёки бўлим) раҳбарлари томонидан имзоланади.

Аттестация комиссиялари аттестациядан ўтувчилар иш фаолиятига оид қўшимча маълумотлар сўраш ҳуқуқига эга.

16. Вазирликлар, ҳудудий бошқармалар ва таълим муассасалари раҳбарлари аттестациядан ўтувчи педагог ва раҳбар кадрлар рўйхатини аттестация бошланишидан камида 1 ой олдин уни Бошқармага тақдим этади.

17. Бола тарбияси билан банд бўлган ҳамда ҳомиладорлик таътилидаги аёл педагог ва раҳбар кадрлар меҳнат фаолиятини бошлаганларидан сўнг камида бир йилдан кейин аттестациядан ўтади.

Ҳомиладор ва фарзанди уч ёшга тўлмаган педагог ва раҳбар аёллар аттестацияга жалб қилинмайди.

18. Педагог кадрлар таянч маълумоти ёки қайта тайёрлаш муассасаларида олган мутахассислиги бўйича аттестациядан ўтади.

19. Ишга янги қабул қилинган педагог ва раҳбар кадрлар камида бир йилдан кейин, таълим муассасасини тугатгандан сўнг ишга қабул қилинган мутахассис педагог кадрлар 3 йилдан сўнг аттестациядан ўтказилади.

Таълим муассасасида дарс бериб, сиртдан таълим олаётган педагоглар ўқишни тугатгандан сўнг аттестацияга жалб этилади.

20. Корхоналар билан тузилган шартнома асосида фаолият кўрсатаётган педагоглар умумий тартибда аттестациядан ўтказилади.

Таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган хорижий давлат фуқаролари аттестацияга жалб қилинмайди.

21. Олий ўқув юртларига профессор-ўқитувчиларни ишга қабул қилиш бўйича ўтказилаётган танлов педагог кадрлар аттестациясига тенглаштирилади.

Бошқарма танлов комиссиялари фаолиятини назорат қилади ва мувофиқлаштиради.

III. Аттестация комиссиялари таркиби

22. Узлуксиз таълим тизими раҳбар кадрларини аттестация қилиш комиссиялари таркиби таълим тизимини бошқарув органлари, маҳаллий ҳокимият вакиллари ҳамда экспертлардан иборат бўлиб, ДТМ томонидан тузилади. Комиссия раиси Бошқарма ходимларидан тайинланади.

23. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш комиссиялари таркиби таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи вакиллари, таълим муассасаси раҳбарлари ҳамда экспертлардан иборат бўлиб, ДТМ томонидан тузилади. Комиссия раиси Бошқарма ходимларидан тайинланади.

24. Республика бошқарувида бўлган умумий ўрта, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари, махсус мактаб (мактаб-интернат), меҳрибонлик уйлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш комиссиялари таркиби таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи вакиллари, таълим муассасаси раҳбарлари ҳамда экспертлардан иборат бўлиб, ДТМ томонидан тузилади. Комиссия раиси Бошқарма ходимларидан тайинланади.

25. Ҳудудий бошқармалар бошқарувида бўлган умумий ўрта, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари, махсус мактаб (мактаб-интернат), меҳрибонлик уйлари педагог кадрлари аттестациясини ташкил этиш мақсадида вилоят, туман (шаҳар)ларда Бошқарма эксперти (комиссия раиси), таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи вакилларидан иборат мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссиялар ДТМ томонидан тузилади.

Мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссиялар томонидан ҳар бир таълим муассасасида фаолият кўрсатадиган аттестация комиссияси тузилади. Ушбу комиссия таркиби таълим муассасаси раҳбарлари ва экспертлардан иборат бўлади. Экспертлардан бири Мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссияси томонидан комиссия раиси этиб тайинланади.

Мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссиялар аттестация комиссиясининг таркибига ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга. Киритилган ўзгартиришлар ҳақида Бошқармага маълумот берилади.

26. Аттестация комиссиясининг таркиби 5-7 кишидан иборат бўлади. Комиссия аъзоларининг 2/3 қисми қатнашганда унинг фаолияти ваколатли ҳисобланади.

Аттестация комиссияси зарурат туғилганда қўшимча мутахассислар жалб қилиши мумкин.

27. Аттестация комиссияларининг фаолият кўрсатиш муддати ДТМ томонидан белгиланади. Зарур ҳолларда ДТМ буйруғи билан комиссиялар таркибига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

28. Аттестация комиссияларига жалб этиладиган экспертлар рўйхати таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари, ҳудудий бошқармалар, таълим ва илмий муассасалар, касаба уюшмалари, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан тавсия этилган мутахассислардан тузилади.

29. Экспертлар таркибига юқори малакали, таълим соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар моҳиятини тушунадиган, холис, қатъиятли шахслар киритилади.

30. Экспертлар аттестация ўтказиладиган кунлари асосий иш жойида ойлик маошлари сақланган ҳолда ишдан озод қилинади.

IV. Аттестацияни ўтказиш тартиби

31. Раҳбар кадрлар аттестацияси қуйидагича ташкил этилади:

раҳбар кадрлар таълимга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, раҳбарлик қобилияти ва маънавий-маърифий йўналишлар бўйича тест синовидан ўтказилади;

раҳбарнинг охирги аттестациядан кейинги йиллардаги ўқув-илмий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар бўйича фаолияти таълим муассасасининг ривожланиш суръати ҳақидаги аниқ статистик маълумотлар асосида ўрганилади ва таҳлил қилинади;

жамоа ўртасида социологик сўровлар ўтказилади;

касбий ва мансаб вазифаларида белгиланган масалалар бўйича суҳбатдан ўтказилади. Суҳбат жараёнида берилган савол ва жавоблар махсус (саҳифаланган, боғланган, муҳрланган) журналга қайд этилади.

Раҳбарнинг умумий бали тест, суҳбат натижалари, раҳбар фаолиятини белгиловчи кўрсаткичларга қўйилган балл ҳамда жамоа томонидан берилган баҳолар йиғиндисидан иборат бўлади.

32. Раҳбар кадрлар учун тест саволлари тўплами: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Президент Фармон ва Фармойишлари, Меҳнат кодекси, Давлат таълим стандартлари, Давлат талаблари, миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, янги педагогик-информацион технологиялар, бошқарув санъатига оид психологик тестлар, таълимга оид меъёрий-ҳуқуқий, молиявий ҳужжатларга оид масалаларни ўз ичига олади.

33. Таълим муассасасини ривожлантириш суръатини белгиловчи кўрсаткичларга битирувчиларнинг билим даражаси, таълим муассасасидаги ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ишларининг ташкил этилиш даражаси, ўқувчиларнинг халқаро ва республика олимпиадалари, спорт мусобақалари, маънавий-маърифий йўналишлар бўйича кўриклардаги натижалари, битирувчиларининг ишга (ўқишга) жойлашиши, ўқитувчилар, иқтидорли ва кам таъминланган ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича олиб борилган ишлар, таълим муассасаси моддий-техник базаси, фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси, хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик масалалари киритилади.

34. Социологик сўровлар раҳбарнинг сиёсий-ижтимоий билимларга эгалиги, муомаласи, инсонпарварлиги, жамоани бошқара олиш қобилияти, ташкилотчили-

ги, ташаббускорлиги, фидоийлиги, масъулиятлилиги, қатъиятлилиги, ходимлар манфаати йўлида жонкуярлиги, адолатлилиги, ўзига ва ўзгаларга нисбатан талабчанлиги каби фазилатларини аниқлашга қаратилади.

35. Педагог кадрлар аттестацияси жараёнида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

педагог кадр даъвогарлик қилаётган тоифага мувофиқлиги ўрганилади;

педагог кадрлар ўз мутахассислиги бўйича тест, ёзма иш, ижодий иш ёки суҳбатдан, меъёрий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий йўналишлар бўйича тест синовидан ўтказилади;

педагог ўқитаётган фан бўйича ўқувчилар билими тест, ёзма иш, ижодий иш асосида текширилади.

Махсус мактаблар, бошланғич синф, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари, маданият, санъат, спорт соҳалари педагог кадрлари, муҳандис-педагог кадрлар ва ишлаб чиқариш усталари ўз мутахассислиги бўйича ёзма иш, ижодий иш ёки суҳбатдан ўтказилади.

Педагогнинг умумий бали тест, ёзма иш, ижодий иш ёки суҳбат натижалари, ўқувчиларининг ўртача билим даражаси, илмий, ўқув-методик ишлари ва ихтиролари, ижодий ишлари, иш стажи, педагогнинг экспертлар томонидан ўрганилган касбий маҳорати ва раҳбарият томонидан берилган баҳолар йиғиндисидан иборат бўлади.

36. Педагог кадрлар учун меъёрий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий йўналишлар бўйича тест саволлари тўплами: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Давлат таълим стандартлари, Давлат талаблари, миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, янги педагогик-информацион технологияларга оид масалалардан иборат бўлади.

37. Ҳар бир таълим тури бўйича педагог ва раҳбар кадрлар учун аттестация жараёнида алоҳида тест саволлари банки, социологик сўровлар, таълим муассасасининг ривожланиш суръати ва аттестациядан ўтувчининг меҳнат фаолияти самарасини белгиловчи ўзига хос кўрсаткичлардан фойдаланилади.

V. Аттестация натижалари

38. Педагог ва раҳбар кадрлар аттестацияси 100 баллик тизим асосида баҳоланади.

39. Комиссия аттестация натижаларига кўра раҳбарнинг бали 70 ёки ундан юқори бўлганда «Эгаллаб турган лавозимига лойиқ», 55-70 оралиғида балл тўплаганда «Эгаллаб турган лавозимига шартли равишда лойиқ», 55 баллдан паст кўрсаткичга эга бўлганда «Эгаллаб турган лавозимига нолойиқ» деб хулоса чиқаради.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорлари аттестацияси натижалари Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

40. «Эгаллаб турган лавозимига шартли равишда лойиқ» деб эътироф этилган раҳбар кадрлар 6 ойдан сўнг қайта аттестациядан ўтказилади.

41. «Эгаллаб турган лавозимига нолойиқ» деб эътироф этилган раҳбар кадрни ишга қабул қилган таълимни бошқарув органи (ташкилот) Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 2-бандига асосан эгаллаб турган лавозимидан озод қилади.

42. Комиссиянинг раҳбар кадрлар аттестациясига оид хулосаларини аттестация ўтган кундан бошлаб бир ой муддатда таълимни бошқарув органлари бажариши шарт.

43. Комиссия аттестация натижаларига кўра педагогнинг бали 70 дан юқори бўлганда, у эгаллаб турган ёки даъвогарлик қилаётган тоифа ва лавозимига «лойиқ», 55-70 оралиғида балл тўплаганда эгаллаб турган тоифа ва лавозимига «шартли равишда лойиқ», 55 баллдан паст кўрсаткичга эга бўлганда эгаллаб турган ёки даъвогарлик қилаётган тоифа ва лавозимига «нолойиқ» деб хулоса чиқаради.

44. Таянч маълумоти дарс бераётган фанига мос келмайдиган педагог кадрлар қайта тайёрлаш курсларидан ўтмаган бўлса, аттестацияга қўйилмайди ва «Эгаллаб турган лавозимига нолойиқ» деб эътироф этилади.

45. Аттестация комиссиясининг хулосаси аттестация ўтказилган куни комиссия томонидан бевосита эълон қилинади.

46. Аттестация натижасига кўра, «шартли равишда лойиқ» деб эътироф этилган педагог кадрлар даъвогарлик қилаётган тоифаларига ўтказилмайди. Улар навбатдаги аттестациягача эгаллаб турган тоифасида қолдирилади.

47. Янги тоифага даъвогарлик қилмаётган педагоглар навбатдаги аттестациядан шартли ўтганда, ўз лавозим (тоифа)ларида қолдирилиб, 6 ойдан сўнг қайта аттестациядан ўтказилади.

48. «Эгаллаб турган лавозимига нолойиқ» деб эътироф этилган педагогнинг лавозими (тоифаси) пасайтирилади.

Мутахассис тоифага эга педагог «Эгаллаб турган лавозимига нолойиқ» деб эътироф этилганда таълим муассасаси раҳбари педагогга бошқа ишга ўтишни ҳамда қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсига боришни таклиф қилади. Ушбу таклифларга рози бўлмаганда амалдаги қонунчилик асосида у билан меҳнат шартномаси бекор қилинади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсига юборилган педагог бир йилдан сўнг қайта аттестациядан ўтказилади.

Навбатдан ташқари аттестация натижасига кўра педагог даъвогарлик қилаётган тоифаси бўйича «Эгаллаб турган лавозимига нолойиқ» деб эътироф этилса, навбатдаги аттестациягача эгаллаб турган олдинги тоифасида қолдирилади.

49. Таълим муассасаси раҳбари аттестация комиссиялари хулосалари асосида педагог кадрлар учун тегишли буйруқларини бир ой муддат ичида қабул қилади.

50. Аттестация қилинувчи аттестацияга узрли сабаб билан келмаган тақдирда, унинг аттестацияси бошқа муддатга кўчирилади. Аттестацияга узрсиз сабабга кўра қатнашмаган педагог ва раҳбар «Эгаллаб турган лавозимига нолойиқ» деб эътироф этилади.

51. Аттестация комиссиясининг хулоса (баҳо ва тавсия)лари аттестация варақасида қайд этилади ва баённома билан расмийлаштирилади.

Эгаллаб турган ёки даъвогарлик қилаётган тоифа ва лавозимига «лойиқ» деб эътироф этилган педагог ва раҳбарга Давлат тест маркази реестридан ўтган сертификат берилади.

Аттестация варақалари ва баённомаларга ўзгартириш киритиш қатъиян ман этилади.

Аттестация варақаси ходимнинг шахсий ҳужжатларига қўшиб қўйилади, баённоманинг биринчи нусхаси Бошқармада сақланади.

52. Аттестация натижалари бўйича комиссия ҳисобот тайёрлайди ва Бошқармага тақдим этади.

53. Педагог ва раҳбар кадрлар аттестация комиссиясининг хулосаси бўйича шикоят ва эътирозлар билан «Апелляция комиссияси»га ўн кун муддатда мурожаат этишлари мумкин.

54. Тест саволлари ва аттестация жараёнида тақдим этилган расмий ҳужжатлар бўйича шикоятлар апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

VI. Апелляцияни ўтказиш тартиби

55. Апелляция комиссияси 3-5 кишидан иборат таркибда ДТМ ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бошқармалар ҳузурида тузилади. Апелляция комиссиясига бошқа идора ва ташкилотлардан мутахассислар жалб қилиниши мумкин. Комиссия ишида аъзоларининг 2/3 қисми қатнашганда унинг фаолияти ваколатли ҳисобланади.

Комиссия раиси Бошқарма ва Мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссияси ходимларидан тайинланади.

56. Апелляция комиссияси ариза берувчига камида беш кун олдин даъво аризасини кўриб чиқиш ҳақида маълум қилади.

57. Апелляция натижаси очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

58. Апелляция комиссиясининг хулосаси баённома билан расмийлаштирилади ва нусхаси ариза берувчига топширилади.

VII. Педагог ва раҳбар кадрлар аттестациясининг молиявий таъминоти

59. Педагог ва раҳбар кадрлар аттестацияси билан боғлиқ харажатлар таълимни бошқарув органлари ёки аттестация ўтказиладиган таълим муассасалари томонидан қопланади. Харажатлар миқдорини Давлат тест маркази Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгилайди.

VIII. Якунловчи қисм

60. Узлуксиз таълим тизими педагог ва раҳбар кадрлар аттестацияси жараёнидаги низолар амалдаги қонунчилик доирасида ҳал этилади.

Loyiha

Умумий ўрта таълим мактаблари 11-синфлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлиги даражаси ва сифати мониторингини ўтказиш

ТАРТИБИ

1. Умумий қоидалар

Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 473-сонли ҳамда 2004 йил 24 июндаги ***«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги*** *293-сонли Қарорларига асосланган.*

2. Умумий ўрта таълим мактаблари 11-синфлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг (кейинги ўринларда — Битирувчилар) умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлик даражаси ва сифати мониторингини ўтказиш (кейинги ўринларда — Мониторинг) ушбу Тартибга мувофиқ амалга оширилади.

3. Мониторинг ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси (кейинги ўринларда — Бошқарма), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилади ҳамда амалга оширилади.

2. Мониторингнинг мақсад ва вазифалари

4. Мониторингнинг асосий мақсади умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифатини мунтазам кузатиш орқали битирувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлик даражаси ва сифатига оид холис маълумотлар тўплаш, таҳлил қилиш ҳамда улар асосида хулосалар тайёрлаб, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича қарорлар қабул қилишлари учун таълимни бошқарувчи органларини ахборот билан таъминлаш.

5. Мониторингнинг асосий вазифалари:

- *умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими Давлат таълим стандартлари талаблари асосида битирувчиларининг ўқув режадаги умумтаълим фанларини ўзлаштириш даражаси ва сифати тўғрисида мунтазам равишда маълумотлар олиш, уларни таҳлил қилиш;*
- *Битирувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлик даражаси ва сифатига таъсир этувчи омилларни ўрганиш;*
- *Битирувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлик даражаси ва сифати кўрсаткичлари орқали таълим йўналишлари ва турлари ҳолатини ўрганиш, улардаги тайёрланаётган кадрлар сифати бўйича хулосалар тайёрлаш.*

3. Мониторинг ўтказиш тартиби

6. Мониторинг идоравий бўйсуниши ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида ўтказилади.

7. Мониторинг таълим муассасаларида ҳар ўқув йилининг тугаши арафасида (апрел—май ойлари) умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ўқув режаларида белгиланган умумтаълим фанлари бўйича ўтказилади.

8. Мониторинг жараёнини ўтказиш учун назорат турлари (тест синовлари, ёзма иш ва бошқалар)нинг, натижаларни баҳолаш мезонлари ва жараённинг услубий таъминоти Давлат тест маркази (ДТМ) томонидан белгиланади.

9. Мониторинг ўтказиш жараёнида ДТМ бўлим бошлиғи ёки Бошқарма эксперти раҳбарлик қилади, ДТМнинг вилоятлар бўйича вакиллари, вилоят Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси, Халқ таълими бошқармаси вакиллари иштирок этади. Мониторинг гуруҳи раҳбарининг таклифига биноан ДТМ томонидан белгиланган ва вазирликлар билан келишилган жамоатчи экспертлар жалб этилиши мумкин.

10. Мониторинг ўтказиш учун таълим муассасаларини танлашда районлаштириш ва тасодифий танлаш усулларига ёндашилиб, таълим муассасалари ҳудудий жойлашуви, мактаблар турлари, улардаги ўқитиш тиллари (ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, қорақалпоқ), академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида тайёрлов йўналишлари (аниқ фанлар, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар) хусусиятлари ҳисобга олинади.

11. Мониторинг ўтказиш учун ҳар бир вилоятда фаолият кўрсатаётган умумий ўрта таълим муассасаларидан (вилоят маркази, туманлари, қишлоқ мактаблари кесимида), академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларидан ихтиёрий (мактаблардан 10-12 та, АЛдан 1-та, КҲҚдан йўналишлар бўйича 5 та) танланади ва уларда ўтказилган Мониторинг жараёни натижалари таҳлили асосида вилоятлар Битирувчиларининг таълим тайёргарлиги даражаси ва сифати ҳақида хулоса чиқарилади.

12. Мониторинг ўтказиш жараёнида қуйидаги кўрсаткичлар: АЛ ёки КҲҚнинг тугалланган семестри бўйича битирувчиларнинг олган баҳолари (мактабларда ўқувчиларнинг 3-чорак якунлари бўйича баҳолари) ва таълим муассасаси тўғрисида маълумотлар, экспертлар томонидан ўтказилган назорат (тест синовлари, ёзма иш) натижалари бўйича олинган баҳолар ҳамда ўқитувчилар ва ўқувчилар орасида ўтказилган анкета–сўров натижалари бўйича маълумотлар олинади.

13. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ёки уларнинг жойлардаги бошқармалари (таълим муассасалари) ҳисобидан мониторинг жараёнини ўтказиш учун қуйидаги маблағлар ажратилади:

а) Давлат тест маркази томонидан мониторинг ўтказиш учун саволлар китоби ва жавоблар варақасини тайёрлашга сарфланадиган харажатлар;

б) тест саволлари, ёзма иш топшириқларини тузиш ва уларни экспертизадан ўтказиш учун харажатлар.

14. Таълим муассасаларида ўтказилган мониторинг жараёнида олинган маълумотлар Давлат тест марказида таҳлил қилинади, шунда битирувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича таълим тайёргарлиги даражаси ва сифати кўрсаткичлари (фан қисмлари, тури ва республика бўйича) статистик усуллари ёрдамида аниқланади ҳамда уларга таъсир этувчи омиллар ўрганилади.

15. Давлат тест марказида мониторинг натижалари бўйича таҳлилий маълумотнома тайёрланади ва маълумотнома ДТМнинг илмий-услубий кенгашида муҳокама қилинади.

Тайёрланган таҳлилий маълумотнома Вазирлар Маҳкамаси ва таълимни бошқарув органларига тақдим этилади.

Davlat akkreditatsiyasining maqsadi – ta'lim muassasasi faoliyatining davlat ta'lim standartlari mezon va talablariga javob berishining davlat tomonidan e'tirof etilishidan iborat.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ УЗЛУКСИЗ АТТЕСТАЦИЯДАН ВА ДАВЛАТ АККРЕДИ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом идоравий бўйсуниши ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий, мактабдан ташқари таълим муассасалари, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтлари (кейинги ўринларда – таълим муассасалари)нинг аттестацияси ҳамда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари давлат аккредитацияси тартибини белгилайди.

2. Таълим муассасалари аттестацияси ва давлат аккредитацияси Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 293-сонли, 2004 йил 1 мартдаги "Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 100-сонли қарорлари ҳамда мазкур Низом асосида ўтказилади.

3. Аттестация таълим муассасалари фаолиятини баҳолашда ташқи назоратнинг асосий шакли ҳисобланади.

4. Аттестацияни ўтказишдан мақсад – таълим муассасасида кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг давлат таълим стандартлари ҳамда давлат талабларига мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

5. Таълим муассасаси аттестацияси бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган қуйидаги босқичлардан иборат:

— таълим муассасасининг ўз-ўзини аттестацияси;

— аттестацияни ташкил қилиш жараёни;

— аттестацияни ўтказиш жараёни;

— аттестация хулосасини тайёрлаш жараёни.

6. Давлат аккредитациясининг мақсади – таълим муассасаси фаолиятининг давлат таълим стандартлари мезон ва талабларига жавоб беришининг давлат томонидан эътироф этилишидан иборат.

7. Давлат аккредитацияси Ўзбекистон Республикасининг таълимга оид қонунларига мувофиқ ташкил этилган ва аттестациядан муваффақиятли ўтган таълим муассасаларига тааллуқлидир.

2. Аттестацияни ўтказиш тартиби

8. Таълим муассасаси ўрнатилган тартибда ёки таълим муассасасининг ташаббусига мувофиқ 5 йилда камида бир марта аттестациядан ўтказилади.

9. Янги ташкил этилган таълим муассасаси аттестацияси биринчи битирув якунларига кўра, яъни таълим олувчиларнинг тайёрлаш даври тўла тугагандан сўнг ўтказилади.

10. Аттестация жараёнида таълим муассасаларининг охирги уч йиллик фаолиятини комплекс таҳлил этиш асосида таълим турлари бўйича қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

10.1. Олий таълим муассасаларида:

— давлат таълим стандартларининг ўқув жараёнига жорий этилиши;

— талабаларнинг фан дастурларини ўзлаштириш даражаси;

— битирувчиларга қўйиладиган малака талабларидан келиб чиқиб, уларнинг назарий билими, амалий кўникма ва малакалари;

— ўқув жараёнининг ташкил этилиши;

— профессор-ўқитувчилар илмий салоҳияти;

— илмий-тадқиқот ишларининг долзарблиги;

— талабаларнинг дарслик (жумладан, электрон дарсликлар) ва ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражаси;

— моддий-техник таъминоти, ўқув-лаборатория жиҳозлари, уларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан тўлдирилиш ҳолати ва фойдаланилиши;

— замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг жорий этилиши;

— таълимнинг ишлаб чиқариш билан интеграцияси;

— маънавий-маърифий фаолият;

— битирувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичларига ўқишга ёки ишга жойлашиши;

— халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши.

10.2. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаларида:

— давлат талабларининг ўқув жараёнига жорий этилиши;

— ўқув жараёнининг ташкил этилиши;

— моддий – техник, ўқув – лаборатория таъминоти, уларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиш ҳолати;

— тингловчиларнинг дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминланиш даражаси;

— илмий-педагогик кадрлар салоҳияти ва улар фаолиятининг самарадорлиги;

— ўқув – тарбия жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг жорий этилиши;

— таълимнинг ишлаб чиқариш билан интеграцияси ҳамда халқаро ҳамкорлик фаолияти;

— маънавий-маърифий фаолият.

10.3. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида:

— давлат таълим стандартларининг ўқув жараёнига жорий этилганлиги;

— ўқувчиларнинг фанлар бўйича билим савияси ва ўқув дастурларини ўзлаштириш даражаси;

— битирувчиларга қўйиладиган малака талабларидан келиб чиқиб, уларнинг назарий билими, амалий кўникма ва малакалари;

— ўқув-тарбия жараёнининг ташкил этилганлиги;

— педагог кадрлар билан таъминланганлик даражаси, уларнинг салоҳияти ва касб маҳорати;

— кафедралар фаолияти;

— ўқувчиларнинг дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражаси;

— моддий-техник ва ахборот таъминоти, ўқув-лаборатория жиҳозлари, кутубхона, спорт иншоотлари ва улардан фойдаланиш ҳолати;

— таълим муассасалари фаолиятини белгиловчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мавжудлиги ва уларнинг жорий этилганлик ҳолати;

— замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг жорий этилиши;

— иқтидорли ўқувчилар, республика ва халқаро фан олимпиадалари, кўрик-танловлари ғолиблари салмоғи;

— таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси, таълим муассасаларида ҳомийлик ва васийликнинг ташкил этилганлиги ҳамда улар фаолиятининг натижаси;

— таълим муассасаларига ўқувчилар қабули жараёнининг ташкил этилиши ва амалга оширилиши;

— битирувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичларига ўқишга кириш ҳамда ишга жойлашиш даражаси ва унинг мониторинги;

— касб-ҳунар коллежларида мутахассислар тайёрлашда кадрларга бўлган талаб ва ҳудудий эҳтиёжнинг ўрганилганлиги ва унинг ҳисобга олинганлиги;

— маънавий-маърифий ишлар ҳолати, таълим муассасасидаги психологик муҳит;

— ўқитувчи ва ўқувчилар учун яратилган ижтимоий-маиший шароитлар ҳамда уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳолати.

10.4. Мактабгача таълим муассасаларида:

— давлат талабларига мувофиқ мактабгача ёшдаги бола шахсининг соғлом, жисмонан ривожланган ва етук тарбияланганлиги;

— тарбияланувчиларнинг давлат талаблари асосида мактабдаги ўқишга пухта тайёрланганлиги;

— тарбиячи-педагог кадрлар салоҳияти;

— болаларнинг тўлақонли ривожланиши учун талаб этилган зарурий жиҳозлар, ўйинчоқлар, спорт майдончалари ва бошқа шароитларнинг яратилганлиги ҳамда овқатланиш, дам олиш хоналарининг санитария талабларига мослиги.

10.5. Умумий ўрта таълим мактабларида:

— таълим жараёнига давлат таълим стандартларининг жорий этилганлиги;

— ўқувчиларнинг фанлар бўйича эгаллаган билимлари даражаларининг давлат таълим стандартларига мувофиқлиги;

— таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг жорий этилганлиги;

— моддий-техник салоҳиятни ривожлантириш бўйича давлат дастурининг бажарилиш ҳолати, бу борада ҳомийлар ҳиссаси;

— маънавий-маърифий ишлар аҳволи;

— педагог кадрлар салоҳияти.

10.6. Мактабдан ташқари таълим муассасаларида:

— таълим-тарбия жараёнига давлат талабларининг жорий этилганлиги;

— болалар ва ўсмирларнинг якка тартибдаги ижодий, техникавий қобилиятининг шаклланганлиги ва улар эҳтиёжининг қондирилганлиги;

— ўқувчилар бўш вақти ва дам олишларининг самарали ташкил этилганлиги;

— тўгарак машғулотларида олинган билимларнинг давлат талабларига мувофиқлиги;

— зарурий моддий-техник базасининг яратилганлиги.

11. Таълим муассасалари аттестацияси ва давлат аккредитацияси холислик, ошкоралик, даврийлик ва педагогик этика меъёрларига амал қилинган ҳолда ўтказилади.

12. Давлат тест маркази таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси (кейинги ўринларда – Бошқарма) томонидан узлуксиз таълим тизими муассасаларини аттестациядан ўтказиш тартиблари, мезонлари ва технологиялари ишлаб чиқилади.

13. Тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар аттестация жадвалини ҳамда аттестация текширувига оид ҳужжатларни (йўриқнома, мезон ва б.) ўқув йилининг бошида Бошқармадан оладилар.

14. Нодавлат таълим муассасалари аттестацияси ва давлат аккредитацияси билан боғлиқ бўлган харажатлар миқдорини Давлат тест маркази Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгилайди. Ушбу харажатлар нодавлат таълим муассасаси ёки унинг таъсисчиси томонидан қопланади.

15. Бошқармада аттестация қилинувчи таълим муассасаси учун аттестация билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар йиғма жилди расмийлаштирилади. Унда:

— Давлат тест маркази директорининг комиссия тузиш ҳақидаги буйруғи;

— таълим муассасасининг комиссияга тақдим этган ҳужжатлари;

— аттестация натижалари бўйича комиссия хулосаси;

— аттестация натижалари бўйича Давлат тест маркази Илмий – услубий кенгаши мажлисининг баённомаси;

— аттестация натижалари бўйича Давлат тест маркази директорининг буйруғи.

Ҳужжатлар йиғма жилди навбатдаги аттестация ўтказилгунга қадар Бошқармада сақланади.

3. Аттестация комиссияларини ташкил этиш ва уларнинг таркиби

16. Таълим муассасалари аттестацияси ва давлат аккредитацияси Бошқарма томонидан ташкил этилади ва ўтказилади.

17. Олий таълим муассасалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтлари ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун аттестация комиссия (кейинги ўринларда - Комиссия)лари таркибига таълим муассасалари, Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларининг етакчи олимлари, таълимни бошқарув бўйича ваколатли давлат органларининг масъул ходимлари ва тегишли ишлаб чиқариш корхоналарининг юқори малакали мутахассислари жалб этилади.

Комиссия Давлат тест маркази томонидан тузилиб, унга Бошқарма ходими раҳбарлик қилади.

18. Мактабгача, умумий ўрта, мактабдан ташқари таълим муассасалари учун комиссиялар вилоят (маҳаллий) ҳокимлик органлари билан биргаликда Давлат тест маркази томонидан ўрнатилган тартиб ва қоидалар асосида тузилади. Комиссияни Давлат тест марказининг ваколатли вакили бошқаради.

19. Республика тасарруфидаги умумий ўрта мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари учун комиссиялар таркибига Халқ таълими вазирлиги ҳамда унинг вилоятлардаги бошқармалари мутахассислари, таълим муассасалари педагоглари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъул ходимлари жалб этилади. Комиссия Давлат тест маркази томонидан тузилиб, унга Бошқарма ходими раҳбарлик қилади.

20. Комиссияларга Давлат тест маркази томонидан ишлаб чиқилган талабларга жавоб берадиган тажрибали мутахассис-экспертлар жалб этилади. Экспертлар аттестация ўтказилаётган таълим муассасаларига алоқадор бўлмаслиги лозим.

21. Комиссия аъзолари фаолиятининг молиявий харажатлари уларнинг асосий иш жойи маблағи ҳисобидан қопланади.

22. Комиссиялар таркиби таълим муассасаларининг тури ва таълим йўналишларига қараб белгиланади.

23. Комиссиянинг таълим муасса-

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МУАССАСАЛАРИНИ ТАЦИЯСИДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Loyiha

сасидаги иш муддати 15 кундан ошмаслиги лозим.

4. Аттестация якунлари

24. Комиссия таълим муассасасидаги таълим дастурлари, йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг давлат таълим стандартлари ҳамда давлат талабларига мувофиқлиги ҳақида хулоса тайёрлайди.

25. Комиссия хулосасига кўра таълим муассасаси "Аттестациядан ўтди", "Аттестациядан шартли ўтди", "Аттестациядан ўтмади" деб эътироф этилади. Таълим муассасасидаги муайян таълим босқичи, йўналиши ва мутахассисликларининг аттестацияси натижалари бўйича хулоса Давлат тест маркази Илмий – услубий кенгашида муҳокама қилинади. Муҳокама қилинган кундан бошлаб, 2 ҳафта ичида аттестация натижаларига доир Давлат тест марказининг буйруғи чиқарилади ва у таълимни бошқариш бўйича давлат органларига, таълим муассасасига ҳамда унинг таъсисчиларига юборилади.

26. Олий таълим муассасасида мавжуд йўналишлар ва мутахассисликларнинг 75 ва ундан кўп фоизи "Аттестациядан ўтди" деб хулоса қилинса, таълим муассасаси "Аттестациядан ўтди", 67 фоиздан 75 фоизгача - "Аттестациядан шартли ўтди", 67 ва ундан кам фоизида "Аттестациядан ўтмади" деб эътироф этилади.

27. "Аттестациядан ўтди" деб эътироф этилган олий таълим муассасасининг аттестациядан ўтмаган йўналишлари ва мутахассисликларига келгуси ўқув йилида талабалар қабул қилинмайди ҳамда уларга кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун бир йил вақт берилади. Ушбу муддат тугаганидан сўнг уларнинг аттестациядан ўтмаган йўналишлари ва мутахассисликлари қайта аттестациядан ўтказилади ҳамда таълим муассасаси фаолиятида қайд этилган бошқа камчиликларнинг бартараф этилганлиги ўрганилади.

28. "Аттестациядан шартли ўтди" деб эътироф этилган олий таълим муассасасининг аттестациядан ўтмаган йўналишлари ва мутахассисликларига келгуси ўқув йилида талабалар қабул қилинмайди. Ўқув ишлари бўйича проректор, ушбу йўналишлар ва мутахассисликларга масъул деканлар навбатдан ташқари аттестациядан ўтказилади. Тегишли махсус (чиқарувчи) кафедра мудирларининг ўз вазифаларини қониқарсиз бажараётганликларини қайд этиб, олий таълим муассасаси ректорига келгусида уларнинг кафедрани бошқармасликлари масаласини Илмий кенгашга киритиш бўйича тавсия берилади.

Аттестациядан ўтмаган йўналишлар ва мутахассисликлар бир йилдан сўнг қайта аттестациядан ўтказилади.

29. Қайта аттестация натижаларига кўра "Аттестациядан ўтмади" деб эътироф этилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ёпилади.

30. Барча ҳолларда олий таълим муассасаларининг аттестациядан ўтмаган йўналиш ва мутахассисликлари якуний давлат аттестациясини Давлат тест маркази томонидан тузиладиган давлат аттестация комиссияси ўтказади.

31. "Аттестациядан ўтмади" деб эътироф этилган олий таълим муассасаси тўғрисида қуйидаги хулосалардан бири қабул қилинади:

— таълим муассасасини қайта ташкил этиш;

— таълим муассасасининг мақомини ўзгартириш;

— лицензияни бекор қилиш;

— лицензия муддатини узайтиришга рад жавоби бериш;

— таълим муассасаси фаолиятини тўхтатиш масаласини қўйиш.

32. Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институт (МОИ)лари бўйича:

МОИнинг давлат талаблари ва Уставида белгиланган вазифалари, ўқув жараёнининг ташкил этилиши, илмий-педагог кадрлар салоҳияти ва улар фаолиятининг самарадорлиги, моддий-техник ва ўқув-лаборатория таъминоти, маънавий-маърифий ишлари, ишлаб чиқариш билан интеграция ва халқаро ҳамкорлик бўйича фаолияти Давлат тест маркази томонидан ишлаб чиқилган мезонда белгиланган максимал баллнинг 75 фоизидан кам бўлмаган балл билан баҳоланса, МОИ "Аттестациядан ўтди", максимал баллнинг 55 - 75 фоизи билан баҳоланса, "Аттестациядан шартли ўтди" ва максимал баллнинг 55 фоизидан кам балл билан баҳоланса "Аттестациядан ўтмади" деб эътироф этилади.

"Аттестациядан шартли ўтди" деб эътироф этилган МОИ бир йилдан кейин қайта аттестациядан ўтказилади.

"Аттестациядан ўтмади" деб эътироф этилган МОИни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинади

33. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидаги мавжуд йўналишларнинг 70 ва ундан кўп фоизи аттестациядан ўтган ҳолда таълим муассасаси "Аттестациядан ўтди", 30 дан 70 фоизгача – "Аттестациядан шартли ўтди", 30 ва ундан кам фоизида эса "Аттестациядан ўтмади" деб эътироф этилади.

34. "Аттестациядан ўтди" ва "Аттестациядан шартли ўтди" деб эътироф этилган таълим муассасасининг аттестациядан ўтмаган йўналишларига келгуси ўқув йилидан бошлаб, ўқувчилар қабул қилинмайди ҳамда кўрсатилган камчиликларни тугатиш учун бир йил муддат берилади. Ушбу муддат тугаганидан сўнг бу йўналишлар қайта аттестациядан ўтказилади.

35. Қайта аттестация натижаларига кўра "Аттестациядан ўтмади" деб эътироф этилган таълим йўналишлари ёпилади ва ундаги битирувчиларнинг якуний давлат аттестациясини Давлат тест маркази томонидан тузиладиган давлат аттестация Комиссияси ўтказади.

36. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида Давлат тест марказининг экспертиза хулосаларисиз очилган янги йўналишлар аттестациядан ўтмаган деб ҳисобланади.

37. "Аттестациядан шартли ўтди" деб эътироф этилган таълим муассасалари бўйича таълимни бошқарув давлат органларига таълим муассасаси раҳбарияти, аттестациядан ўтмаган йўналишларга масъул бўлим бошлиқлари ва кафедра мудирларининг ўз вазифаларига лойиқлиги масаласини кўриб чиқиш ҳамда аттестация жараёнида аниқланган камчиликларни тугатиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш тавсия қилинади.

38. "Аттестациядан ўтмади" деб эътироф этилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари тўғрисида қуйидаги хулосалардан бири қабул қилинади:

— таълим муассасасининг раҳбар ва педагог кадрларини навбатдан ташқари аттестациядан ўтказиш;

— таълим муассасасини қайта ташкил этиш;

— лицензияни бекор қилиш;

— лицензия муддатини узайтиришга рад жавобини бериш.

39. Умумий ўрта, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари аттестацияси бўйича сўнгги уч йилда битирган битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ва экспертлар томонидан ўтказилган назорат ишлари натижалари, таълим муассасаси Уставида белгиланган вазифаларнинг бажарилиш даражаси ҳамда мезондаги бошқа кўрсаткичлар бўйича таълим муассасаси тўғрисида қуйидаги хулосалардан бири қабул қилинади:

— битирувчиларнинг ўртача 95 фоизи, назорати ишларида ўқувчиларнинг 90 фоиздан кўп қисми ва мезонда белгиланган бошқа кўрсаткичлар бўйича таълим муассасаси фаолияти 60 фоиздан юқори ижобий баҳоланганда таълим муассасаси "Аттестациядан ўтди" деб;

— битирувчиларнинг 90 фоизи, назорат ишларида ўқувчиларнинг 80 фоиздан кўпи ва мезонда белгиланган бошқа кўрсаткичлар бўйича таълим муассасасининг фаолияти 50-60 фоиз ижобий баҳоланганда таълим муассасаси "Аттестациядан шартли ўтди" деб эътироф этилади;

— битирувчиларнинг 80 фоизидан ками "қониқарли" баҳоланган бўлиб, назорат ишларида ўқувчиларнинг 75 фоизи ижобий ва 25 фоизи "қониқарсиз" баҳоланган бўлса, Уставда белгиланган вазифалар қисман бажарилган ҳолда мезондаги бошқа кўрсаткичлар 50 фоиздан кам ижобий баҳоланганда таълим муассасаси "Аттестациядан ўтмади" деб ҳисобланади.

40. Умумий ўрта, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари "Аттестациядан шартли ўтди" деб эътироф этилганда, улар бир йилдан кейин қайта аттестациядан ўтказилади.

41. Қайта аттестация натижаларига кўра умумий ўрта таълим муассасаси "Аттестациядан ўтмади" деб эътироф этилса:

— таълим муассасаси раҳбари ва педагог кадрлари навбатдан ташқари аттестацияга жалб этилади;

— таълим муассасаси битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси Давлат тест маркази томонидан ёки бошқа таълим муассасаси битирувчилари билан қўшиб ўтказилади.

42. Мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари қайта аттестация натижаларига кўра "Аттестациядан ўтмади" деб эътироф этилганда, уларнинг фаолиятини тўхтатиш масаласи қўйилади.

43. "Аттестациядан ўтди" деб эътироф этилган таълим муассасасини аккредитациялаш учун тегишли ҳужжатлар:

олий таълим муассасалари ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтлари учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва республика тасарруфидаги умумий ўрта ҳамда мактабдан ташқари таълим муассасалари учун Давлат тест марказига;

умумий ўрта, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари учун халқ таълими бошқармаларига юборилади.

44. Давлат аккредитацияси ҳақидаги гувоҳнома (давлат аккредитацияси берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат) буйруқ чиққан кундан бошлаб 2 ҳафта давомида таълим муассасасига тақдим этилади.

45. Давлат тест маркази таълим муассасалари аттестация жараёнида аниқланган камчилик ва нуқсонларнинг ўз вақтида бартараф этилишини мунтазам назорат қилади.

5. Давлат аккредитациясини ўтказиш тартиби

46. Таълим муассасасини аккредитациялаш учун Вазирлар Маҳкамаси қошида доимий фаолият кўрсатувчи Аккредитация комиссияси тузилади. Аккредитация комиссиясининг таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Бошқарма Аккредитация комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади.

47. Давлат аккредитацияси таълим муассасасининг аттестацияси хулосаларига ва тегишли меъёрий ҳужжатларга биноан амалга оширилади.

48. Таълим муассасасини аккредитациялаш учун Аккредитация комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

— таълим муассасасидаги йўналиш ва мутахассисликлар рўйхати;

— таълим муассасаси аттестацияси натижалари бўйича хулоса;

— аккредитация харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси.

49. Давлат аккредитацияси ҳақидаги қарор Аккредитация комиссиясига ҳужжатлар топширилгандан кейин бир ой ичида қабул қилинади. Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда таълим муассасасига давлат аккредитацияси ҳақидаги сертификат берилади.

50. Давлат аккредитацияси ҳақидаги сертификат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган шакллар бўйича махсус қоғозда тайёрланади. Сертификатда таълим муассасасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли, тури, мақоми ва амал қилиш муддати қайд этилади. Сертификатга таълим муассасасининг таълим дастурлари, йўналиш ва мутахассисликлари рўйхати илова қилинади. Сертификат 5 йил муддатга берилади.

Сертификат бланкалари қатъий ҳисобот ҳужжати сифатида қайд этиш сериялари ва тартиб рақамларига эга бўлади.

51. Таълим муассасаси қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда давлат аккредитацияси ҳақидаги сертификат ўз кучини йўқотади.

52. Таълим муассасаси томонидан таълимга оид қонунлар бузилганлиги ёки амалга оширилаётган таълим хизматлари давлат таълим стандартлари талабларига мос келмаслиги аниқланган ёки сертификатда кўрсатилган ҳуқуқ ва меъёрий кўрсаткичларга амал қилинмаган тақдирда давлат аккредитацияси ҳақидаги сертификат ўрнатилган тартибда ваколатли давлат органи томонидан бекор қилиниши мумкин.

53. "Аккредитациядан ўтди" деб эътироф этилган таълим муассасалари рўйхати тегишли шаклларда қайд этилиб, ДТМ "Ахборотнома"сида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

54. Таълим муассасалари аттестацияси ва давлат аккредитацияси натижаларидан норози бўлган таълим муассасалари раҳбарлари ёки уларнинг таъсисчилари ўрнатилган тартибда судга мурожаат қилишлари мумкин.

O'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirish psixologik-pedagogik tashxis muammolari nafaqat shu faoliyat bilan bevosita shug'ullanuvchi tashxis tizimi mutaxassislari, balki barcha pedagoglar uchun ham o'ziga xos mas'uliyatni kasb etadi.

O'qituvchilarning avgust kengashlariga

МАВЗУЛАР ЧУҚУР

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва мутахассисларининг 2004 йил август ТАВСИЯЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"-ги Фармонининг қабул қилиниши ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис хизмати ходимлари олдига янада муҳимроқ ва долзарб бўлган вазифаларни қўймоқда.

Ўзбекистон Президенти томонидан 2004 йилнинг «Меҳр-мурувват йили» деб эълон қилиниши муносабати билан давлатимиз томонидан халқ таълими тизимидаги Меҳрибонлик уйлари, махсус мактабгача таълим ва махсус умумий ўрта таълим тизимида таълим-тарбия олаётган ва алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болаларнинг ўқиши, яшаш шароити ва ижтимоий мослашуви масалаларига жиддий эътибор берилмоқда. Шу боис, ташхис хизмати ходимлари зиммасига мазкур таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчилар ва тарбияланувчилар билан касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис ишларини олиб бориш ҳамда уларга мос бўлган касб-ҳунарларни танлашларида ёрдам беришдек масъулиятли вазифалар юклатилган.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш умумий ўрта таълимнинг таркибий қисми, аниқроғи, унинг барча қирраларини қамраб олган ва мазмунига сингдирилган интеграцион (узвийлаштирилган) жараён ҳисобланади. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш психологик-педагогик ташхис муаммолари нафақат шу фаолият билан бевосита шуғулланувчи ташхис тизими мутахассислари, балки барча педагоглар учун ҳам ўзига хос масъулият касб этади.

Ҳозирги кунда республикамиз халқ таълими тизимида шакллантирилган ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис тузилмаси етарли даражада илмий-услубий салоҳият, тажриба асосида фаолиятини тўлақонли амалга ошириш имкониятига эга бўлганлиги айни ҳақиқатдир. Охирги 3-4 йил давомида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис ишларига оид меъёрий-услубий ҳужжатлар, илмий-услубий материаллар тайёрланиб, жойларга етказилди. Жорий йилда Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази томонидан тасдиқланган "Умумий ўрта таълимдан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишда халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим бошқарув органлари ва муассасаларининг ҳамкорлик фаолияти тўғрисидаги Йўриқнома", 9-синфни битираётган ўқувчиларга бериладиган тавсиянома бланкаларининг лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувидаги янги нусхаси, "Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш" тармоқ стандарти лойиҳаси каби тизим фаолиятининг мазмун-моҳиятини белгилаб берувчи зарурий меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалга тадбиқ этилмоқда.

Ҳудудий ташхис Марказлари мутахассислари ҳамда таълим муассасалари учун "Касблар олами", "Касбий атамалар луғати", "Касбга йўналтирувчининг малакавий тавсифи", "Касбга йўналтиришнинг маълумот-қидирув тизими" дастурий воситаси, "Касб-ҳунарга йўналтириш асослари" плакатлар тўпламлари, "Умумий ўрта таълим мактаблари касб-ҳунарга йўналтириш хоналарининг иш мазмуни" методик тавсия каби услубий қўлланмалар лойиҳалари тайёрланди ва янги ўқув йилидан амалиётга жорий этилади.

Психологик-педагогик ташхис йўналишида олти ёшли болаларнинг мактабга тайёрлигини ўрганиш бўйича "Психологик ташхис методикалари", ихтисослаштирилган мактабларга иқтидорли болаларни танлаш учун "Иқтидор диагностикаси" методикалар мажмуаси ишлаб чиқилди ва амалга тадбиқ этилмоқда. Касб-ҳунарга йўналтириш жараёнида психологик-педагогик ташхис ишларининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида 2003-2004 ўқув йилида 1-9-синф ўқувчилари учун юритилган "Психологик-педагогик ташхис дафтари(ташхис харитаси)" янги ўқув йилида ҳам давом эттирилади.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг илғор технологиялари мавзусида 2003-2004 ўқув йили давомида Тошкент шаҳрида ўтказилган Республика илмий-амалий конференцияси, "Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишларини самарали йўлга қўйиш ва тажрибаларни оммалаштириш " мавзусидаги Наманган, Самарқанд, Урганч шаҳарлари ва Тошкент вилоятида республика ҳудудий семинарларининг ўтказилиши амалга оширилаётган ишларни илмий асосда ташкил этиш ҳамда истиқбол режаларни белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис тизими фаолиятининг таҳлиллари 2003-2004-ўқув йилида ҳал этилиши зарур бўлган қатор муаммолар ҳам борлигини кўрсатади. Уларни умумлаштириб, қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

1. Таълим-тарбия ва касб-ҳунарга йўналтириш жараёнларининг интеграциясини таъминлаш, яъни ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришни умумтаълим фанлари, синфдан ва мактабдан ташқари тадбирлар мазмуни билан уйғунлаштириш.

2. Умумий ўрта таълим мактаблари, ўқувчилар ва ота-оналарни касб ва ҳунарларга оид ахборотлар билан таъминлаш, касбий маслаҳат ва психологик-педагогик ташхиснинг яхлитлигига эришиш ҳамда бу жараёнга интерфаол педагогик технологияларни тадбиқ этиш.

3. Мактабгача, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими узлуксизлигидан келиб чиққан ҳолда касб-ҳунарга йўналтириш ишларини, барча таркибий қисмлари (касбий ахборотлар, касбий маслаҳат ва психологик-педагогик ташхис, касбий танлов, касбга мослашув) бўйича комплекс амалга ошириш.

4. Умумий ўрта таълим битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига йўналтириш ва жалб этишнинг яхлит механизмини ишлаб чиқиш, уни босқичма-босқич (2003-2009 йиллар) амалга тадбиқ этиш.

5. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис тизими мутахассислари, мактаб амалий психологлари, касб-ҳунарга йўналтирувчи мутахассислари, дефектолог ва тиббий ходимларининг касбий тайёргарлик салоҳиятларини юксалтириш, уларга кўрсатилаётган илмий, амалий-услубий ёрдам самарадорлигини ошириш.

6. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис ишларида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш.

7. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис хизматига оид ишлаб чиқилаётган ўқув, илмий-услубий, ахборот-дастурий материалларнинг мазмундорлигини ошириш ҳамда амалий аҳамиятини кучайтириш ва ҳоказо.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис тизими мутахассисларининг анъанавий август Кенгашларида ҳар тарафлама мукаммал, атрофлича муҳокама ва таҳлиллар асосида мазкур муаммоларнинг ечимларини излаб топиш лозим бўлади. Бундан ташқари, ҳудудий ташхис Марказлари мутахассислари, мактаб амалиётчи психологлари, касб-ҳунарга йўналтирувчи мутахассислари, дефектологлар ва мактабларда фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимлари якунланган ўқув йили давомида амалга оширилган ишларга танқидий ёндошган ҳолда уларни чуқур ва атрофлича таҳлил этишлари, эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларнинг сабабларини аниқлаш, янги ўқув йилида уларни такрорламаслик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш билан кейинги ҳаракат йўналишларини белгилаб олишлари керак.

Ташхис тизими мутахассисларининг август кенгашлари бошланишидан олдин вилоят халқ таълими бошқармалари ташхис Марказлари ва вилоят ПХМОҚТИлари ҳамкорликда туман, шаҳар ташхис Марказлари раҳбарларининг семинар-кенгашларини ўтказишлари, уларга жойларда ўтадиган тоифалар бўйича шўъба ишларини ташкил этиш бўйича тегишли тавсиялар беришлари ҳамда услубий материаллар билан таъминлашлари керак.

Август кенгашларининг тоифалар бўйича шўъба ишлари давра суҳбати, илғор тажриба минбари, психологик-педагогик тренинг, баҳс-мунозара, психологик-педагогик консилиум шаклларида ноанъанавий тарзда интерфаол усуллар билан ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Республика ташхис Маркази ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва таълим муассасаларида тиббий-дефектологик ва психологик хизмат муаммолари бўйича мутахассисларнинг анъанавий август кенгашларида муҳокама этиш учун қуйидаги мавзуларни тавсия этади.

Конференция (ялпи йиғилишлар) учун:

1. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг самарадорлиги, 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига йўналтириш ишларининг якунлари, таҳлиллар, истиқбол режалари.

2. Умумий ўрта таълим мактабларида кўрсатилаётган психологик-педагогик ташхис хизматининг мазмуни, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш омиллари.

3. Руҳий ёки жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг реабилитацияси, уларни соғломлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлили, навбатдаги вазифалар.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 473-қарори асосида олиб борилаётган ишлар ва навбатдаги вазифалар.

Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарларининг шўъбаси учун:

1. Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига йўналтириш ҳамда олти ёшли болаларни психологик-педагогик кўрикдан ўтказиш комиссиялари фаолиятларининг якунлари бўйича таҳлиллар ва таклифлар.

2. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда ўзаро ҳамкорлик (мактаб, касб-ҳунар коллежи-маҳалла) ишлари ва уни такомиллаштириш муаммолари.

3. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис бўйича илғор тажриба мактаблари фаолияти билан танишиш.

4. Умумий ўрта таълим битирувчиларини ўтиш даврида (2003-2009 йиллар) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига босқичма-босқич йўналтириш .

5. Фанларни чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган синф ва мактабларга иқтидорли ўқувчиларни танлаш ва уларнинг таълим-тарбиясини ташкил этиш масалалари.

6. Педагогик жамоада соғлом психологик иқлимни ҳосил қилиш ва шахслараро муносабатларни фаоллаштиришнинг амалий психологик технологиялари.

7. Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази томонидан тасдиқланган "Умумий ўрта таълимдан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишда халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқарув органлари ва муассасаларининг ҳамкорлик фаолияти тўғрисидаги Йўриқнома" асосида олиб борилаётган ишлар.

8. Умумий ўрта таълим мактабларидаги ўқувчиларни ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига йўналтириш комиссияларининг ишини "Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш" тармоқ стандарти лойиҳасига мувофиқлаштирилган ҳолда олиб бориш.

9. Янги ўқув йилига касб-ҳунарга йўналтириш, психологик, тиббий ва меҳнат таълими устахоналарини тасдиқланган меъёрлар асосида тайёрлаш ҳамда жиҳозлаш.

Бошланғич синф ўқитувчилари шўъбаси учун:

1. Олти ёшли болаларни мактабга мослаштириш бўйича ўтказиладиган "Психологик саломатлик мактаби" машғулотларининг мазмуни.

2. Кичик мактаб ёшидаги болалар учун юритиладиган "Психологик-педагогик ташхис дафтари" билан ишлаш тартиби.

Yuqorida tavsiya etilgan sho'balar va belgilangan mavzularga ijodiy yondoshgan holda hududiy xususiyatlardan kelib chiqib, o'zgartirishlar yoxud qo'shimcha mavzular kiritish mumkin.

ТАҲЛИЛ ЭТИЛАДИ

психологик-педагогик ташхис тизими кенгашларини ўтказиш бўйича

3. Мактабга қабул қилинган 6 ёшли болалар билан уларни мактабга мослашиши ва ривожланиш динамикаси бўйича ўтказиладиган коррекцион ишларнинг мазмуни.

4. Олти ёшли болаларнинг мактабга тайёрлигини аниқлаш методикаси билан ишлаш.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис хизмати билан бевосита шуғулланувчи мутахассислар учун қуйидаги шўъбаларнинг ташкил этилиши мақсадга мувофиқ:

Меҳнат таълими ва касб-ҳунарга йўналтирувчи мутахассислар шўъбаси:

1. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш тизимини ривожлантириш Концепцияси асосида мактабда касб-ҳунарга йўналтириш ишларини олиб борилиши билан боғлиқ бўлган долзарб вазифалар.

2. Ўқувчиларни касб-ҳунарга тўғри йўналтириш – уларнинг келгусидаги ҳаёт мазмунини таъминлаш гаровидир.

3. Умумий ўрта таълим мактабларида ташкил қилинган кўргазмалар асосида касб-ҳунарга йўналтириш.

4. Меҳнат таълими ва умумтаълим фанларини ўқитишда касб-ҳунарга йўналтириш масалалари.

5. Профилли меҳнат таълими ва касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг ўзаро узвийлиги.

6. Ҳудуддаги ишлаб чиқариш корхоналари, уюшмалар, ташкилотлар ва уларнинг ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришдаги роли.

7. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда замонавий ахборот технологияларининг ўрни.

8. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда касб-ҳунарга йўналтириш хонасининг аҳамияти.

9. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда синфдан ва мактабдан ташқари тадбирларнинг ўрни.

10. Ўқувчиларнинг қизиқиши, мойиллиги, лаёқатига мос бўлган касб-ҳунарни онгли равишда танлай олишига тайёрлаш усуллари.

11. Касбий маслаҳат ва психологик-педагогик ташхиснинг интерфаол усуллари.

12. Мактабда ўқувчилар билан касбий ташхис ўтказишнинг усуллари ва услублари.

13. Ўқувчиларни касбларнинг психограммалари билан таништириш усуллари ва услублари.

14. Ташхис Марказларининг ҳудудий меҳнат органлари билан ҳамкорлик тажрибаси.

15. Умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчиларини "Касбга йўналтиришнинг маълумот қидирув тизими» дастурий воситаси ва ундан фойдаланишлари.

16. "Касб-ҳунарга йўналтириш асослари" плакатлар тўпламидан касб-ҳунарга йўналтиришда, меҳнат таълими дарсларида, психологик хизмат жараёнларида фойдаланиш.

17. "Меҳрибонлик уйлари"да олиб борилаётган касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг мазмуни ва моҳияти.

18. Ўқувчиларнинг касб танлашларида ота-онанинг роли.

19. Ўқувчиларнинг касб-ҳунар танлашларида индивидуал ёндашув усулларидан фойдаланишнинг аҳамияти.

20. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда фан ўқитувчиларининг олиб борадиган ишлари (иш тажрибасидан).

21. Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази томонидан 2004 йил 20 апрелда тасдиқланган "Умумий ўрта таълимдан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишда Халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқарув органлари ва муассасаларининг ҳамкорлик фаолияти тўғрисидаги Йўриқнома" асосида олиб борилаётган ишлар тўғрисида.

Таълим муассасаларининг амалиётчи психологлари шўъбаси:

1. Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида психологик хизматнинг моҳияти ва вазифалари.

2. Олти ёшли болаларни психологик-педагогик кўрикдан ўтказишнинг ташкилий-услубий асослари.

3. Олти ёшли болаларнинг тиббий, психологик-педагогик кўриги ва мактабга мослаштириш натижаларининг таҳлили, хулосалар, истиқбол режалар.

4. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш жараёнида психологик-педагогик ташхис муаммолари, янги психологик методикалар мажмуаси билан ишлаш бўйича амалий машғулотлар.

5. Мактаб психологининг ўқитувчилар ва ота-оналар билан олиб борадиган ишларининг мазмуни.

6. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг интерфаол технологиялари.

7. Иқтидорли болаларни танлаш бўйича психологик методикалар.

8. "Психологик-педагогик кузатув дафтари" ва "Психологик педагогик ташхис дафтари(ташхис харитаси)" билан ишлаш.

9. "Меҳрибонлик уйлари"да ўқувчилар билан олиб борилаётган психологик-педагогик ташхис ишларининг мазмуни .

10. Мактабгача таълим муассасаларида болаларни психологик-педагогик ташхисдан ўтказиш усуллари ва услублари.

Таълим муассасалари дефектологлари шўъбаси:

1. Махсус мактабгача таълим муассасалари дефектологлари (логопедлар) фаолиятининг таркибий мазмуни.

2. Умумий ўрта таълим мактабларида дефектологик хизматнинг мазмуни ва хусусиятлари.

3. Махсус мактаб-интернатларда коррекцион ишларнинг мазмуни.

4. Нуқсонли болаларнинг махсус таълим–тарбиясини ташкил этишда ота-оналар билан ҳамкорликдаги ишлар.

5. Махсус таълим муассасалари ва мактабларида нуқсонли болаларга кўрсатиладиган дефектологик хизматнинг интеграцияси.

6. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни интеграция ва инклюзив таълимга жалб этишнинг ташкилий педагогик жиҳатлари.

7. Алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган ва соғлом болалар таълим-тарбиясини интеграциялаш.

8. Нуқсонли болаларни психологик-педагогик ташхис асосида аниқлаш, саралаш усуллари.

9. Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб ва мактаб-интернатларда дефектологик хизмат воситалари ва усуллари.

10. Махсус таълим муассасаларида ўқувчиларнинг касбий қизиқишлари, мойилликлари, лаёқатлари ва қобилиятларини аниқлашнинг усул ва услублари.

Таълим муассасалари тиббий ходимлари шўъбаси:

1. Вилоят, туман, шаҳарларда 2004 йилда олти ёшли болаларнинг тиббий кўриги якунларида аниқланган камчиликлар ва муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари.

2. Тиббий кўрик жараёнида касал деб топилган олти ёшли болаларни соғломлаштиришнинг ҳозирги мавжуд муаммолари ва уларни ечиш йўллари.

3. Олти ёшли болаларни мактабга мослаштиришда тиббий ходимнинг ўрни.

4. Умумий ўрта таълим мактабларида "Соғлом авлод асослари" курсини ўқитиш муаммолари.

5. "Меҳрибонлик уйлари"даги тиббий ҳизматнинг ўзига хос хусусиятлари.

6. "Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланувчиларга тиббий йўналишда кўрсатилаётган мурувват ёрдамларини амалга оширишдаги ишлар (иш тажрибасидан).

10. Туман, шаҳар ташхис Марказларининг ҳудудий соғлиқни сақлаш бўлимлари билан ҳамкорлиги иш тажрибасидан.

Юқорида тавсия этилган шўъбалар ва белгиланган мавзуларга ижодий ёндошган ҳолда ҳудудий хусусиятлардан келиб чиқиб, ўзгартиришлар ёхуд қўшимча мавзулар киритиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ ВА ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК РЕСПУБЛИКА ТАШХИС МАРКАЗИ

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис Марказида 2004 йил сентябр ойида «Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтиришнинг мазмунини такомиллаштириш» мавзусида республика илмий-амалий семинари ўтказилади.

Семинарда қуйидаги масалалар кўрилиши мўлжалланмоқда:

1. Ўқувчиларни замонавий технологиялар (информацион, ахборот, маслаҳат, педагогик-психологик) асосида касб-ҳунарга йўналтириш ва уни амалга татбиқ этиш муаммолари.

2. Халқ таълими тизимида психологик хизматнинг таркибий мазмуни масалалари.

3. Умумий ўрта таълим мактаблари касб-ҳунарга йўналтирувчи мутахассисларининг вазифалари ва уларга қўйиладиган талаблар.

4. Мактабгача таълим муассасаларида психологик хизматнинг ташкилий-услубий жиҳатлари.

5. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг мазмуни.

6. Меҳнат таълими ва умумтаълим фанларини ўқитишда касб-ҳунарга йўналтириш муаммолари.

7. Касб-ҳунарга йўналтириш хоналарининг иш мазмуни.

8. Жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар билан ишлаш усулларини такомиллаштириш.

9. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис ишларида тиббий ҳамда дефектологик хизматнинг тутган ўрни.

10. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда касб-ҳунарга йўналтириш мавзусининг ёритилиши.

11. Касб-ҳунарга йўналтириш ишларида синф раҳбарининг роли.

12. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари билан ҳамкорлик ишларининг мазмуни, усуллари ва шакллари.

13. Умумий ўрта таълим мактабларида психологик хизматнинг мазмуни ва шакллари.

14. Ота-оналар билан олиб бориладиган касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг шакл ва усуллари.

Маърузалар 2004 йил 1 августгача ташкилий қўмитага тақдим этилиши керак. Маруза матнининг ҳажми 3 бетдан иборат бўлиб, дискетда ҳамда ёзма равишда икки нусхада «MS-WORD» редакторида, «Times New Roman», «Baltika Uzbek», «Bodoni Uzb» 14 шрифтида 1,5 интервалда, ўлчамлари-А4 форматида, 210-257 мм бўлиши керак. Варақнинг чап томонидан 25 мм, юқори ва пастдан 20 мм ўнг томонидан 15 мм, жой қолдирилиши шарт. Матнлар илмий, техник, стилистик таҳрир қилинган бўлиши керак.

Семинар материаллари тўплами ОАК талаблари асосида чоп этилади.

Матнлар қуйидаги тартибда: ўртада, маруза мавзуси, икки қатор пастда муаллифнинг фамилияси ва исми шарифи, ташкилот ва муассасанинг тўлиқ номи кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилади.

Семинарда иштирок этиш учун тезис матнларини 1 августга қадар қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз.

700022, Тошкент ш. Яккасарой тумани, Қушбеги мавзеси, 16 «а»
Маълумот учун телефонлар:
501859. Факс: 505735. E-mail: Tashxis @ bcc. com. uz.
Халқ таълими тизими учун ички тармоқ: Tashxis Markazi @ Halq. mno.
Ташкилий қўмита.

Maktabgacha taalim muassasalari pedagog xodimlarining anaanavii avgust kengashlarini tkazish byycha Halq taalimi vazirligining TAVSIYALARI

(Davomi. Boshi gazetamizning ttan sonlarida.)

2003-2004 qv yilli respublika talim muassasalarida, jumladan, maktabgacha talim tizimida Vzbekiston Respublikasining «Talim trgrisida»gi qonun, «Kadrlar tayerlaш milliy dastri», «Yuchinchi mingilliklinki bolasi» tainng dastri talabalarini bakariish yldida muxim boskiy bldi.

Vzluksiz talimnng birinchi boskiychi blmiш maktabgacha talim muassasalarida shu kunlarda kichintoylarni soglomlashtiriш, xismonii chiniktiriш mavsymi bilan birgalikda ngi qv yldida tayergarlik xarain xam ketmkda.

2003—2004 qv yili natijalarga nazar tashlasak, maktabgacha talim muassasalari ishinng tashkilii asoslari mustaxkamlanib, metodik xizmat krsatiш tizimi sezilarli darajada takomillashtirildi, bolalarni maktabga tayerlaшda noanaanavii grurxlar soni kpayidi, nodavlat maktabgacha talim muassasalar tarmoi kengayidi. Bugngi kunda respublika byycha 1487 nafar bolalarni kamrab olgan 161 ta xonadon bogchasi, 29863 nafar bolalarni kamrab olgan 1831 ta qisqa muddatli grurxlar, 12477 nafar bolani kamrab olgan 798 ta savodxonlik markazlari, 20589 nafar bolalarni kamrab olgan 1241 ta maxsus grurxlar faolist krsatmkda. Qv yili davomida maktabgacha talim muassasalarida talim-tarbiya mazmunini, ynng moddii-texnika negizini mustaxkamlaш byycha qilingan ikobii ishlar, kamchilik va nuqsonlar vazirlik tomonidan ili davomida qabul qilingan qaror bn bu yldrqlarda aks ettirilib, ktkazilgan iyilik bn kengaшlarda muxokama qilinib borildi, tegiшli topiriqlar va tavsiralar xojilarga etkazildi.

Maktabgacha talim muassasalarini yngi 2004—2005 qv yilida tayerlaш tadbirlarida pedagog va tarbiyachilarning anaanavii avgust kengaшlari va byycha iyilishlari ishlarini youkqklik bilan ktkazii masalasi asosii yrinni egallaydi.

Avgust kengaшlarining Vzbekiston Respublikasi mustaqilligining 13 illik bayramini nishonlash arafasida ktkazilii, 2004 yilni Prezidentimiz tomonidan "Mexr va murvvat yili" deb zlon qilinii munosabati bilan kengaшlarnir ylni iyilishlarirg mxalla oksoqollari, ota-onalar, mexribonlik yilari xodimlari, maktabgacha talim tizimida samarali mexnat qilgan fxrylilarning ishtiroki, uarga xurmat-extirom krsatilii, imkonit darajada moddii va maanavii rgbatlantirilii tadbirlarga krtarinki rux, bayramona kaifyat bgiшlaydi.

Tuman(shaxr) xalq talimi blimlari raxbarlarining maurzalari maktabgacha, umumii yrta talim va maktabdan taшqari talim muassasalarida «Talim trgrisida»gi qonun xamda «Kadrlar taйerlaш millii dastri», Xalq talimi vazirligining karor, byyruq va krsatmalarini bakariш byycha amalga oширilgan ишлар sarxisob qilinii, eriшilgan natiжalar yilma-yil qieсii taxlil etylii, bajarilgan ишlarga tanqidii nuktai nazardan baxo berilii, 2003—2004 qv yilida amalga oширilgan ишlarga munosib ykun ysalii, yngi qv yilidagi asosii vazifalar qatyi belgilab olinii zarur.

Kengaш va шyba yiglilarida maurzalarida yngi qv yilida amalga oширilii zarur bln dolzarb masalalarga xaqdii eztibor qaratilii makqsdga muvofiq. 2004—2005 qv yilida yilida qilinadigan ишlarning asosii yunalii qyidagilardan iborat: maktabgacha talim muassasalarida bolalarni millii istiklol foysi asosida tarbiylash, variatxi dastrlarni taxriba-sinovdan tkazii, maktabgacha talim muassasalarining moddii-texnika bazasini rivojlantriш xamda maktabgacha talim muassasalari pedagog kadrlarining ilmii-metodik savisini zamon talablari asosida muntazam oширiш davom ettriш, ularning sifat tarkibini yxшilash, tarbiylanuvchilarni jismonii, aqlii, psixologik rivojlantriш ишlarini davlat talablari darajasida iylga qyiш, bevosita oiladan maktabga keladigan bolalarni talimnng maktab boskiychi pxta tayerlaш, yngi pedagogik texnologiylar, ilgor ишu uslublarini qllayidigan pedagoglar sonini kpayitriш, marketinq xizmatini iylga qyiш davom ettriш, tgarak ишlari taшkil qilii xamda maktabgacha taшkari muassasalar bilan xamkorlikni shaklantriш ustivor vazifa blmoi kerak.

Maktabgacha talim muassasalari pedagog kadrlarining shyba iyilishlari muassasalarning mudira, metodist, tarbiyai, musiqa va jismonii tarbiya raxbari, psixolot, defektologlari shyba laridan iborat blmoi kerak.

Avgust kengaшlarining shyba iyilishlarini ktkazii bln bolalar uun) maktabgacha talim muassasalari pedagoglarining shyba iyil

Joylarda tashkil etiladigan an'anaviy avgust kengashlarida maxsus ta'lim yo'nalishini alohida o'tkazish tavsiya etiladi.

МАХСУС ТАЪЛИМ ШЎЪБА ЙИҒИЛИШЛАРИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Махсус таълим педагог ходимлари анъанавий август кенгашларининг жойларда ташкил этилишида ўзига хос хусусиятлар: унинг кўп тармоқлилиги, мазмун жиҳатидан серқирралилиги, мақсад ва вазифалари аниқ стратегик режани талаб этишини инобатга олиш лозим.

Жойларда ташкил этиладиган анъанавий август кенгашларида махсус таълим йўналишини алоҳида ўтказиш тавсия этилади.

Август кенгашининг ялпи йиғилишини ташкил этишда жойлардаги шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда ижодий ёндашиш лозим.

Ялпи йиғилиш мазмунига Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004—2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг "Меҳр ва мурувват йили дастури тўғрисида"ги қарори, 1991 йил 18 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш" қонуни, "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг жойлардаги махсус таълим муассасалари томонидан бажарилиши, таълим ислоҳотлари соҳасида олиб борилаётган ишларни сарҳисоб этиш, жорий этилаётган янги педагогик технологияларни киритиш тавсия этилади.

Республикамиз халқ таълими тизимида, шунингдек, махсус таълим муассасалари ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, ислоҳотларнинг бориши, келгуси вазифа ва режалар хусусида фикр алмашадилар. Унда асосий фикр, Республикамиз Президенти ва ҳукуматнинг таълим фидойиларига кўрсатаётган улкан эътибори ва ғамхўрлиги, халқ таълими тараққиётига доир фикр ва мулоҳазалари ҳамда кўрсатмаларини амалиётга татбиқ этиш, юртимизда махсус таълимнинг инклюзив йўналишини амалга ошириш чора-тадбирлари, махсус таълим соҳаси мутахассисларининг узлуксиз тизимнинг барча йўналишлари бўйича йил давомидаги таълим-тарбия жараёнида олиб борилган ижобий ишлари, муаммолар ва коррекцион таълимни давр талаби даражасида ривожлантириш мақсадида келгуси вазифалар ва истиқбол режалар белгилаб олинади. Ялпи йиғилиш ишида мураббийлар, новатор ўқитувчи-устозларни рағбатлантириш, таълим тизимига энди кириб келаётган ёш педагогларни қутлаш тадбирларини ўтказиш, шу билан бирга кўнгилочар тадбирлар ҳам уюштирилиши, жойлардаги методик марказлар томонидан ишлаб чиқилган ўқув адабиётлар кўргазмасини ташкил қилиш тавсия этилади.

2004-2005 ўқув йили олдидан бўладиган анъанавий август кенгаши ишида махсус мактабгача таълим, махсус мактаб, мактаб-интернатлари йўналишларида шўъба ишларини алоҳида ташкил этиш тавсия қилинади.

Шўъба ишида муҳокама этилаётган мавзу интерфаол услубида ташкил этиладиган амалий машғулотлар билан қўшиб олиб борилиши жоиз. Айниқса, шўъба ишларида махсус таълимнинг узлуксиз тизимида ишлаб чиқилган Давлат таълим талаблари муҳокамасига жиддий эътибор қаратишлари, таълим мазмунига миллий истиқлол ғоясини интеграция асосида сингдириш, фан хоналарини жиҳозлашда болаларнинг нуқсон турларига кўра ҳисобга олиниши, умумтаълим ўқув методик адабиётларидан махсус таълим жараёнида мослаштириб фойдаланиш ҳақидаги масалалар муҳокама этилиши жоиздир.

I. Махсус мактабгача таълим шўъбаси

Махсус мактабгача таълим йўналиши бўйича ташкил этиладиган август кенгаши иши аввал умумий тарзда, сўнгра нуқсон йўналишларига кўра гуруҳларга ажратилиб ўтказилиши жоиз. Бу ўринда махсус мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг барча нуқсон турларининг жойларда камлигини инобатга олиб, минтақа доирасида ташкил этиш тавсия этилади.

Шўъба ишида қуйидаги меъёрий ҳужжатлар муҳокама этилади:

— узлуксиз махсус таълим Концепцияси;

— узлуксиз махсус таълим Низоми;

— алоҳида ёрдамга муҳтож болаларнинг нуқсон йўналишлари бўйича давлат таълим талабларининг қуйидаги лойиҳалари тавсия этилади:

1. Ақли заиф болалар таълим мазмуни;
2. Руҳий ривожланиши сустлашган болалар таълим мазмуни;
3. Нутқида нуқсони бўлган болалар таълим мазмуни;
4. Эшитишда нуқсони бўлган болалар таълим мазмуни;
5. Кўришда нуқсони бўлган болалар таълим мазмуни;
6. Таянч ҳаракат аъзоларида нуқсонлари бўлган болалар таълим мазмуни.

Алоҳида ёрдамга муҳтож болалар таълимини ташкил этишда, аввало, болалар билим, малака ва кўникмаларини аниқлаб олиш, эрта ташхис ўтказиш ва нуқсоннинг енгиллик ва мураккаблик даражаларини белгилаш, уларга мос таълим-тарбия бериш, коррекциялаш бугунги кунда махсус таълим йўналишидаги долзарб масалалардандир.

Махсус мактабгача таълим муассасаларида болалар таълимини ташкил этишда гуруҳ хоналарини тўғри жиҳозлаш, болалар учун қулай жиҳозлар танланиши мақсадга мувофиқдир. Бу ўринда болалар учун "Ривожлантирувчи муҳит" ташкил этилиши зарур. Албатта, болаларга мос таълим бериш билан бирга коррекцион ишларни ҳам қўшиб олиб бориш тавсия этилади.

Махсус мактабгача таълим йўналишидаги кенгаш ишида қуйидаги мавзулар кўриб чиқилиши ва вазифалар белгилаб олиниши зарур:

— махсус таълим муассасаларида психолог хизматини ташкил этиш;

— таълим жараёнини инсонпарварлаштириш;

— болаларнинг қизиқиш, эҳтиёжларини инобатга олиб, таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

— таълимни ташкил этишда замонавий технологиялардан интерфаол услубини татбиқ этиш;

— эрта ташхиснинг моҳияти ва амалиётга татбиқ этилиши;

— оммавий мактабгача таълим муассасаларида инклюзив таълим – енгил даражадаги имконияти чекланган болаларни соғлом муҳитга олиб кириш ва интеграция асосидаги таълимнинг жорий этилиши;

— таълим жараёнининг нуқсон даражаларини инобатга олган ҳолда ташкил этилиши;

— болаларни мактабга тайёрлаш масалалари, бу борада оила билан ҳамкорликдаги ишлар;

— махсус мактабгача таълим муассасаларига раҳбарликнинг ўзига хослиги.

Қуйида махсус мактабгача таълим муассасаларида 2004-2005 ўқув йилида қўллашга тавсия этиладиган методик адабиётлар рўйхати берилади:

1. Ш.Болтаева, Ш.Шермуҳамедованинг махсус МТМларнинг катта гуруҳ тарбиячи ва логопедлари учун "Учинчи минг йилликнинг боласи дастури асосида тузилган йиллик иш режа"си, 2003 йил.
2. Х.Колбаева, Х.Тошмуҳамедова, Д.Султонова ва бошқаларнинг эшитишда камчилиги бўлган мактабгача ёшдаги болалар учун "Давлат таълим талаблари лойиҳаси", 2003 йил.
3. Л.Мўминова, Ш.Болтаева, А.Сидорова, Н.Казанцоваларнинг "Проект государственных образовательных требований для дошкольных учреждений с задержкой психического развития" қўлланмаси, 2003 йил.
4. И.Веретенникова, Р.Шомаҳмудова ва бошқаларнинг "Проект государственных образовательных требований для дошкольных учреждений" қўлланмаси, 2003 йил.
5. Р.Шомаҳмудованинг "Болалар нутқидаги нуқсонларни бартараф этиш" қўлланмаси, 2003 йил.
6. Д.Нуркелдиева, Н.Ҳакимова, З.Омароваларнинг "Нутқида нуқсони бўлган мактабгача ёшдаги болаларни махсус ўқитиш ва тарбиялаш Давлат талаблари", 2003 йил.
7. Н.Ҳакимова, Д.Нуркелдиева, М.Ҳамидоваларнинг "Ақлий ривожланиши орқада бўлган мактабгача ёшдаги болалар учун Давлат таълим талаблари", 2003 йил.
8. Р.Шомаҳмудова, Х.Колбаевларнинг "Нутқида нуқсони бўлган болаларни ташхис қилиш" тавсияномаси, 2001 йил.
9. Ф.Ҳусанова, Д.Муҳамедова, М.Ўринбоеваларнинг "Мактабгача ёшдаги таянч ҳаракат аъзолари бузилган болалар учун таълим дастури", 2003 йил.
10. Ш.Болтаева ва бошқаларнинг "Эшитишида нуқсони бўлган болаларга мўлжалланган давлат таълим талаблари", 2004 йил.
11. Н.Ҳакимова ва бошқаларнинг "Кўришида нуқсони бўлган болаларга мўлжалланган давлат таълим талаблари"нинг лойиҳалари, 2004 йил.

II. Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар мактаб-интернат ўқитувчилари, тарбиячилар шўъба йиғилиши учун тахминий мавзулар:

1. Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болаларни ўқитиш ва тарбиялаш, теварак-атрофдаги борлиқни идрок қилишда сақланган анализаторлардан фойдаланиш кўникмасини ривожлантириш.
2. Кўзи ожиз болаларнинг математик тасаввурини шакллантириш (иш тажрибасидан).
3. Бошланғич синф ўқувчиларини теварак-атроф билан таништиришда кўргазмалиликнинг аҳамияти.
4. Кўзи ожиз болалар мактабларида адабиёт дарсларини ўтишда миллий ва маданий меросимиз материалларидан фойдаланиш.
5. Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш ва касбга йўналтириш.
6. Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болаларга ўзбек тили ўқитишда қўлланиладиган услублар ва уларнинг самарадорлиги (рус синфларида).
7. Кўзи ожиз болаларга одоб-ахлоқ, меҳру мурувват борасида олиб борилиадиган иш мазмуни ва услуби (иш тажрибаси).
8. Кўзи ожиз болалар мактабида эстетик тарбияни амалга оширишда миллий меросимиздан келиб чиқиш.
9. Математика дарсларида замонавий компьютер техникасидан фойдаланиш имкониятлари.
10. Кўзи ожиз болаларни ижтимоий-маиший ҳаётга тайёрлаш босқичлари.
11. Кўзи ожиз болалар мактабида факультатив машғулотларнинг мазмуни ва уни олиб бориш услублари.
12. Лотин ёзувига асосланган янги "Брайл" алифбосини таълим жараёнига жорий этиш.

Дастурлар:

1. Н.Григорянц, Д.Раҳмонованинг кўзи ожиз болаларнинг 1—4-синфларига мўлжалланган "Предмет тасаввурларини шакллантириш ва кўриш идрокини ривожлантириш" қўлланмаси, 2004 йил.
2. Н.Григорянцнинг 1—8-синфларга мўлжалланган "Мўлжалга олиш ва эркин ҳаракатланиш" қўлланмаси, 2004 йил.
3. Т.Саидакбарованинг 5—10-синфлар учун "Меҳнат таълими" дастури, 2004 йил.
4. Т.Саидакбарова, М.Икромовларнинг 1—10-синфлар учун "Ижтимоий-маиший йўналиш" қўлланмаси, 2004 йил.

Брайл белгили дарсликлар:

1. 5-синф "Адабиёт", 2004 йил.
2. 6-синф "Она тили", 2004 йил.
3. 6-синф "Адабиёт", 2004 йил.
4. 7-синф "Она тили", 2004 йил.
5. 7-синф "Адабиёт", 2004 йил.
6. 8-синф "Она тили", 2004 йил.
7. 8-синф "Адабиёт", 2004 йил.
8. 9-синф "Адабиёт", 2004 йил.

III. Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернат муассасалари шўъбаси:

1. Заиф эшитувчи болаларни саводга ўргатишнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Кар болаларни талаффузга ўргатишнинг ўзига хос хусусиятлари (ўзбек тилида).
3. Заиф эшитувчи болаларнинг эшитиш қобилиятини ривожлантириш машғулотларига нутқ материалини танлаш.
4. Кар болаларнинг қобилиятини ривожлантиришда эришилган ютуқлар ва учрайдиган муаммолар.
5. Кар болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш йўллари ва услублари.
6. Мактабгача ёшдаги кар ва заиф эшитувчи болалар ўйин ҳаракатини ривожлантириш жараёнида сўзлашишга ўргатиш.
7. Заиф эшитувчи болалар мактабларининг бошланғич синфларида тилнинг грамматик қурилишини шакллантириш.
8. Заиф эшитувчи болалар мактабларида қўл меҳнати дарсларини олиб бориш хусусиятлари.
9. Кар болалар мактабининг 0—1-синфларида математика дарсларини олиб бориш хусусиятлари.
10. Кар ва заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатларида замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш масаласи.
11. Кар болалар мактабида адабиёт дарсларини ўтишда ўқув материалини танлаш.
12. Кар болалар мактабида давлат тилининг ўргатилиши (иш тажрибасидан).

Дастурлар:

1. Н.Дадахўжаева ва У.Файзиеванинг "Лотин ёзувига асосланган ўзбек дактилемасини жорий этиш" методик тавсияномаси, 2004 йил.
2. Н.Дадахўжаеванинг "Махсус таълимга замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш ва тарқатма дидактик материаллар намуналари" методик тавсияномаси, 2004 йил.
3. В.Қаюмованинг тайёрлов — IV синфлар учун "Она тили" дастури, 2004 йил.
4. Х.Самадованинг 1—2-синфлар учун "Атроф-муҳит билан танишув дастури", 2003 йил.
5. Х.Самадова, М.Холмуҳамедованинг 1—6-синфлар учун "Одобнома" дастури, 2003 йил.
6. Х.Самадова, М.Холмуҳамедованинг 3—4-синфлар учун "Табиатшунослик" дастури, 2003 йил.
7. Ф.Исмоилованинг 1—4-синфлар учун "Чтение с губ" дастури, 2003 йил.
8. Ф.Исмоилованинг 2—4-синфлар учун "Развитие самостоятельной письменной речи для школ слабослышащих и позднооглохших детей" дастури, 2003 йил.

Дарсликлар:

1. Ж.Ҳусанова, 1—2-синфлар учун "Тўғри гапирайлик", 2004 йил.
2. Ж.Ҳусанова, 0—1-синф учун "Расмли қўл алифбоси", 2004 йил.
3. Н.Дадахўжаева, 2-синф учун "Математика", 2004 йил.

4. М.Холмуҳамедованинг 3-синф учун "Нутқ ўстириш", 2004 йил.

5. Х.Самадованинг 4-синф учун "Ўқиш китоби", 2004 йил.

IV. Руҳий ривожланиши сустлашган, таянч ҳаракат аъзолари шикастланган болалар махсус мактаб ходимлари шўъбаси:

1. Давлат таълим стандартлари асосида янги дастурлар бўйича олиб борилган иш натижалари (ўқитувчиларнинг фикри).

2. Бошланғич синфларда математика дарсларида қўлланиладиган услублар.

3. Бошланғич синфларда дастурда берилган мавзуларнинг ўзлаштирилиши.

4. Она тили, математика, теварак-атроф билан таништириш дарсларида коррекцион ишларнинг олиб борилиши.

5. Ҳаракат мувозанати бузилган болаларни ўқитишда ҳимояловчи шароитни сақлаш.

6. Ҳаракат мувозанати бузилган болаларни касбга йўллаш ва меҳнат фаолиятига тайёрлаш (иш тажрибасидан).

V. Ёрдамчи мактаб шўъбаси:

1. Ёрдамчи мактабларда Давлат таълим стандартларини мослаштиришдан келиб чиқадиган талаблар муҳокамаси.

2. Ёрдамчи мактабда логопедик ёрдамнинг уюштирилиши ва аҳамияти.

3. Ақли заиф болаларни ижтимоий-маиший ҳаётга ва турмушга тайёрлаш борасида қилинаётган ишлар (иш тажрибасидан).

4. Ёрдамчи мактабларнинг рус синфларида ўзбек тилида сўзлашиш, иш қоғозларини ёзиш, кўникмаларни ҳосил қилиш услублари.

5. Синфдан ташқари вақтда ўтказиладиган "Меҳру мурувватли бўлайлик", "Гамхўрликнинг ўзи ҳам шифодир" мавзусидаги тадбирларда миллий одоб-ахлоқ намуналарини шакллантириш.

6. Ёрдамчи мактабларда табиатшунослик дарсларида ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш.

7. Ёрдамчи мактаб тарбиячиларининг илғор иш тажрибаси муҳокамаси.

8. Ёрдамчи мактабларда тарбиячиларнинг иш тажрибаси.

9. Тарих дарсларига мавзу танлаш ва ақли заиф ўқувчиларга мослаштириб ўтиш имкониятлари (иш тажрибасидан).

10. Ақли заиф болаларда эстетик дидни тарбиялаш (иш тажрибасидан).

11. Математик тушунчаларни шакллантиришда янги услуб ва иш шаклларидан фойдаланиш (иш тажрибасидан).

12. Ёрдамчи мактаблар ўқув режасига муносабат.

Ёрдамчи мактаблар учун дарсликлар:

1. М.Ғуломов ва бошқалар, 1-синф "Ёзув дафтари" (1,2,3 қисм), 2004 йил.
2. М.Қаҳрамонова, 1-синф "Алифбе", 2004 йил.
3. Р.Шомаҳмудова, 2-синф "Русский язык", 2004 йил.
4. Ф.Музаффарованинг 3-синф "Ўқиш китоби", 2004 йил.
5. У.Умарова, 4-синф "Тикувчилик", 2004 йил.
6. Ф.Назарова, 5-синф "Жонсиз табиат", 2004 йил.
7. З.Солиева ва бошқалар. 6,7-синф "Она тили", 2004 йил.
8. А.Ахатов ва бошқалар. 7,8,9-синф "Математика", 2004 йил.
9. Ф.Назарова, 7-синф "Табиатшунослик", 2004 йил.
10. М.Хўжаева, 8-синф "Ўқиш китоби", 2004 йил.
11. С.Азимов, 8,9-синф "Дурадгорлик", 2004 йил.
12. Р.Шомаҳмудова, "Бошланғич синф ўқувчиларида нутқ нуқсонларини бартараф этиш", 2004 йил.
13. Н.Ҳакимова, "Саводга ўрганамиз", 2004 йил.

VI. Умумий таълим мактаблар қошидаги логопедик ёрдам хоналар логопедлари шўъбаси:

1. Ўқувчилар талаффузида учрайдиган нуқсонлар таҳлили.

2. Нутқида нуқсони бўлган болалар билан ишлаш режасини тузиш (иш тажрибасидан).

3. Логопед ўқитувчиларининг малакасини оширишда шаҳар методбирлашмасининг ўрни.

4. Нутқи умумий ривожланмаган гуруҳларда олиб бориладиган педагогик коррекцион (тузатиш) иш услублари;

5. Талаффузида нуқсони бўлган болаларнинг оғзаки нутқини ривожлантириш.

6. Логопедик машғулотларда кўргазмали ва техник воситалардан фойдаланиш;

7. Нутқида нуқсони бўлган болалар билан машғулот олиб боришда қўлланиладиган нутқ материаллари.

8. Якка ва гуруҳ машғулотларини ташкил этиш услублари.

9. Ёзиш ва ўқишда камчилиги бўлган (дизграфик) болалар билан ишлаш усуллари.

10. Талаффузида нуқсони бўлган болаларнинг саводхонлигини оширишда логопеднинг ўрни.

11. Болалар нутқидаги камчиликларни аниқлаш омиллари ва иш услуби.

12. Умумий таълим мактабларидаги методик ишни ташкил қилишда ўқитувчи ва логопеднинг ҳамкорлиги.

Махсус мактаб (мактаб-интернат)ларда таълим жараёни 2004-2005 ўқув йили учун ишлаб чиқилган ўқув режалар, тушунтириш хатлари талаблари асосида ташкил этилади.

2004-2005 ўқув йилида махсус таълимнинг барча йўналишлари бўйича яратилган давлат таълим талаблари тажриба майдонларида синовдан ўтказилади.

2004-2005 ўқув йилида махсус мактабларнинг барча йўналишлари (ёрдамчи мактаблар бундан мустасно) бўйича мактаб, мактаб-интернатларнинг 1—9-синфлари давлат таълим стандартлари талаблари асосида яратилган дастур ва қўлланмалар, 10—11-синфлар, шунингдек, ёрдамчи мактабларнинг 1—9-синфлари амалдаги дастурлар асосида ўқитилади.

Барча шўъбаларда замонавий педагогик технологиялар ҳақида сўз юритиш тавсия этилади. Бунда асосан андозали дарс, унинг босқичлари ҳақида мунозара ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, андозали дарс 3 та босқичдан иборат бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Даъват босқичи (ақлий ҳужум).
2. Англаш босқичи.
3. Фикрлаш босқичи.

Анъанавий дарс юритиш жараёни англаш босқичи билан чегараланади. Яъни, асосий мақсад болага билим бериш ва у шу билимларни англаб олиши етарли ҳисобланади.

Шуни айтиш жоизки, ҳозирги даврда замонавий педагогик технологиялар асосида ўқувчиларга асосий мақсад билим бериш эмас, уларнинг умумий ривожланишини таъминлаш, яъни мантиқий, танқидий, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш зарур. Бунда билим бериш якуний мақсад эмас, балки восита бўлиб хизмат қилади. Билим бериш орқали алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган болаларнинг ақлий, психологик ривожланишини таъминлаш зарур.

Даъват босқичида ўқитишнинг шундай стратегиялари (методлари)дан фойдаланиш лозимки, бунда ўқувчи мавзуга қизиқиб кетганини, сингиб кетганини ўзи ҳам сезмай қолади. Яъни, шундай муҳит яратиладики, ўқувчининг ўзи ўз ҳоҳиши билан қизиқиб мавзуга киришиб кетади.

Англаш босқичида шундай тарқатма материаллар тайёрланган бўлиши керакки, уларда мавзу ҳақида энг асосий маълумотлар тўпланган бўлиб, ўқувчининг ёш хусусиятлари ҳисобга олинган бўлади. Бу маълумотларни ҳар бир ўқувчи албатта ўқиб оладиган бўлиши таъминланади. Бу босқичда ҳар бир ўқувчи онгли равишда мавзуни эгаллаб боради. Иш шу билан тугамайди. Мавзу бўйича эгалланган маълумотлар юзасидан мунозаралар, муҳокамалар, дебатлар ташкил этилади. Бу фикрлаш босқичидир. Айнан фикрлаш босқичи ўқувчининг ҳар томонлама ривожланишини, танқидий, мустақил тафаккурини ривожлантиради.

МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ

Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялашда меҳнат таълими дарсларининг аҳамияти каттадир. Шу боис, 2004-2005 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни "Меҳнат таълими" фанининг ДТС ва ўқув дастурлари асосида ақлий ва жисмоний меҳнат турлари, амалий, назарий жараёнлари, касблар билан таништириш лозим. Мақсад эса, ўқувчиларни "Меҳнат таълими" фанининг аҳамиятини тушунишга ўргатиш ҳамда касб танлашга тайёрлаш орқали уларнинг касбга тайёргарликларини синашдан иборат.

"Меҳнат таълими" фани бўйича ДТС ва ўқув дастури амалиётчи ўқитувчилар томонидан таҳлил қилинди ва уларга илмий асосланган ҳолда қўшимча ҳамда аниқликлар киритилиб, натижалар асосида таклифлар тайёрланди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида умумтаълим мактабларидаги 10—11-синфларни 2009 йилгача ҳисобга олган ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари ҳамкорлигида умумтаълим мактабларида меҳнат таълими ва касб таълими билан узвий боғланиши режалаштирилди. Мактабда касб танлашга йўналтириш ишларини олиб боришда таълим-тарбия жараёнида қўлланиладиган анъанавий усуллардан ташқари, ноанъанавий усуллардан фойдаланиш тавсия этилади.

"Меҳнат таълими" дарсларида 2004—2005 ўқув йилида фойдаланишлари мумкин бўлган қуйидаги ўқув қўлланмалар тавсия этилади:

1. Умумий ўрта таълим мактабларининг меҳнат таълимидан газлама, ёғоч, металга ишлов бериш технологияси, пазандачилик, қишлоқ хўжалик асослари йўналишлари бўйича тахминий мавзудаги режалар тўплами (5—9-синфлар), Т., 2002 йил.

2. Умумий ўрта таълим мактабларининг меҳнат таълимидан режалар тўплами (10—11-синфлар). Т., 2003 йил.

3. "Хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитария қоидалари" (методик йўриқнома), Т., 2002 йил.

4. "Меҳнат таълими дарсларига технологик ёндашув", "Маърифат" газетаси, 2003 йил 2 июль.

5. «Самарали ҳамкорлик мақсадлар муштараклигини англатади», "Маърифат" газетаси, 2003 йил 4 январь.

6. 5—7-синф меҳнат таълими дарсларида бадиий-конструкторлик фаолиятининг мазмуни. Методик тавсиянома.

7. "Зардўзлик", услубий қўлланма (5—7-синфлар учун) Т., 2002 йил.

8. Умумий ўрта таълим мактаблари тўгараклари намунавий дастурлар. Услубий қўлланма. Т., 2003 йил.

9. Меҳнат таълими устахоналари учун ДТС га мувофиқ кўргазмали қуроллар рўйхати.Т., 2002 йил.

Янги педагогик технология таълим тизимининг рационал йўлларини ишлаб чиқувчи ва лойиҳалаштирувчи жараён бўлиб, унда ўқитувчи асосий масъул ҳисобланади.

Шўъба йиғилишларида ўқитишнинг янги усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, "Кичик гуруҳларда ишлаш", "Баҳс-мунозара", "Ақлий ҳужум", "Зинама-зина", "Ривожлантирувчи", "Мужассамлаштирилган" ва ҳоказо.

Шўъба йиғилишларида муҳокама учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. "Меҳнат таълими" фанида илғор педагогик технологиялар.

2. Мактаб "Меҳнат таълими" фан хонасига қўйиладиган талаблар, улардан фойдаланиш ва хонани жиҳозлаш.

3. Ясама дидактик материаллар яратиш ва "Меҳнат таълими" фани жараёнида қўллаш тажрибаси.

4. Ўқувчиларни мустақил, ижодий ишлашга ўргатиш.

5. Меҳнат таълими дарсида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўрик-танловини ташкил этиш иш тажрибаси.

6. Дарсни ташкил этишда ахборот технологиясидан самарали фойдаланиш.

7."Меҳнат таълими" фани йўналишлари бўйича машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказишда маҳаллий шароит ҳамда ва имкониятларни ҳисобга олиш йўллари.

Мактабларда "Меҳнат таълими" ўқитувчилари пулли хизмат кўрсатишни ташкил этишлари шарт. (Мини-ателье, мини-кондитер, дурадгорчилик, темирчилик цехлари). Ундан тушган маблағлар ёрдамида устахонани жиҳозлаш ёки таъмирлаш ишларини бажариш лозим.

Устахона, ферма, ишлаб чиқариш корхонаси, қишлоқ хўжалиги экинзорларида амалий машғулотларни меҳнат жараёнида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчиларни касбга йўналтириш учун мактаб ихтиёридаги берилган соатлардан фойдаланиш мумкин.

2004—2005 ўқув йилида 11-синфларда меҳнат таълими дарсларида ўқувчиларни ёғоч, металга ишлов бериш, ҳаётга тайёрлаш учун бичиш-тикиш, пазандачилик, тадбиркорлик касбига йўналтириш, қишлоқ хўжалик асосларига оид билимларни такомиллаштирилган шаклда ўқув дастури яратилган.

"Меҳнат таълими" фани бўйича сифат кўрсаткичларининг юқори бўлиши, самарадорлигининг оширилишига фан хонаси бўлиши ва ДТС талаблари асосида жиҳозланишининг аҳамияти катта. "Меҳнат таълими" фани устахоналари тўғрисида 5 та йўналиш бўйича методик тавсия тайёрланди. Тайёрланган методик тавсияда қуйидагиларга эътибор берилди:

— фан хонаси(устахонаси) ДТС талабларига мувофиқ тўлиқ ишлаши учун минимал зарур бўлган мебель ва махсус жиҳозлар рўйхати;

— мазкур мебель ва махсус жиҳозларни ўқув фан ёки хизмат хонасида жойлаштириш чизма лойиҳаси;

— мазкур хонанинг ҳар бир деворини безатиш учун алоҳида чизма лойиҳалари (развёртка);

— хизмат хоналари учун зарур бўлган стендлар тавсифи, уларнинг мазмуни ва безатилишига қўйиладиган талаблар.

"Milliy istiqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar" fanining o'qitilishi uchun qo'yiladigan eng muhim talablardan biri har bir darsda tanlanadigan mavzuning ilmiy asoslangan bo'lishidir.

«МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР»

2004-2005 ўқув йили анъанавий август кенгашларида "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" туркумига кирувчи "Одобнома" (1-4 синфлар), "Ватан туйғуси" (5-6 синфлар), "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" (7-9 синфлар) фанларини ўқитиш бўйича интерфаол усулларни қўллаш, амалда қўлланилаётган ва янги яратилган ўқув қўлланмаларнинг мазмун-мундарижаларини ўрганиш ва таҳлил этиш тавсия этилади.

Умумтаълим мактаблари учун "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича яратилган барча ўқув дастур, режа ва ўқув қўлланмалар ўқувчиларнинг ёшлари, психологик хусусиятлари, ўзлаштириш даражалари ҳамда узлуксизлик, узвийликнинг таъминланиши эътиборга олинган ҳолда етук мутахассислар, тажрибали амалиётчи ўқитувчилардан иборат эксперт гуруҳи аъзолари томонидан қайта кўриб чиқилди.

Билдирилган фикрлар умумлаштирилиб, таҳлиллар асосида берилган таклифлар бўйича ўқув қўлланмаларга муаллифлар томонидан тузатишлар киритилди ва нашриётларга топширилди.

Русийзабон мактабларининг 1-4-синфлари учун "Азбука этики" (муаллиф: В.Костецский, Е.Ким), 6-синф учун "Чувство Родины" (муаллиф: В.Костецский ва б.) ўқув қўлланмалари тайёрланди ва нашр этилмоқда. 7-8-9-синфлари учун "Идеология национальной независимости и основы духовности" ўқув қўлланмалари муаллифлар томонидан тайёрланди. Янги ўқув йилидан бошлаб мазкур қўлланмалар амалиётга жорий этилади. Шунингдек, русийзабон мактабларининг 10-11-синфларида дарс машғулотларини олиб бориш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими Маркази, Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти томонидан тайёрланиб, "Янги аср авлоди" нашриёт-матбаа марказида чоп этилган "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" курси бўйича рус тилида яратилган вариантидан фойдаланиш тавсия этилади.

2004-2005 ўқув йили режасига мувофиқ "Одобнома" дарсларига 1-4-синфларнинг ҳар бир синфи учун ҳафтасига 1 соатдан жами, 34 соат ажратилган (1-4-синфлар учун жами 136 соат).

5—6-синфларда "Ватан туйғуси" фани ҳафтасига 1 соатдан жами 68 соат, 7-9-синфларда "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фанидан ҳафтасига 1 соатдан жами 102 соат, 10-11-синфларда "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" курсига мазкур фан компоненти ҳисобидан 17 соатдан жами 34 соат дарс юкламалари топширилган. "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини ўқитилишини тўғри ташкил этиш, бу борада таълим-тарбиянинг анъанавий ва замонавий усулларидан самарали фойдаланиш тавсия этилади. Жумладан, "Одобнома" фани бўйича дарс бериш жараёнида ўқитувчилар ҳар бир мавзуга ижодий ёндашган ҳолда илғор педагогик технология элементларидан ўринли фойдаланиб, ноанъанавий, яъни суҳбат, баҳс-мунозара, эртаклар, ўйинлар, саёҳат, давра суҳбатлари, саҳна кўринишлари тарзида ташкил этишлари мумкин. Дарс мавзуларини баён этишда тарбиявий аҳамиятга эга бўлган муқаддас манбаларимиз бўлмиш Қуръони Карим, Ҳадиси шариф намуналаридан, достон, ривоят ва ҳикматлардан, Носир Ҳисравнинг "Саодатнома" Абу Али ибн Синонинг "Донишнома", шунингдек, ҳозирги замон болалар шоир ва ёзувчиларининг истиқол даврида яратган асарларидан унумли фойдаланиш лозим. Фанлараро узвийликка эътибор бериш, амалий, ижодий машғулотларни кўпроқ киритиш, бу борада маҳоратли ўқитувчиларнинг ижодий иш тажрибаларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

"Ватан туйғуси", "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" ўқув фанининг ўқитилишида замонавий ўқитиш технологияси имкониятларидан, янги педагогик технологиянинг илғор, таъсирчан воситаларидан, инновацион усуллардан, ноанъанавий методлардан иборат бўлган "Конференция дарси", "Семинар дарси", "Ўйлаб топ" (Эврика), "Касбга боғлаб, дарс ўтиш", "Баҳс-мунозара дарси", "Заковат", "Саёҳат" каби машғулотларни ташкил этиш лозим.

"Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанининг ўқитилиши учун қўйиладиган энг муҳим талаблардан бири ҳар бир дарсда танланадиган мавзунинг илмий асосланган бўлишидир. Яъни, дарс жараёнида ўқувчилар имкониятини ҳисобга олган ҳолда мавзу ҳажмини белгилаш, унинг мураккаблигини аниқлаш, ўтилган мавзу билан боғлаш, ўқувчиларга бериладиган топшириқ ва мустақил ишларнинг кетма-кетлигини аниқлаш, дарсда керак бўладиган жиҳозларни белгилаш ҳамда қўшимча кўргазмали қуроллар билан бойитишдир. Шунингдек, қўшимча ахборот технология (компьютер)-ларидан ўринли фойдаланган ҳолда дарсда муаммоли вазиятни яратишдир.

"Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини ўқитишнинг самарадорлигини таъминлаш учун қуйидаги асосий талабларга амал қилиш лозим:

— ёшлар онгида ғоялар ҳақида тўлиқ тасаввурни шакллантириш, ўз маъно-моҳиятига кўра ғояларнинг бунёдкор ёки вайронкор бўлиши ҳақида тўғри билимлар ҳосил қилиш;

— миллий истиқлол ғоясининг инсонпарварлик моҳиятини кўрсатиш асосида мустақилликнинг муқаддас қадрият эканлиги, уни асраб-авайлаш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи эканлигини ўқувчиларнинг қалби ва онгига сингдириш;

— ёшлар орасида миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишлари пайдо бўлишига йўл қўймаслик, таълим-тарбия жараёнида умуминсонийлик устуворлиги тамойилларига оғишмай амал қилишга алоҳида эътибор бериш;

— дарс режаларини тузиш ва машғулотларни олиб боришда педагогик-психологик меъёрларга жиддий аҳамият бериш, бунда ўқувчиларнинг ёши, тафаккури, дунёқараши ҳамда қизиқишларини эътиборга олиш;

— мазкур фаннинг ўқитилиш жараёнини кузатиш, таҳлил қилиш асосида уни илғор шакл ва усуллар билан такомиллаштириб бориш.

10-11-синфларда дарс машғулотларини олиб бориш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими Маркази, Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти томонидан тайёрланиб, "Янги аср авлоди" нашриёт-матбаа Марказида чоп этилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" ўқув фани бўйича яратилган қўлланмадан ҳамда "Меҳнат" нашриёти томонидан 2002 йилда чоп этилган "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" курси бўйича умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синфлари учун тажрибавий ўқув дастуридан фойдаланиш тавсия этилади. Дарс жараёнида қўшимча манба сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан, тарихий алломаларимизнинг бой меросларидан, Президентнинг маънавий ва маърифий йўналишдаги асарларидан, шунингдек, ХТВ, РТМ томонидан тайёрланиб чоп этилган "Ўзлигини англаган халқ", "Ўзбекистон — ягона Ватан", "Наврўзинг муборак Ўзбекистоним", "Ҳеч кимга бермаймиз, сени Ўзбекистон", "Ҳақ олинур, берилмас" каби методик қўлланмалардан фойдаланиш тавсия этилади.

Шу билан бирга Республика фан ва технологиялар маркази, Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти томонидан тайёрланган "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар ва атамалар қисқача изоҳли тажрибавий луғат" дан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

2004-2005 ўқув йилида "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" туркумига кирувчи фанлар бўйича дарсларни ташкил этишда қуйидаги қўшимча адабиётлардан фойдаланиш тавсия этилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти. Фото альбом. Тошкент. "Ўзбекистон", 1998 йил.
2. "Вайронкор ғояларнинг жамият ривожига таъсири". Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясида белгиланган устувор йўналиш ва тамойиллар асосида. (Президент И.Каримовнинг 2002 йил 29 августдаги маърузаси).
3. Президент Ислом Каримовнинг Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси ўн тўртинчи сессиясида "Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз кучқудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ" маърузаси. 2004 йил 29 апрель.
4. И.Каримов. "Баркамол авлод орзуси". Т."Шарқ", 1997 йил
5. И.Каримов. "Ўзбекистон буюк келажак сари". Т. "Ўзбекистон", 1998 йил
6. И.Каримов. "Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура" 1-жилд. Т. "Ўзбекистон", 1996 йил
7. И.Каримов. "Биздан озод ва обод Ватан қолсин". 2-жилд. Т. "Ўзбекистон", 1996 йил.
8. И.Каримов. "Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир". 3-жилд. Т. "Ўзбекистон", 1996 йил
10. Имом ал-Бухорий. "Адаб дурдоналари". Т. "Ўзбекистон", 1990 йил.
11. Т.Содиқова. "Ҳазрати аёл". Т. Ғафур Ғулом, 1999 йил.
12. Кайковус. "Қобуснома", Т. "Истиқлол" 1994 йил
13. Т.Содиқова. "Меҳр қолур". Т. "Меҳнат", 1997 йил.
14. Ж.Ҳасанбоев ва О.Ҳасанбоева. "Маънавий, ахлоқий тарбия асослари". Т. Ғ.Ғулом. 2000 йил.
15. Сафо Очил. "Одоб — инсон зийнати". Т. 2000 йил.
16. О.Ҳасанбоева. "Одоб чаманзори", Тошкент, 1998 йил.
17. А.Авлоний. "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ". Т. «Ўқитувчи». 1993 йил.
18. М.Қуронов. "Мафкура, таъсирчанлик ва услуб". «Маънавият», 2000 йил.
19. Н.Қувватов. "Ўқувчиларда миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда интерфаол методлар", "Узлуксиз таълим" журнали. 2001 йил 2-сон.
20. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти томонидан яратилган Миллий истиқлол ғояси туркумига кирувчи фанлар бўйича рисолалар. "Ижод дунёси", 2002 йил.
21. Г.Ибрагимова. "Ҳақ олинур, берилмас" қўшимча методик қўлланма. "Аср матбуоти" нашриёти, 2003 йил.
22. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти томонидан яратилган. «Миллий истиқлол ғояси» туркумига кирувчи фанлар бўйича рисолалар. Муаллифлар гуруҳи. Т., "Ижод дунёси" нашриёт уйи, 2002 йил.
23. Н.Қувватов. "Ўқувчиларда миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда интерфаол методлар", "Узлуксиз таълим" журнали. 2001 йил, 2-сон.
24. М.Қуронов. "Мафкура, таъсирчанлик ва услуб". Т., "Маънавият", 2000 йил.
25. Зуҳриддин Ҳуснидинов. "Ислом ва мазҳаблар". Т., "Маънавият", 2000 йил.
26. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. Т., "Маънавият", 2000 йил.

"Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани ўқитувчиларининг шўъба йиғилишларида муҳокама этиш учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

Шўъба йиғилиши мавзуларини танлашда йил давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинган ҳолда асосий эътибор методик хизматга қаратилмоғи лозим. Бу борада мазкур фан ўқитувчилари таълим-тарбияга оид қуйидаги мавзулар бўйича давра суҳбатлари ёки семинар-тренинглар ўтказишлари тавсия этилади.

1. "Одобнома" дарсларида миллий истиқлол ғояларини амалга ошириш методикаси.
2. "Одобнома" дарсларида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил қилиш тажрибасидан.
3. Болани одобли қилиб тарбиялашда ота-оналарнинг саводхонлигини ошириш восита ва методлари.
4. "Одобнома" ўқитувчисининг шахсий ва касбий маҳорати.
5. "Одобнома" дарсларида ўзликни англатувчи тарихий мавзуларни ўтишнинг ўзига хослиги.
6. "Ватан туйғуси" фани бўйича ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш.
7. "Ватан туйғуси" фанининг ўқитилишида янги педагогик технология ва интерфаол усуллардан фойдаланиш.
8. Ватанпарварлик, юртга садоқат, халқпарварлик каби фазилатларни шакллантиришда мактаб, оила, маҳалла ва кенг жамоатчиликнинг ўрни.
9. Миллий истиқлол ғояси асосидаги янгича дунёқарашни шакллантириш таълим тизимидаги изчил ва узлуксиз жараён эканлигини ўқувчилар онгига сингдириш.
10. Президентимиз асарлари – ҳаётимиз дастури эканлигини дарс мавзулари баёнига сингдириб бориш.
11. Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Бош Қомус эканлиги борасида интерфаол усуллардан ташкил этилган илғор иш тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш.

12. "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини ўқитишни ёшларнинг маънавий юксалишига таъсирини аниқлаш ва назорат қилиш механизми Низоми асосида яратилган тавсияларни амалиётга жорий этиш.

13. "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фан хонасининг жиҳозланиши.

14. Мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгариш ва янгиланишлар моҳиятини ёш авлод қалбига сингдириш орқали, уни бу жараённинг фаол иштирокчисига айлантиришда ўқитувчининг ўрни.

15. "Вайронкор ғояларнинг жамият ривожига таъсири". Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясида белгиланган устувор йўналиш ва тамойиллар асосида. (Президент И.Каримовнинг 2002 йил 29 августдаги маърузаси).

16. Диний экстремистик оқим ғояларининг асл мақсадларини очиб беришда ўқитувчининг роли.

17. Президент Ислом Каримовнинг Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси ўн тўртинчи сессиясида "Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ" мавзусидаги маруза мазмунини амалиётга жорий этиш.

Умумий таклифлар

Шўъба йиғилишларини юқори савияда ўтказишда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим.

Бу борада илғор ижодий тажрибаларни оммалаштириш, ушбу тажрибани маълум тезис сифатида нашр этиш, яъни, "Илғор тажрибалар" рукни остида жойларга етказилиши тавсия этилади. Шунингдек, мазкур фанлар бўйича дарсларни самарали ташкил этишда ҳамда пировард амалий натижасини кўришда ўқитувчи, ўқувчи, ота-она, маҳалла, қолаверса, кенг жамоатчиликнинг ҳамфикрлиги, умуман, ҳамкорлиги масалаларига кенг ўрин берилиши мақсадга мувофиқдир.

Анжуманда ўқитувчиларни ота-оналар билан ишлаш мавзуларига, шунингдек, мазкур фан ўқитувчиларининг малакасини ошириш муаммоларига, илғор ўқитувчилар ҳамда кўргазмали қуроллар банкини яратиш, дарс бериш жараёнида машғулотларнинг ноанъанавий, интерфаол шакл ва усулларига ижодий ёндашиш, мактаб моддий-техника базасини ривожлантириш, ўқитувчиларнинг замонавий техника воситаларидан, айниқса, электрон дарсликлардан фойдаланиш, таълим мазмунини такомиллаштириш, ёш ўқитувчиларга ёрдам бериш, мазкур фан хоналарининг жиҳозланишига оид масалаларга алоҳида эътибор бериш таклиф этилади.

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР

(тарих, ҳуқуқшунослик, иқтисодий билим асослари)

Анъанавий август кенгашларида тарих-ҳуқуқ йўналишидаги янгиликлар, мазкур фанларни ўқитиш бўйича илғор педагогик технологияларни қўллаш, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг янги авлодини таҳлил қилиш ва ўрганиш тавсия этилади.

2003—2004 ўқув йилида "Жаҳон тарихи" ва "Ўзбекистон тарихи" ўқув қўлланмаларини такомиллаштириш мақсадида республикамиз барча вилоятларининг биттадан туманларида 2003 йилда Халқ таълими вазирлиги томонидан умумий ўрта таълим мактаблари учун ўқув ва методик қўлланмалар яратиш бўйича ўтказилган танловда ғолиб чиққан 5-синф, «Тарихдан ҳикоялар» (муаллифлар Қ.Усмонов, У.Жўраев); 6-синф, "Тарих" (А.Сагдуллаев, В.Костецский) ўқув дастурлари ва қўлланмалар ҳамда ўқитувчилар учун методик қўлланмалар синовдан ўтказилди. Синов натижаларига кўра, мазкур қўлланмалар 2004—2005 ўқув йилида барча мактабларда фойдаланиш учун тавсия этилади.

Янги ўқув йилидан бошлаб 5-синфлар М.Мўйдинова ва Ф.Султонов томонидан яратилган янги дастур асосида 68 соат, 6-синфлар В.Костецский томонидан яратилган янги дастур асосида 68 соат тарих дарсидан билим оладилар.

"Жаҳон тарихи" 7—11-синфларда биринчи ярим йилликда ҳафтасига 1 соат, иккинчи ярим йилликда ҳафтасига 2 соатдан, "Ўзбекистон тарихи" 7—11-синфларда биринчи ярим йилликда ҳафтасига 2 соат, иккинчи ярим йилликда ҳафтасига 1 соатдан ўқитилиши тавсия этилади. 11-синфларда 68 соатлик дарс соатлари Халқ таълими вазирлигининг 2003 йил 24 июлдаги 8/2-сонли ҳайъат қарори(6-банди)га кўра, 2003—2004 ўқув йили давомида 9-синф умумий ўрта таълим ДТС ва ўқув юкламаларини қуйи синфларга қайта тақсимлаш билан ундаги зичликни камайтириш тўғрисида экспертлар томонидан берилган илмий таклифлар асосида камайтирилди. "Ўзбекистон тарихи"дан (Н.Жўраев ва б., 2004) 51 соатлик, "Жаҳон тарихи"дан (Г.Ҳидоятов ва б., 2004 й.) ҳам 51 соатлик дастур асосида дарс ўтилади. 2003—2004 ўқув йилида фойдаланишга тавсия этилган 11-синф ўқув қўлланмалари мазмун жиҳатдан ўзгармаган, фақатгина ўқитилиш соатлари қисқартирилган.

«ҲУҚУҚШУНОСЛИК» фани 2004-2005 ўқув йилида «Давлат ва ҳуқуқ асослари" таркибида асосий фанлар қаторида 10-синфда 34 соат, 11-синфда 34 соатлик дастур асосида ўқитилади.

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ 2004—2005 ўқув йилида 8—9-синфларда ДТС асосида яратилган дарсликлардан фойдаланган ҳолда, ҳафтада 1 соатдан ўқитилади. Шунингдек, 2004—2005 ўқув йилида 10—11-синфлар учун: «Амалий иқтисодиёт», Junior Achievement ўқув қўлланмаси, «Амалий иқтисодиёт», Junior Achievement машқлар тўплами, «Макроленд», «Иқтисодиёт ва бошқарувни моделлаштириш», Junior Achievement компьютер дастурлари; 6—9-синфлар учун: «Шахс иқтисодиёти», «Бизнес муаммолари», «Халқаро бозор», «Иқтисодиёт: мактаб ҳудудида», Junior Achievement ўқув-методик қўлланмалари; 5—7-синфлар учун "Иқтисодиётдан сабоқлар" (Э.Сариқов ва б.) ўқув қўлланмаларидан қўшимча қўлланма сифатида фойдаланиш ҳам тавсия этилади.

Ижтимоий фанлар(тарих, ҳуқуқ, иқтисод)ни ўқитишда ўқитувчилар учун тавсия этиладиган қўшимча адабиётлар:

1. И.Каримов. "Биздан озод ва обод Ватан қолсин". Т., "Ўзбекистон", 1996 й.
2. И.Каримов. "Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура". Т., "Ўзбекистон", 1996 й.
3. И.Каримов. «Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари». Т. "Ўзбекистон" 1995 й.
4. И.Каримов. «Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари». Т., "Ўзбекистон" 1996 й.
5. И.Каримов. "Баркамол авлод орзуси". Т., "Шарқ", 1999 й.
6. "Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида". Т., "Шарқ", 2000 й.
7. "Ўзбекистон тарихи" Қ.Усмонов ва бошқалар. Т., "Шарқ", 2002 й.
8. "Ўзбекистон тарихи". Ҳ.Бобобеков ва бошқалар. Т., "Шарқ", 2000 й.
9. "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси". Т., "Ўзбекистон", 2000 й.
10. "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2004 й.
11. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9 ва 14-сессиялар материаллари.
12. "Иқтисодиёт асослари" (А.Ўлмасов), ўқув қўлланма.
13. "Иқтисодий билим асослари" (Қ.Йўлдошев ва б.), ўқув қўлланма.
14. "Экономика JA" Junior Achievement, ўқув қўлланма ва машқлар тўплами.
15. "Основы экономики" (О.Лебедев ва б) ўқув қўлланма.
16. "Экономическая энциклопедия для детей и взрослых" (Б.А.Райзберг), қўлланма.
17. "Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг айрим жиҳатлари" (У.Хомутов), ўқитувчилар учун қўлланма.
18. "Мактабда иқтисодиёт ўқитишнинг фаол методлари ва шакллари" (Н.Троянова ва б.), методик қўлланма ва "Америка иқтисодий таълим миллий кенгаши" томонидан нашр этилган тўпламлар.

Шўъба йиғилиши мавзуларини танлашда йил давомида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилган ҳолда асосий эътибор методик хизматга қаратилмоғи лозим. Шуларни назарда тутган ҳолда шўъба йиғилишларига қуйидаги тахминий мавзулар тавсия этилади:

1. Ижтимоий фанларни илғор педагогик технологиялар асосида ўқитиш усуллари.
2. Ижтимоий фанларга оид дидактик материаллардан компьютер ёрдамида фойдаланиш.
3. Ижтимоий билимлар метод бирлашмаси иш фаолиятини такомиллаштиришда нималарга эътибор бериш керак?
4. Ижтимоий билимларни ўқитишда Олий Мажлис сессиялари материалларидан фойдаланиш.
5. Мактаб ижтимоий фанлар метод бирлашмаси ишларини юритиш.
6. Давлат ва ҳуқуқ асослари дарслари самарадорлигини оширишда амалий машғулотларнинг роли.
7. Ҳуқуқий тарбияни юксалтириш борасида соҳа йўналишидаги ташкилотлар билан ҳамкорлик.
8. «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — демократик давлат бошқарувининг асоси»
9. Ижтимоий билимларнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш орқали таълим самарадорлигини ошириш .
10. Ижтимоий фан кабинетларини жиҳозлашнинг ҳозирги замон талаблари.
11. Янги ўқув қўлланмалар билан ишлаш усуллари.
12. «Диншунослик» курси бўйича ўтказилган тажриба-синов натижалари.
13. «Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ». Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 14-сессиясида сўзлаган маърузаси.
14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг (14-сессиясида) Ўзбекистон фуқароларига мурожаатномасини ижтимоий фанлар мазмунига сингдириш.
15. «Иқтисодий билим асослари» фани бўйича ДТС ўқув дастурининг бажарилиши.
16. Иқтисодий таълим-тарбия беришда интерфаол усулларнинг аҳамияти.
17. «Иқтисодий билим асослари» фани дарсларида иқтисодий мероснинг ўрни.
18. Иқтисодий таълимда интеграция масалалари.
19. «Иқтисодий билим асослари» дарсларида Президент И.Каримов асарларидан фойдаланиш.
20. «Иқтисодий билим асослари» фанини ўқитишдаги илғор тажрибаларни оммалаштириш ва методик хизмат.
21. «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» курсларининг ташкил этилиши.
23. «Диний экстремистик оқимлар ғояларининг асл мақсадларини очиб беришда ўқитувчининг роли».
24. «Экстремизм ва фундаментализм — тараққиёт кушандаси».

Шўъба йиғилишларида яна бир эътиборни сиёсий-ижтимоий ислоҳотларнинг бориши, жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилаш йўлида олиб борилаётган ҳаракатларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришнинг асосий устувор йўналишларига қаратиш лозим.

Шўъба йиғилишлари оддий маърузалардан, қуруқ таҳлиллардан иборат бўлмасдан, балки унда ўқитувчилар фаол қатнашишлари ва илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этилиши тавсия қилинади.

Қуйида шўъба йиғилишларини ўтказишда қўллаш мумкин бўлган методлардан бирининг тахминий иш жараёни схемаси берилади.

Машғулот мавзуси: «Ўзлаштириш қийин бўлган мавзулар билан ишлаш».

Зарурий ўқув қуроллари: доска, бир-иккита ватман, фламастер, ручка, скотч, клей, қоғоз, фанга оид ўқув қўлланмалар.

Биринчи — мавзу танлаш босқичи.

Мустақил иш:

3-5 дақиқа ичида якка тартибда ўқитувчилар ўзлаштирилиши қийин деб ҳисоблаган бир неча мавзуни қоғозга туширадилар, ушбу жараён кичик гуруҳлар(3—5 дақиқа ичи)да муҳокама қилинади ва ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши қийин деб топилган 2 тадан 4 тагача бўлган мавзуларни қолдирадилар, сўнг ўқитувчилар икки гуруҳга бирлашадилар ва танланган мавзулар ичида энг долзарб деб топган битта мавзуни қолдирадилар. Иккала гуруҳнинг таклифлари умумлаштирилиб, доскада қайд этилади ва муҳокама қилиниб, битта мавзу қолдирилади.

Иккинчи — мавзу юзасидан гуруҳларда ишлаш босқичи.

Савол: Танланган мавзуни ўзлаштиришда ўқувчилар қандай муаммоларга дуч келишлари мумкин?

Танланган савол устида иштирокчиларнинг якка ишлашлари учун вақт берилади. Бунда иштирокчилар ўқувчиларнинг танланган мавзуда қандай муаммоларга тўхталишлари мумкинлиги тўғрисида фикрларини жамлашлари керак (3 минутдан 5 минутгача).

Иштирокчиларнинг кичик гуруҳларда, яъни, икки кишилик гуруҳларда иштирокини ташкил қилиш. Бунда иштирокчилар ўзлари томонидан танлаган муаммоларини биргаликда ҳал этадилар ва 5 тадан 3 тагача ўта долзарбини олиб қоладилар (3 минутдан 5 минутгача).

Иштирокчилар чорак гуруҳларга бирлашадилар. Бунда улар кичик гуруҳларда долзарб деб топган муаммоларини ўзаро солиштирадилар ва 3 тадан бештагача энг долзарбини танлаб оладилар.

Иштирокчилар иккита катта гуруҳга бўлинадилар ва чорак гуруҳларда долзарб деб топган муаммоларни солиштириб, ватманга умумлаштириб ёзадилар.

Ҳар бир гуруҳ лидери ўзлари томонидан умумлаштирилган муаммоларни досканинг бир томонига скотч билан ёпиштирадилар.

Иккала гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган муаммоларни иштирокчилар билан биргаликда солиштиришади ва ўхшашларини ва энг долзарб деб топилган 1 тадан 3 тагачасини танлаб оладилар.

Учинчи — танланган муаммо устида ишлаш босқичи.

Танланган муаммолар савол тариқасида иштирокчиларга берилади ва юқоридаги тартибда аввал якка ҳолда, сўнгра кичик гуруҳларда, чорак гуруҳларда, катта гуруҳларда ишлаб чиқилади. Бунда иштирокчиларнинг эътиборини қуйидаги саволларга қаратиш мумкин.

— Муаммоларни ҳал этишда қандай имкониятларга эгамиз?

— Қандай тавсиялар бериш мумкин?

— Қайси адабиётлардан фойдаланиш мумкин?

— Муаммоларни ҳал этишда ўқув қўлланма муаллифларига қандай таклифлар бериш мумкин?

Тўртинчи — ишлаб чиқилган тавсияларни умумлаштириш ва оммалаштириш юзасидан таклифлар ишлаш босқичи.

Ишлаб чиқилган тавсиялар умумлаштирилади ва оммалаштирилади.

Ishchi guruhlari tomonidan amaliyotchi o'qituvchilar, mutaxassislardan olingan fikr-mulohazalar umumlashtirilib, DTS va o'quv dasturlari mazmunini takomillashtirish yuzasidan takliflar berildi.

ГЕОГРАФИЯ

География ўқув фани бўйича Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг ҳаётга жорий этилиши жараёнида ўқувчилар географиянинг асосий курсларидан билим олиб, табиий география ҳамда ижтимоий-иқтисодий географияга доир бўлимлардан тўлиқ маълумотга эга бўладилар. Ўқувчиларга дунё давлатлари, халқлари, турли ҳудудлардаги жамият ва табиатнинг ўзаро алоқадорлиги, географик объектлар, жараён ва ҳодисалар ҳамда амалий географик тадқиқотлар, геоэкологик муаммолар ҳақида билим, кўникма ва малакалар берилади.

Вазирлар Маҳкамасининг узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ҳамда янгиларини яратиш бўйича кўрсатмалари асосида Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари мазмуни қайта кўриб чиқилди. Ишчи гуруҳлари томонидан амалиётчи ўқитувчилар, мутахассислардан олинган фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб, ДТС ва ўқув дастурлари мазмунини такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилди.

Мактабларнинг моддий-техника базасини бойитиш бўйича ҳар бир фан кабинетини жиҳозлаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди. Бу тавсиялар асосида янги ўқув йилига география хоналарини тайёрлашда «Умумий ўрта таълим мактабларида география хонаси» номли тавсияномадан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

2004—2005 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактабларининг 5—9-синфлари учун география фанидан шу кунгача амалда қўлланилаётган ва янги яратилган қуйидаги дарсликлардан фойдаланиш тавсия этилади:

5-синф ўқувчилари «Табиий география бошланғич курси» дарслиги асосида таълим оладилар (П.Ғуломов, Р.Қурбонниёзов. «Ўқитувчи», 2003 йил). Ушбу дарслик ижара усули асосида мактабларнинг кутубхоналарига (ўзбек, рус, қорақалпоқ тилларида) етказилган.

6-синф ўқувчилари «Материк ва океанлар табиий географияси» (А.Соатов, А.Абулқосимов. «Ўқитувчи», 2004 йил) дарслиги асосида таълим оладилар. Шу синфда А.Абулқосимов муаллифлигида 2001 йил «Меҳнат» нашриётида чоп этилган ўзбек ва рус тилларидаги дарсликдан ўқув дастури асосида ижодий фойдаланиш мумкин.

7-синф ўқувчилари «География» (П.Ғуломов, П.Баратов, Х.Ваҳобов, М.Маматқулов. «Ўқитувчи», 2003 йил) дарслиги асосида таълим оладилар. Умумтаълим мактабларининг 7-синфлари учун «Меҳнат» нашриётида чоп этилган «Ўрта Осиё табиий географияси» ҳамда «Ўзбекистон табиий географияси» номли дарсликларнинг ўзбек ва таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун чоп этилган нусхаларидан фойдаланиш мумкин.

8-синф ўқувчилари «География» (П.Мусаев, Ж.Мусаев. «Маърифат—мададкор», 2003 йил) дарслиги асосида таълим оладилар. Шу билан бирга А.Солиев, Р.Қурбонниёзов томонидан муқобил тарзда яратилган «География» дарслигидан («Ўқитувчи», 2004) фойдаланадилар. Шунингдек, З.Акромов ва бошқалар муаллифлигидаги «Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси» («Меҳнат», 2001 йил) дарслигидан ижодий фойдаланиш мумкин.

9-синф ўқувчилари учун «Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси» (А.Қаюмов, И.Сафаров, М.Тиллабоева. «Ўқитувчи», 2002 йил) ва шу дарсликнинг қайта нашрларидан фойдаланиш тавсия этилади. Бу дарслик мактабларга ижара тизими асосида етказилган. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг кутубхона заҳираларига «Рус маркази» орқали келган, Москвадаги «Просвещение», «Дрофа» нашриётлари томонидан чоп этилган «Жаҳон ижтимоий-иқтисодий географияси» дарслигидан ижодий фойдаланиш мумкин.

География фани бўйича 5—9-синфлар учун дарсликлар Халқ таълими вазирлигининг Осиё ривожланиш банки лойиҳаси доирасида эълон қилган танловлари асосида яратилган. Ушбу дарсликларнинг методик қўлланмалари мактаб кутубхона заҳираларига етказилган. Улардан таълим-тарбия жараёнида унумли фойдаланиш тавсия этилади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 6—8-синфлари учун танлов асосида яратилган янги дарсликлар методик қўлланмалари билан биргаликда ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида чоп этилиб, 2003—2004 ўқув йили давомида тажриба-синовлардан ўтказилди. Синов натижаларига кўра, уларнинг мазмуни муаллифлар томонидан қайта ишланмоқда.

Умумтаълим мактабларининг 10-синфларида «Амалий география» курси ўқитилади. Бунда ўқувчилар табиат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларидаги турли ўзгаришлар, уларнинг оқибатларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолашни ўрганадилар. «Амалий география»ни 68 соат давомида қуйидагича ўрганиш режалаштирилади:

1. Амалий географияга кириш.
2. Амалий географик тадқиқотлар.
3. Табиий географик жараёнлар.
4. Жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири.
5. Табиат комплекслари ва уларнинг ўзгариши.
6. Географик баҳолаш.
7. Географик башорат.
8. Атроф-муҳит мониторинги.
9. Географик-экологик экспертиза асослари.
10. Экологик муаммолар ва уларнинг ечими.
11. Ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий асослари.
12. Табиий ва инсон ресурслари, уларни иқтисодий-географик баҳолаш.
13. Геосиёсатнинг назарий асослари.
14. Ўзбекистоннинг геосиёсий ўрни ва келажаги.
15. Ҳозирги замон геосиёсий муаммолари.

Ушбу курс ўқитилишида А.Рафиқов ва бошқаларнинг «Амалий география» («Шарқ», 2004 йил) дарслигидан фойдаланилади. Бу дарсликнинг рус тилига таржима этилган нусхаси нашрдан чиқарилгунча шу номда «Ўқитувчи» нашриётида 2001 йил чоп этилган китобдан ижодий фойдаланиш тавсия этилади.

Умумтаълим мактабларининг 8, 9, 10-синфларидаги география курсларининг ўқитилишида Президент И.Каримовнинг «XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асари ҳамда Олий Мажлис сессиялари материалларидан мавзуларга мос ўринларда унумли фойдаланиш тавсия этилади.

Географик атлас ва хариталар таълимнинг таркибий қисми бўлиб, ҳозирги кунда 4, 5, 6, 7, 8, 9-синфлар учун географик атласлар ва контурли хариталар тўпламлари ҳамда кўплаб мавзули деворий хариталар чоп этилган. Ушбу картографик ва методик қўлланмалардан таълим-тарбия беришнинг янги, самарали интерфаол усулларда фойдаланиш, шу йўналишда иш олиб бораётган илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги мавзулар бўйича маъруза, давра суҳбати, баҳс ва мунозараларни ташкил этиш тавсия этилади:

1. ДТС ва ўқув дастурлари талабларининг ҳаётга татбиқ этилишидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари.
2. Янги яратилган географик атласларнинг афзалликлари ва камчиликлари таҳлили.
3. 2003—2004 ўқув йилида география фани таълимининг якунлари ва янги ўқув йилидаги вазифалар.
4. География дарсларида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш.
5. География фани бўйича ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш.

ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК

Баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, унга ҳозирда устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Ўсиб келаётган авлоднинг ҳар томонлама соғлом бўлиши учун ўқувчиларга экологик ва гигиеник тарбия бериш жуда муҳим. Давр талаби шуни кўрсатадики, ўқитувчиларга методик ёрдам берувчи анъанавий август кенгашларини ноанъанавий шакл ва мазмунда ўтказиш керак. Бу эса ўз навбатида жойлардаги метод кабинет раҳбарларига катта масъулият юклайди, чунки август кенгашларини шундай ташкил қилиш керакки, ҳар бир иштирокчи унда тингловчи эмас, фаол қатнашчига айланиши лозим. Август кенгашларини интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда семинар-тренинг шаклида ўтказиш керак. Танлаб олинган мавзулар бўйича якка тартибда, жуфтликда ва кичик гуруҳлар ташкил этилиб, фикрлар билдирилади ва ишлаш жараёнида муаммоларни ечиш йўллари изланади. Бу борада соғлом турмуш тарзини тарғибот этиш бўйича умумий ўрта таълим мактабларида саломатлик дарслари киритилган бўлиб, улар қуйидагилар:

1—4-синф учун Д.Шарипова, А.Григорянц, М.Тоирова томонидан тайёрланган «Саломатлик дарслари» «Одобнома» дарси таркибида бўлиб, унда экологик, гигиеник тарбия бериб борилади. Бу дарслар ўқув йили давомида 10 соатга мўлжалланган.

5—9-синфлар учун Г.Солиҳова ва бошқалар томонидан тайёрланган «Соғлом авлод асослари» дастури асосида мактаб ихтиёридаги соатдан фойдаланган ҳолда ҳар бир синф учун ўқув йили давомида 17 соат машғулот ўтиш тавсия этилади. Дастурда болаларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш, ҳаётий муҳим кўникмаларни сингдириш, тенгдошлари билан мулоқот қилиш, оиланинг муқаддаслигини тушунтириш каби мавзулар киритилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги 32-сонли «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори 7-бандида белгиланган тадбирларни бажариш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари билан ҳамкорликда умумтаълим мактабларининг 10—11-синфлари учун «Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила» ўқув дастури тайёрланди ва 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб амалиётга татбиқ этилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 356-сонли «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ ушбу дастурга «Никоҳгача тиббий кўрикдан ўтишнинг аҳамияти» мавзуси киритилди. Ғ.Шоумаров таҳрири остида «Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила» методик қўлланмаси ишлаб чиқилди. Ушбу қўлланма асосида юқори синф ўқувчиларини оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиланинг тиббий маданияти даражасини янада ошириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва камолотга эришиш ҳақида машғулотлар ўтиш кўзда тутилган. Шўъба йиғилишларида мазкур дастур ва қўлланмадан ижодий фойдаланиш бўйича фикрлар баён қилиниши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 473-сонли қарорига кўра, 2004-2005 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактабларида таълим 10—11-синфларда ҳам давом этади.

Узлуксиз таълим тизимида экологик таълим-тарбияга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада қуйидаги адабиётлар асосида машғулотлар олиб борилади:

5—9-синф учун А.Тўхтаев ва бошқалар томонидан яратилган «Инсон ва табиат» методик қўлланмаси, 2003 й;

5—9-синф учун А.Тўхтаев, «Ранг-баранг табиат» ўқув қўлланма, 2002 й;

5—9-синф учун М.Расулов, «Сув — ҳаёт манбаи» ўқув қўлланма, 2002 й;

5—9-синф учун А.Ниғматов, «Инсон ва тупроқ» ўқув қўлланма, 2002 й;

5—9-синф Э.Турдиқулов, «Инсон ва ҳаво» ўқув қўлланма, 2002 й.

Ушбу қўлланмаларнинг мақсади атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида ўқувчиларни мустақил фикрлашга, эркин хулоса айтишга, мавзуларни таҳлил қила олишга ўргатишдан иборат. Экология алоҳида фан сифатида ўтилмайди, балки уни фанлар замирида интеграция ҳолида ўрганиш кўзда тутилган. Шунинг учун юқоридаги ўқув қўлланмалардан барча фан ўқитувчилари (география, кимё, биология, расм, физика каби), шунингдек, тарбиявий соатларда фойдаланиш тавсия этилади. Шўъба йиғилишларида ўқитувчилар экология таълими бўйича таклиф этилган янгиликлар, илғор технологиялар бўйича фикр юритишлари, тажриба алмашишлари лозим.

Анъанавий август кенгаши йиғилишини қуйидаги мавзулар билан ўтказиш тавсия этилади:

—"Соғлом ота-оналар — соғлом болалар".

—"Репродуктив соғлик ва соғлом оила".

— Наркотиклар (гиёҳванд модда) ва уларнинг одам соғлиғига таъсири.

—"Сув — ҳаёт манбаи".

—"Ҳаво — муҳим ва бебаҳо".

— Ёш экологлар гуруҳига ажратилган ўқувчилар билан тренинг — машғулотлар ўтказиш.

Фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Д.Шарипова, «Саломатлик дарслари», 1—4-синфлар учун дастур.
2. Г.Солиҳова ва бошқалар, «Соғлом авлод асослари», 5—9-синфлар учун ўқув дастури.
3. Ғ.Шоумаров таҳрири остида яратилган «Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила», 10—11-синф учун методик қўлланма ва ўқув дастури.
4. А.Тўхтаев, «Инсон ва табиат», методик қўлланма.
5. А.Тўхтаев, «Экология» ўқув дастури.

Ushbu qo'llanma talablaridan «Jismoniy tarbiya» va CHYOT xonalarini jihozlashda foydalanish kerakligini aytib o'tish lozim.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ, ЧАҚИРИҚҚАЧА ЁШЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ

Мамлакатимиз раҳбарининг ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантириш, уларда спортга меҳр уйғотиш, спорт билан шуғулланишни кундалик ҳаётий эҳтиёжга айлантириш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маънавий ва жисмоний камолотга интилишни таъминлаш мақсадида 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги фармони ҳамда 2004 йил 9 январдаги йиғилиш баёни жисмоний тарбия ўқитувчилари учун дастуриламал сифатида қабул қилиниб, улар ўз ишларини шу асосида режалаштиришлари зарур.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 473-сонли қарорига кўра, 2004-2005 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактабларининг 11-синфларида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтиш жорий этиб бўлинади.

Анъанавий август кенгашида таълим соҳасидаги ўзгаришларнинг давом этаётганлиги, ДТС, ўқув дастурларида бўлаётган ўзгаришлар ҳақида, яъни дастурдаги кураш спорт тури ҳам энг устувор турлардан эканлиги ва унга кўпроқ соатлар ажратилганлиги ҳамда бу спорт турига керакли шароитларнинг яратилиши тўғрисида, тажриба–синовдаги жисмоний тарбия учун яратилган янги дарсликлар хусусида маълумот бериш лозим.

Янги ўқув йилида 11-синфларнинг лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ўтиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларининг жисмоний тарбия фанидан 11-синф учун дастур»ни амалга ошириш ҳақида 2004 йилда «Таълим тараққиёти» журналида чоп этиладиган ўқув дастуридан фойдаланиш мумкинлигига тўхталиш керак. Шу билан бирга Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплекси мажлисининг 2004 йил 6 апрелдаги 07-1-53-сонли баённомаси ва Халқ таълими вазирлигининг 2004 йил 9 апрелдаги 69-сонли буйруғи асосида Республика таълим маркази томонидан «Жисмоний тарбия зал ва майдонлари» ҳамда «Чақириққача ёшларни тайёрлаш» ўқув хоналарини жиҳозлашга қўйилган талаблар ишлаб чиқилди. Мазкур талаблар ХТВ томонидан 2004-2005 ўқув йилининг бошлангунига қадар таълим муассасаларига тўплам сифатида етказилиши режалаштирилмоқда. Ушбу қўлланма талабларидан «Жисмоний тарбия» ва ЧЁТ хоналарини жиҳозлашда фойдаланиш кераклигини айтиб ўтиш лозим. 2003 йил 4 июндаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгаши йиғилиши баёни»нинг 3-бандида ўқув жараёнининг ҳар бир босқичида, аввало, қишлоқларда жойлашган ўқув муассасаларида ҳафта давомида жисмоний тарбия дарсларининг ҳажмини кўпайтиришда шароити бор бўлган умумий ўрта таълим мактабларининг ўқув соатларини мактаб ихтиёридаги соатлар ҳисобидан ҳафтасига 5-9-синфларда 0,5 соатга, ўқув йилига 17 соат, 10-11-синфларда 1 соатга, ўқув йили учун 34 соатга кўпайтириш мумкинлигини, бу соатлар учун амалдаги дастурга қўшимча тайёрланган ҳамда 2004 йил февралда чоп этилиб, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига етказган дастурдан ўтиш керак.

Шу билан бирга юқори синф ўқув режасида мактаб ихтиёридаги соатларнинг кўплигини эътиборга олиб, чуқурлаштирилган спорт синфларини ташкиллаштириш мумкинлиги ҳақида айтиб ўтиш лозим. Жисмоний тарбиянинг ўқув-дастур талаб меъёрларини, «Умид ниҳоллари» ҳамда «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестларини топширишларида яхши натижаларга эришиш учун жисмоний машқлар билан мустақил шуғулланишни ташкил этишга доир масалалар ҳақида фикр алмашиш тавсия этилади.

Жисмоний тарбия, чақириққача ёшларни тайёрлаш ва инсон хавфсизлиги асосларидан дарс берувчи ўқитувчилар ўз ишларини режалаштириш учун август кенгашининг шўъба йиғилишларини интерфаол методда ўтказиши мақсадга мувофиқ. Бу методда энг долзарб ва муаммоли мавзу танлаб олинади. Мавзуни мунозара, дебат, ақлий ҳужум ва ҳоказолар орқали ечиш мумкин. Танлаб олинган мавзу бўйича аввал якка тартибда, жуфтликда ва кичик гуруҳларда фикрлар билдирилиб, ишлаш жараёнида мавзуларнинг муаммоларини ечиш йўллари изланади. Муаммоларни ҳал этиш учун ўз имкониятларини чамалаб кўриб, қайси йўллар билан ҳал этиш мумкинлигини ёки бартараф этиш учун қарама-қаршиликларни енгиш йўллари ҳақида тўхталиш лозим. Бу йўналишда олиб борилган кенгаш йиғилишлари ўқитувчиларга ўқув йили давомидаги бажарилиши лозим бўлган ишларни режалаштиришда анча ёрдам беради, деб ўйлаймиз. Шўъба йиғилишларини қуйидаги мавзулар бўйича ўтказиш тавсия этилади:

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

— 2004-2005 ўқув йилида 11-синф ўқувчиларини янги, қайта кўриб тўлдирилган лотин алифбосида нашр этилган дастур асосида ўқитиш;

— миллий ғоя ва миллий мафкурани ўқувчилар онгига жисмоний тарбия дарслари жараёнида сингдириш;

— жисмоний тарбия дарсларида спортнинг миллий турларини ривожлантириш жараёнида миллий ҳаракатли ўйинлардан фойдаланишнинг аҳамияти;

— ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлик ва саломатлик даражасини аниқлашда «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тест синовларини қабул қилиш (тажрибадан);

— ўқув йили давомида ўтказилиши лозим бўлган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари, спорт байрамларини режалаштириш ва юқори савияда ўтказилиши бўйича чора-тадбирлар белгилаш;

— кураш спорт турини энг устувор ўрганиладиган спорт тури сифатида киритиш масаласи ҳақида;

— «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг 2004 йил 9 январдаги йиғилиши баёни» бўйича белгиланган чора-тадбирлар ва уларнинг ижроси тўғрисида.

ЧАҚИРИҚҚАЧА ЁШЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

2002 йил 12 декабрда «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ҳамда шу асосида ЧЁТ фанидан 10—11-синфлар учун янги ўқув дастури киритилиши муносабати билан умумий ўрта таълим муассасаларида иш режаларини кўриб чиқиш ва ўзгартиришлар киритиш ҳамда август кенгашида қуйидаги мавзуларни муҳокама қилишни тавсия этамиз:

— Ўзбекистон Республикасида ҳарбий соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишлари, шартнома асосида профессионал армияни ташкил этиш асослари;

— ҳарбий хизмат муддати қисқартирилиши муносабати билан умумтаълим муассасаларида ҳарбий ва жисмоний тайёргарлик фанлари ўқитилиши савиясини ошириш;

— ўсиб келаётган ёш авлод онгига миллий ғоя, миллий мафкура ва маънавият ҳамда ватанпарварлик туйғусини сингдириб бориш;

— амалий жисмоний тайёргарлик машғулотларини ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси;

— ЧЁТ фани ўқув-моддий базасини бойитиш ва ундан самарали фойдаланиш;

— ЧЁТ фан ўқитувчисининг иш ҳужжатлари;

— амалий жисмоний тайёргарлик машғулотларини ўтказиш методикаси — бошланғич чақириққача тайёрлаш қисмининг асосидир;

— бошланғич чақириққача тайёрлаш машғулотларида шуғулланувчи ёшларнинг фаоллигини оширишда юқори натижаларга эришиш йўллари;

— "Аскарнинг жангдаги ҳаракати" (аскар мудофаада, аскар ҳужумда) мавзусида машғулот ўтказиш методикаси.

Чақириққача ёшларни тайёрлаш фанига тааллуқли Х.Жўраевнинг «Чақириққача ёшларни тайёрлаш» ўқув қўлланмаси нашр этилмоқда. Ушбу қўлланмани ўқув йили давомида қўллаш тавсия этилади.

ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш минимум талаблари ҳамда «Инсон хавфсизлиги асослари» ўқув дастурини бажаришни таъминлаш қуйидагича амалга оширилади.

Ўқув йилининг иккинчи ярим йилидан бошлаб 1-4-синфларда 6 соат жисмоний тарбия дарсининг назарий қисмида; 5-9-синфларда 8 соат биология ва кимё фанлари таркибида; 10-11-синфларда «Чақириққача ёшларни тайёрлаш» (35 соат) таркибида ўқитилади.

Инсон хавфсизлиги асослари алоҳида фан сифатида ўқитилмаслиги сабабли ажратилган соатлар кам бўлишидан қатъий назар ўз шўъба йиғилишида қуйидаги мавзуларни муҳокама этишни тавсия этамиз:

— бошланғич синфларда ҳаёт хавфсизлиги асослари бўлимини ўтказиш методикаси;

— умумтаълим мактабларининг «Инсон хавфсизлиги асослари» дарслари жараёнида янги педагогик технологиялардан интерфаол усулларини қўллаш (тажрибадан);

— ўқувчиларда фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш;

— атрофимизда юз бераётган воқеаларга, террористик актларга нисбатан фаол муносабатда бўлиш, ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшаш туйғусини тарбиялаш;

— умумтаълим мактабларида якуний дарс сифатида фуқаро муҳофазаси кунини ўтказиш (тажрибадан);

— фавқулодда вазиятларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усуллари;

— ўқувчилар ўртасида «Соғлом турмуш тарзи»ни тарғиб қилиш;

— ўқув хонасини ҳозирги замон талаблари асосида жиҳозлаш (тажрибадан).

Shunda o'qituvchim qat'iy ohangda "O'rgan! Inson hayotda faqat o'rganib yashashi kerak!" dedi.

«Ma'rifat»ga maktublar



НИЗОМГА АЙРИМ ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛСА...

Ҳар йили республикамизда "Ижодкор ўқитувчи" кўрик-танловини ўтказиш анъанага айланиб қолган. Бу танловнинг ғоятда қизиқарли ўтиши ўқитувчиларимиз орасидан қанчадан-қанча ижодкорларни етиштириб чиқаради. Жойларда бўлиб ўтаётган бу танловда ижодкор ўқитувчиларимиз ўзларининг назм, наср, болалар адабиёти, драматургия йўналишларидаги маҳоратларини синаб кўришмоқда. Айтиш жоизки, ўқитувчилар орасида публицистика жанрида ижод қилувчилар ҳам кўплаб топилади. Лекин танловларда бу жанрда ижод қилувчи ўқитувчининг ишларига унчалик эътибор берилмайди. Ахир, публицистика ҳам ноёб жанр-ку! Мен публицистикада ижод қилсам-да, ушбу танловда ҳар йили қатнашиб келаман. Танловда эса юқоридаги жанрларга кўпроқ эътибор берилади. Айтмоқчиманки, мутасаддилар ижодкор ўқитувчи кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги низомни қайта кўриб чиқсалар, яхши бўларди. Яъни, публицистика ҳам алоҳида йўналиш сифатида киритилса, нур устига нур бўларди.

Норали ХУДОЙНАЗАРОВ,
Ангор туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

БЎСАҒАДАГИ МУШОҲАДА

Умр оқар дарё деганлари рост экан. Мен бу гапларни шунчаки, бунинг устига 40-50 ёшлар чамаси инсон бўлиб айтаётганим йўқ. Эндигина 17 баҳорни қарши олиб, болалигимнинг шаффоф ва шўхликларга тўла даври тарк этишга чоғланаётган, жонажон мактабимнинг қучоғида кечган йилларимнинг кўз очиб юмгунча тез ўтиб кетганидан айтаяпман, холос.

Кечагина жажжи қизалоқ бўлиб, бир даста гул кўтариб келган эдим бу даргоҳга. Илк бора мени қучоқ очиб биринчи ўқитувчим Холида опа Тўраева кутиб олганди. Илк бора қўлимга қалам тутқазганди, "Алифбе" аталмиш жажжи китобни, унинг менга нотаниш ҳарфларини ўргата бошлаганди ўшанда. Мен учун эса гўё барча нарса улкан мўъжизадек, сир-синоатли туюлаверарди. Буни қарангки, мўътабар устозларимдан олган билимим ҳар қандай синоатнинг-да қулфини очувчи калит бўлди. Улар менинг мурғак кўнглимга, энг аввало, эзгулик деган тушунчани киритишди. "Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин" дея инсонийликдан сабоқ беришди. Ўз ўрнида инсонийлик эса менга одамлар билан муомала қилишни, эзгу ният ва мақсадлар билан ёниб яшашни ўргатди.

Ҳали-ҳануз эсимда туради. Математика ўқитувчимиз Жўрабек Аллашукуров бир куни мени доскага чиқардида, "Мана бу тенгламани еч!" деди. Мен эса...

Мен эса ҳарчанд уринсам-да, ўша тенгламани еча олмадим. Атиги бир кунгина дарс қолдирганим эвазига. Шунда ўқитувчим қатъий оҳангда "Ўрган! Инсон ҳаётда фақат ўрганиб яшаши керак!" деди. Мен эса илк бора бошимни хам қилиб, ҳамиша мақтовларга ўрганиб қолган кўнглимнинг оғринишидан кўзимга ёш олиб, ўз жойимга ўтиргандим. Бироқ жуда катта сабоқ, ибрат олгандим бу гаплардан.

Бугун ўйлаб қарасам, устозим айтган "ўрганиб яшаш" тушунчаси ҳаётимнинг асл мақсадига айланиб кетибди. Шуларни хаёлимдан ўтказар эканман, болаликка хос мағрурлик билан юрагим пичирлаб қўйди: "Сиздан миннатдорман, азиз устозлар!".

Дилноза НОМОЗОВА,
Булунғур туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг ўқувчиси

МАҚСАДЛАРИМИЗ МУШТАРАК

Бир калима ширин сўз киши кўнглини тоғдек кўтаради. Айниқса, у кўнгилга яқин киши тилидан сўзланаётган бўлса, дилдаги хушнудлик икки ҳисса ошади, деяверинг.

Таҳририятимизга йўлланган бир гуруҳ мактубни эътиборингизга ҳавола қилар эканмиз, шу фикр кечди хаёлимиздан. Чунки таҳририят ва муштарий мулоқоти ҳар икки томон учун фойдалидир. Қуйида берилаётган мактублар турли мавзуда бўлса-да, мақсад муштарак — тараққиётга интилиш.

БУГУН НИМА МУТОЛАА ҚИЛДИНГИЗ?

Газета ҳамиша илғор фикрлар, эзгуликлар жарчиси бўлиб келган. Шу боис йилдан-йилга матбуот нашрлари сони кўпайиб бораётганини бир жиҳатдан мамнуният билан қабул қилиш мумкин.Лекин бу нашрларда қандай материаллар чоп этилаяпти? Улар ўқувчи маънавиятининг ўсиши, ойдинлашишига хизмат қила оладими? Бунга масаланинг иккинчи жиҳати сифатида қараш керакка ўхшайди.

Хўш, бугун китобхон, айниқса, ёшлар қандай китобларни мутолаа қилишаяпти? Афсуски, баъзан бу ҳақда ўйлаганингда дилингни хижиллик босиб келаверади. Улар дурдона асарларни ўқиб, уқий олаяптиларми, деган савол қийнайди кишини. Шунинг учун газеталарда "Бугун сиз нима мутолаа қилдингиз?" деган янги рукн ташкил этилиб, элнинг фикрини ўрганишга эътибор қаратилишини истардим.

Майли, у қайси соҳа ходими бўлмасин, китоб ўқияптими? Унга муносабати қандай, шу китобни бошқаларга ҳам тавсия эта оладими? Ёки қайси газета, журналнинг доимий муштарийси. Нима учун?!

Ўйлайманки, шу тариқа мутолаанинг қадр-қийматини маълум маънода бўлса-да, ошириш, муштарийларни эса шунчаки ўқимасликка чорлаш мумкин.

А.БОБОМУРОДОВА,
Навоий вилоят ПҚТМОИ ректори

ҒЎЗАЛ ОДАТЛАР СОҒИНЧИ

Адабиёт, Чўлпон таъбири билан айтганда, "...ўткур юрак кирларини ювадурғон тоза маърифат суви, хиралашган ойналаримизни ёруғ ва равшан қиладирғон, чанг ва тупроғлар тўлган кўзларимизни артуб тозалайдирғон булоқ суви" дир.

Кўринадики, адабиёт зиммасига жуда улуғ масъулият юкланган. Ана шу масъулият ҳис қилиб ёзилган асарлар, албатта,"юрак кирларини ювишга, чанг ва тупроғ тўлган кўзларимизни артиб тозалашга" қодир бўлади.

Маълумки, Шарқда, хусусан, ўзбекларда одоб-ахлоқ масаласи бош масалалардан ҳисобланади. Кундалик турмушимизда аҳамиятсиздек кўринган баъзи оилавий муносабатлар кўпинча катта-кичик фожеаларга сабаб бўлганини сезмай қоламиз. Айбни кимгадир, кимларгадир ағдаришга тиришамиз, аслида ўзимиз йўл қўйган хатолар натижаси эканлигини ҳар доим ҳам англайвермаймиз.

Адиблар ижодига мурожаат қилганимизда, турмушимиздаги ана шу нуқталар жуда нозик ва таъсирчан ёритилганлигининг гувоҳи бўламиз. Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романи қаҳрамонларидан бири Юсуфбек ҳожи ўғли Отабекка ёзган мактубини шундай бошлайди: "...кўзимизнинг нури, белимизнинг қуввати, ҳаётимизнинг меваси ўғлимиз мулла Отабекка...". "Меҳр берсанг, меҳр кўрасан" дейди доно халқимиз. Албатта, фарзанд ўғилдир, қиздир, ота-онанинг суянчиғи, умрининг давомчиси бўлгани ҳолда, бу оддий ҳақиқатга беписандлик билан боқадиган оталар ҳам учраб туради ҳаётда. Юсуфбек ҳожининг юқоридаги сўзларини ўқирканмиз, беихтиёр юзидан нур ёғилиб турган ўзбек отасининг меҳрли нигоҳини кўргандек бўламиз.

Оиланинг таянчи, устуни — бу отадир. Унинг зиммасига жуда катта масъулият юкланган. Ўзбек оталари ҳамма замонда ана шу масъулиятни ҳис қилиб келганлар.

Ўғлининг Марғилонда қамалгани хабари юрагини пора қилган бўлса-да, Юсуфбек ҳожи оила бошлиғи сифатида барча оғирликни ўз зиммасига олади. Аёлининг изтироб чекиб, эзилишини истамайди. Шундай мулоҳазалар кўнглимиздан кечар экан, беихтиёр Абдулла Қаҳҳорнинг "Асрор бобо" ҳикояси ёдга тушади. Ёлғиз фарзандининг урушда ҳалок бўлганлиги хабарини бир-биридан пинҳон тутган, бир-бирини аяган ҳазрати инсонлар кўз ўнгимизда гавдаланади.

"Ўткан кунлар" романини ўқир эканмиз, Юсуфбек ҳожида яна бир ўзбекона фазилатни кўриб, ўйга толамиз. "Кумуш уялиб, зўрғагина салом берди ва Юсуфбек ҳожининг яқинига келиб, бўйин эгди. Ҳожи қўли билан Кумушнинг елкасига қоқиб, суйди ва Кумушнинг манглайиға тегизиб олған ўз қўлини ўпди".

Ўзбекона урф-одатларимизга кўра, ота-боболаримиз энг яқин кишиларини узоқ сафарга кузатганларида ёки олис сафардан қайтган қариндошларини кутиб олганларида қучоқлашиб кўришишган. Аммо эрлар хотинлар билан, акалар сингиллар билан, оталар қизлари билан ҳеч қачон ўпишиб саломлашмаган ёки хайрлашмаган. Уларнинг одоб доирасидаги шарқона кўришиш усуллари бўлган. Бугун биз бу гўзал одатга амал қиляпмизми? Кўчакўйда йигитларнинг йигитлар билан ўпишиб кўришаётганларига нима дейсиз? Бу ўзбекона одатларимизга тўғри келармикин? Ахир ўзбекларда эркакларнинг қўл сиқиб, қучоқлашиб кўришишдек гўзал кўришиш усуллари бор-ку! Ёки ўпишиб кўришмаса, замондан орқада қолган бўладими?! Биз бу билан кимнидир қоралаб, кимгадир ақл ўргатмоқчи эмасмиз. Лекин миллатимиз маънавиятини белгилайдиган шу каби унутилаёзган одатларимизга эътиборлироқ бўлсак, фойдадан холи бўлмасди.

Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби донишманд адибларимизнинг миллий руҳ билан йўғрилган, юксак маҳорат билан яратилган асарларини кўпроқ мутолаа қилсак, ўргансак, улардан маънавий озуқа олиб, бадиий сўзнинг қудратидан руҳ, куч олсак, маънавияти бутун халқ деган номни оқлаган бўлардик.

Арофат МЎЙДИНОВА,
Сирғали туманидаги 6-мактаб-лицейнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

ҲУНАРМАНДЛИК ҲИКМАТИ

Газетанинг 2004 йил 18 февраль сонидаги "Йигит кишига қирқ ҳунар ҳам оз" мақоласидаги қизилтепалик 70 ёшли биология фани ўқитувчисининг ташаббусини қизиқиш билан ўқидим. Ўзим Қашқадарё вилояти Касби туманидаги 46-мактабда хўжалик мудири бўлиб ишлайман. Ёшим 62 да. Ҳозирги давр талабига асосан мактаб жамоасининг ҳар бир аъзоси мактабни ўз уйидек, ўз хўжалигидек авайлаб, кўз қорачиғидек асраши шарт. Чунки ҳар куни, ҳар соатда мактаб иқтисодини ўйлаб иш тутмаса, бўлмайди. Изланиш ва ҳаракат қилиш керак. Бизнинг мактаб ҳам боғдаги мевалари(узум, анор, шафтоли, бодом ва ўриклар)ни сотади. Ҳозир тераклар ёғоч қилиб сотилаяпти. Бу ҳам мактаб ҳисобига маблағ тушираяпти. Бу йил ширкат хўжалиги ва фермерларга тут ва манзарали дарахт кўчатлари сотиб, 700 минг сўм соф фойда олдик. Ҳозир мактаб боғлари ўқитувчиларга ижарага берилаяпти. Бу ҳам мактаб ҳисобига нақд пул туширимоқда. Жорий йилда яна тут кўчати етиштириш арафасидамиз. Шу тарзда тушган пуллар ҳисобидан аълочи ўқувчилар рағбатлантирилиб, кам даромадли оила болаларига ҳар томонлама ёрдам берилаяпти. Ҳар хил тадбирлар ўтказилмоқда. Шуларнинг аксарияти мактаб маблағи ҳисобидан бўлаяпти.

Мен ҳам Пўлат Муродовдек изланувчан ўқитувчиларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлайман ва юртимиздаги барча мактаблар маъмуриятини изланувчан ва ташаббускор бўлишга чақираман. Ўзим келгусида шу мактабда иссиқхона қуриш ва қиш фаслида помидор ва ҳар хил кўчатлар, лимон етиштиришни режалаштираяпман. Чунки шулардан тушган маблағ ҳисобидан майда ашёлар сотиб олиш ҳамда мактабни таъмирлашга маблағ топиш фикридаман. Мактаб менинг жону дилим, уни ўз уйим деб биламан. Мен қаерга бормай, ўша ердаги мактабнинг камчилик ва ютуқларини кузатиб келаман. Мактабимиз туманда яхши натижаларга эришгани учун 2003 йил 1 сентябрь куни биринчи қўнғироқни янги компьютер синфини очиш билан бошладик. Ҳозир Шароф Рашидов номидаги ширкат хўжалигида 7 та мактаб бўлса, фақат биз биринчилар қаторида компьютерга эга бўлдик. Бу эса меҳнатларимиз самарасидир.

Муродилла РАҲИМОВ

Шунингдек, таҳририятимизга Улуғнор туманидан Назирахон Акрамова, Наманган туманидан Ҳусанбой Бобожонов, Элликқалъа туманидан Зафар Йўлдошев, пастдарғомлик Тўрақул Шодмонов ва Ғайрат Бобоқулов, оҳангаронлик Қудрат Одинаев, Конимех туманидан Марям Адизова, қумқўрғонлик Нигора Абдураимова хат йўллаганлар. Ушбу турли мавзуларда мактуб йўллаган муаллифларнинг фаолиятига янада муваффақиятлар тилаймиз.

Саҳифани Шерали НИШОНОВ тайёрлади.

Mulohaza

ЗАМОНАВИЙ ДАРСНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

унда қандай меъёнларга таянилади?

Маълумки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим тизимига илғор педагогик технологияларни жорий қилиш, уларни ҳар томонлама ўзлаштириш зарурлиги кўп карра такрорланади.

Ҳозирги кунда таълимга оид маърузалар, расмий ҳужжатларда «Янги педагогик технология», «Илғор педагогик технология», «Замонавий таълим технологияси» иборалари кенг қўлланилмоқда.

Хўш, таълим жараёни олдига қўйилган мақсадга тўлақонли эришиш учун, авваламбор, нималарни эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим? Бунда, албатта, таълим мақсади, ундан кутилаётган натижалар, таълим берувчи ва олувчилар, таълим мазмуни, методи, шакли, воситалари, назорат ва баҳолаш каби тушунчаларга дуч келамиз.

Таълим жараёни — таълим берувчи билан таълим олувчи ўртасидаги маълум мақсадлар асосида белгиланган билим ва кўникмаларни таркиб топтиришга йўналтирилган жараён бўлиб, унинг мақсади таълим-тарбия натижаси сифатида ўқувчи эришиши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатларни белгилайди.

Ўқув мавзуси янги ва мураккаб бўлганда, анъанавий дарс кўп ҳолларда таълим жараёнининг бирдан-бир методи бўлиб қолмоқда.

Анъанавий дарс ўтиш жараёнида кўпроқ маъруза, савол-жавоб, амалий машқ каби методлардан фойдаланилади. Шу сабабли, бу ҳолларда анъанавий дарс самарадорлиги анча паст бўлиб, ўқувчилар таълим жараёнининг пассив иштирокчиларига айланиб қоладилар.

Бунинг олдини олиш учун нима қилиш керак? Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда дарс жараёнининг оқилона ташкил этилиши, ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг қизиқишларини ортириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув мавзусини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда баҳс-мунозара, ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, ролли ўйинлар методларини қўллаш, ранг-баранг қизиқтирувчи мисоллар келтирилиши, ўқувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш, ҳар хил баҳолаш усуллари ва таълим воситаларидан жойида ва ўз вақтида фойдаланиш талаб этилади.

Ноанъанавий дарсни ўтиш жараёнида асосий эътибор ўқувчи шахсига қаратилади ва бу реал ҳаётда ва жамиятда юз бераётган ҳодиса ва жараёнларнинг ихчамлаштирилган ва соддалаштирилган кўринишини синфхонада яратиш ва уларда ўқувчиларнинг шахсан қатнашиши ва фаолияти эвазига таълим олишини кўзда тутувчи методдир.

Марказида ўқувчи бўлган дарс мақсадининг афзаллиги шундан иборатки, бунда ўқувчининг ўқишга бўлган иштиёқини ошириб бориш; олдинги билимларини ҳисобга олиш ва уларга таяниш; ўқув жараёнининг тезлигини тартибга солиш; ўқувчи ташаббуси ва мажбуриятларини қўллаб-қувватлаш; амалиётга таяниш; икки томонлама фикр-мулоҳазалар билан таъминлаш; ўқув жараёнини тўғри йўлга қўйиш; ўқув жараёнини баҳолаш; ўқитувчи ўқувчилар учун ҳамиша ўқув жараёнини енгиллаштирувчи шахс бўлиб қолиши керак.

Албатта, ноанаъанавий дарс ўтишнинг ўзига яраша камчиликлари ҳам мавжуд бўлиб, булар кўп вақтни талаб этиши, ўқувчиларни ҳар доим керагича назорат қилиш имкониятининг бўлмаслиги; мураккаб мазмундаги мавзу ўрганилаётганда ўқитувчи ролининг паст бўлиши; «кучсиз» ўқувчилар бўлганлиги сабабли «кучли» ўқувчиларнинг паст баҳо олиши ва бошқаларда намоён бўлади.

Таълим-тарбия жараёнини сифатли ташкил этиш кўп жиҳатдан дарсларнинг таълим воситалари билан қай даражада таъминланганлигига ҳам боғлиқ бўлади.

Таълим жараёнини муваффақиятли амалга оширишга ёрдам берувчи воситалар таълим воситалари дейилади ва улар учга бўлинади: реал таълим воситалари, техник воситалар, чоп этилган ўқув материаллари.

Реал таълим воситаларига ўқитишда қўлланиладиган барча реал ёрдамчи воситалар: машиналар, тракторлар, жиҳозлар, дастгоҳлар, тайёр маҳсулотлар ва бошқалар киради.

Техник воситаларга компьютер, проектор, кино аппарат, ўқув телевидениеси, видеомагнитофон, видеофильмлар, мультимедиалар, яна синф доскаси, доска-стенд, кодоскоплар киради.

Чоп этилган ўқув материалларига барча турдаги ўқув-ўргазмали ва дидактик материаллар киради.

Юқоридаги таълим воситалари ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам, шунингдек, самарали дарс ўтказиш учун ҳам алоҳида вариантларни тўғри танлашда муҳим аҳамиятга эгалигини унутмаслигимиз керак.

Мамлакат БИЛОЛОВА,
Тошкент юридик коллежи ўқитувчиси

Ogohlik

ЭҲТИЁТ БЎЛИБ ЧЎМИЛИНГ

Ёз фаслининг ўзига хос гашти, таровати бор. Айниқса, бу мавсумни олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, коллеж ҳамда мактаб ўқувчилари орзиқиб кутишади. Аксарият ишчи-хизматчилар эса кўпинча меҳнат таътилини ёзда ўтказишга ҳаракат қиладилар. Табиийки, улар кунлар исиши билан каналлар, очиқ сув ҳавзалари, анҳор ва кўлларда чўмилишга эҳтиёж сезадилар, ҳордиқ чиқариш мақсадида салқинроқ жой излаб, саёҳатга отланадилар. Бундай пайтда чўмилувчилар сонининг ортиши табиий. Афсуски, улар орасида сувга чўкиб қурбон бўлганлар ҳам учраб турибди.

Тўғри, фусункор табиат бағрида чарчоқни унутиб, асабларни тинчлантириб, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олганга нима етсин! Бундай пайтда оқар сувга чўмилиб олиш қандай завқли. Бироқ айрим ҳолларда чўмилиш кўнгилсизлик билан тугаётганлиги ачинарлидир. Бунинг асосий сабаблари баъзи кишиларнинг сузишни яхши билмаслиги, чўмилиш қоидаларига риоя қилмаслик, спиртли ичимликлар истеъмол қилган ҳолда сувга шўнғиш ва бошқа омиллардир. Яна бир ҳолатга эътиборни жалб этмоқчимизки, чўмилаётганда жуда эҳтиёт бўлиш зарур. Чунки сув остида турли шиша синиқлари, очиб ташланган консерва идишлари, металл ва бошқа қаттиқ жисмлар ҳам бўлиши мумкин. Танангизнинг бирор жойи лат еб, жароҳат олиши ҳеч гап эмас.

Умумий таҳлилларга қараганда сувда чўкиб нобуд бўлиш ҳодисаларига қуйидаги ҳолатлар сабаб бўлмоқда:

— чўмилиш хавфсизлигининг оддий қоидаларига риоя қилмаслик;

— ёш болаларнинг катталар томонидан назоратсиз қолиши;

— чўкаётган одамга ўз вақтида кўмак беришни билмаслик, яъни қутқарув усулларидан бехабарлик;

— сузиш пайтида енгилтаклик ёки лоқайдлик билан ўз кучига ортиқча ишониш;

— сув ва қайиқда безорилик ёки номуносиб хатти-ҳаракатлар қилиш;

— ёлғиз ҳолда чўмилиш ва ҳ.к.

Ачинарли томони шундаки, айрим ҳолларда бир оиладан икки киши чўкиб ҳалок бўлганлиги тўғрисида ҳам маълумотлар учраб турибди. Ўтган йили Тошкент вилоятининг «Чорвоқ» сув омборида бир аёл чўкиб кетаётган боласининг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида ўзини сувга отади. Бояқиш она на боласини, на ўзини қутқариб қолган.

Ҳукуматимиз томонидан фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қанча тадбирлар амалга оширилаётганига қарамасдан, бахтсиз тасодифлар учраб турибди. Бундай эҳтиётсизликларнинг юз беришига кўпроқ ўзимиз сабабчи бўлаётганимизни айтиб ўтиш жоиз.

Шуни ҳам алоҳида таъкидламоқчимизки, бундай аянчли ҳодисаларнинг олдини олиш ва инсонлар ҳалокатига йўл қўймаслик учун ҳукуматимиз барча чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Ҳозирги кунда чўкаётган одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва унинг вилоятлардаги бошқармалари ҳузурида «Қутқарув хизмати» таркибида «Сувда қутқарув» гуруҳлари иш олиб бормоқда. Хабарингиз бор, илгари ғаввослар Воронеж шаҳрида ўқитиларди. Мана, қарийб тўрт йилдирки, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида ғаввослар мактаби фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу даргоҳни битирган юзлаб қутқарувчи-ғаввослар жойларда хизмат вазифаларини сидқидилдан бажариб келмоқдалар.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қошидаги Тезкор ҳаракат қилувчи республика кўп тармоқли маркази, Чирчиқ шаҳридаги Махсус тезкор ҳаракат қилувчи отряд, пойтахт «Қутқарув хизмати» ҳамда ҳудудий бошқармаларида иш олиб бораётган ғаввослар сув ҳавзаларида навбатчиликни бошлаб юборишди. Сувда қутқарув гуруҳининг аксарияти ғаввослик кийимлари ва бошқа асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Улар сувга чўкаётганларни қутқариб қолишдан ташқари, биринчи навбатда тез тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларини ўзлаштириб олганлар.

Кундалик ҳаётимизда рўй бераётган бундай кўнгилсиз ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар республикамиз вилоятларидан тез-тез келиб турибди. Афсуски, сувга ғарқ бўлганларнинг ҳаммасининг ҳаётини сақлаб қолишни иложи бўлмаяпти. Айниқса, қўриқланмайдиган сув ҳавзаларида бундай аянчли ҳолатлар кўпроқ учрамоқда.

Ачинарли томони шундаки, вазирлик навбатчилик қисмига келаётган баъзи маълумотларга кўра, сувда чўкаётганларнинг аксариятини болалар ташкил этади.

Ҳар бир эҳтиётсизлик ёши ва жинсидан қатъи назар инсон ҳаёти учун қимматга тушиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар қандай фуқаронинг чўмилишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиши тавсия этилади. Нафақат катта сув ҳавзаларида, балки кичик дарёлар ва истироҳат боғларидаги кўлларда чўмилишда ҳам эҳтиёт бўлиш керак. Бундай жойларда болаларнинг назоратсиз чўмилишига йўл қўймаслик талаб этилади.

Азамат СУЮНОВ

ҚОРАҚАЛПОҚ БОЛАЛАРИ АНДИЖОНДА

Андижон темир йўл вокзалида Қорақалпоғистон Республикасидан Андижон вилоятига дам олиш учун ташриф буюрган 250 нафар болани кутиб олиш маросими бўлди. Тантанали тадбирда сўзга чиққан мезбонлар болаларнинг мазмунли дам олишлари учун яратилган шарт-шароитлар хусусида гапирдилар. Маросим сўнггида қорақалпоғистонлик ёш меҳмонлар вилоятдаги барча шароитларга эга бўлган болалар оромгоҳларига кузатиб қўйилди.

Бугунги кунда болажонларимиз Булоқбоши туманидаги "Шифокор", "Энергетик", Ёрқишлоқдаги "Олтин бошоқ" ва Завроқдаги "Қалдирғоч" болалар оромгоҳларида мириқиб дам олишаётир.

О.СИДДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбири

ТАЪТИЛНИ МАЗМУНЛИ ЎТКАЗАДИЛАР

Yozgi ta'til

Қашқадарё вилояти ёш техниклар марказида бугунги кунда 44 та тўгарак ишлаб турибди. Хусусан, 450 нафар ўқувчи-ёшлар ана шу тўгарак аъзолари сифатида турли мусобақаларда, кўрик-танловларда иштирок этишиб, тенгдошларига намуна бўлиб келмоқдалар. Жумладан, ўқувчиларимиз Элнур Пўлатов ва Мадина Пардаевалар ўтган йили республика миқёсидаги «Сеҳрли ёғду» кино-фестивалида «Қора Зоғча» фильми учун Гран-При соҳиби бўлишди. Транспорт ва ҳарбий техника соҳасида ўтказилган «Ихтирочи болалар - 2004» республика танловида қатнашган ўқувчиларимиздан Комил Тошев «Агросаноат» йўналиши бўйича 2-ўринни қўлга киритди. Шу йилнинг баҳорида бўлиб ўтган «Варраклар байрами»да ҳам вилоятимиз номидан иштирок этган Лазиз Тиловов ва Баҳром Каримовлар фахрли ўринлар соҳиби бўлишди. Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Шу йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтган эди. Мажлисда барча турдаги оромгоҳларни мавсумга шай қилиш чора-тадбирлари билан бир қаторда оромгоҳларга малакали ва моҳир педагог-тарбиячи, етакчи ва бошқа мутахассисларни жалб этиш, ёшлар онгига миллий истиқлол, Ватанга муҳаббат, юртга садоқат ғояларини сингдиришга қаратилган маърифий-маънавий тадбирларни юксак савияда ўтказиш лозимлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилган эди. Қашқадарё вилоят ёш техниклар маркази ўз фаолияти ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бир қатор тадбирлар дастурини ишлаб чиқди. Унга кўра, вилоятимиздаги барча дам олиш оромгоҳларида семинар-тренинглар уюштириш, турли тўгараклар ташкил этиш масалалари кўзда тутилди. Ва бу ишлар айни пайтда амалга оширилмоқда. Яъни вилоятда мавжуд барча оромгоҳларга ходимларимиз бириктирилиб, болаларга ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, таксомания ва шунга ўхшаш зарарли қусурлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, кўнгилсиз оқибатлари каби масалалар юзасидан семинар-машғулотлар ўтишмоқда. Марказимизнинг маънавият ва маърифат бўлими томонидан уюштирилаётган бу тадбирлар болажонларимизнинг нафақат кўнгилли ҳордиқ олишлари, қолаверса, ўзларида маънавий ва мафкуравий жиҳатдан мустаҳкам иммунитет ҳосил қилишлари учун ҳам жуда фойдали. Бундан ташқари вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камалак» болалар ташкилоти Қашқадарё бўлими билан ҳам ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказиш ниятимиз бор.

Албатта, болажонларимиз ёзги оромгоҳларни турли ўйинлар, куй-қўшиқлар, янги дўстлар оғушида ўтказишни хуш кўрадилар. Шу билан бирга турли тўгаракларга қатнашишни, ўрганганларини ўз қўллари билан ясаб кўришни, ўзлари қизиққан нарсалар ҳақида маълумотга эга бўлишни жуда-жуда хоҳлашади. Шуларни эътиборга олиб, биз улар учун оромгоҳларда ҳам турли тўгарак машғулотларини бошлаб юбордик. «Бошланғич техник моделлаштириш», «Автомодель», «Картинг», «Варраклар», «Кемасозлик», «Фазогирлар» каби 48 та техник тўгаракларимиз мавсум мобайнида болажонларимиз учун хизмат қилади.

Фазилат СУЛТОНОВА,
Қашқадарё вилояти ёш техниклар маркази «Маънавият ва маърифат» бўлими бошлиғи

Masalning katta syujetli shakllari munozara nomi bilan ham yuritilgan.

Tadqiqot

ИККИ МИСРАЛИ МАСАЛ

Масал жаҳон адабиётида жуда эрта пайдо бўлган жанрлардан. Шу сабабли бу жанрнинг туғилиши, шаклланиши ва унинг назарий асослари адабиётшунослигимизда кенг ўрганилган.

Адабиётшуносликка оид луғатларда ҳамда адабиёт назариясига доир дарслик ва қўлланмаларда масал жанрига хос киноялик хусусиятларига алоҳида урғу берилади: «Масал — ахлоқий, сатирик ва кесатиқ, мазмунини киноявий образларда акс эттирган аксарият кичик шеърий, баъзан насрий асар». Масал жанри хусусиятларига урғу берилган қуйидаги таъриф ҳам эътиборни тортади: «Бир тугунли воқеа қаламга олиниб, характерлар тасвири киноявий, мажозий тус олган жойда масал юзага келади. Масал энг қадимий лирик-эпик жанрлардан биридир. Эзоп масаллари ёки машҳур ҳинд зарбулмасали «Калила ва Димна»нинг минг йиллардан буён давом этиб келаётган шуҳрати бунинг ёрқин далилидир. Аммо ўтган беҳисоб асрлар мобайнида масалнинг жанрий қиёфаси, тасвир предмети ва эстетик вазифаси деярли ўзгаришсиз қолди. Даврлар оша давом этиб келаётган анъанага кўра, масал одатда икки қисмдан иборат бўлади. Биринчи қисми бирор воқеа-ҳодиса ихчам тарзда баён этилиб, иккинчи қисмда ундан чиқарилган хулоса, ҳикмат ўқувчига ҳавола этилади. Лирик ифода кўпинча масал пировардида, қиссадан чиқарилган ҳиссада яққол кўзга ташланади. Гулханийнинг «Туя билан бўталоқ» масалини эсланг».

Бу таърифда масал жанрининг қадимийлиги эътироф этилгани ҳолда, унинг икки қисмдан ташкил топишига урғу берилмоқда. Биринчи қисмда воқеа тасвирланади, иккинчисида эса тасвирланган воқеадан хулоса чиқарилади: ўқувчи учун ҳикматли, ибратомуз фикр айтилади. Масал жанрига хос бу анъана Гулханийнинг «Туя билан бўталоқ» асаригагина эмас, умуман, катта ҳажмли масалларнинг ҳаммасига хос хусусиятдир. Кичик ҳажмли — икки ёки тўрт мисрали масаллардан бундай анъанани талаб қилиб бўлмайди. Масалан, «Девону луғатит-турк»да келтирилган қуйидаги масалга эътибор берайлик:

Берувчи — арслон,
Олувчи — сичқон.

Бу шеър кичик масал жанрининг намунасидир. У атиги икки мисрадан тишкил топган. Унда анъанавий масалларга хос хусусият йўқ, яъни, асарни икки қисмга — воқелик ва ундан келиб чиқадиган ҳиссага ажратиб бўлмайди. Чунки, биринчидан, жанрнинг имконияти, яъни, қисқалик бунга йўл қўймайди, иккинчидан, кичик масал жанрининг ўзига хос хусусияти шундаки, ундан ҳиссахулоса чиқариш ўқувчининг ўзига ҳавола этилади.

Энди кичик масалнинг образлари ва ибратли мазмунига эътибор берайлик. Берувчи қарз берадиган кишидир. У пулдор шахс. Шу сабабли у қандай кўринишда, ожиз ёки сичқондек қўрқоқ бўлса-да, пулдорлиги уни бақувват, қўрқмас шахсга айлантиради. Олувчи қарз оладиган кишидир. Шу сабабли у йўлбарсдек бўлса-да, пулдор одамнинг қошида сичқончалик қуввати қолмайди. Чунки у муҳтож, бировдан пул олмоқда. Кичик масалда ифодаланган бу фикр ўқувчида хулоса чиқариш ҳиссини уйғотади. Қарздорлик ёмон нарса, шу сабабли ўзинг шердек бўлсанг-да, қарзга ботиб сичқондек қўрқув ичида юрма, дейилади масалда.

Кичик масалларни фарқлай олмаслик натижасида уни баъзан мақол, матал, баъзан эса ирсоли масал санъатига мансуб дейишади. Бунинг асосий сабаби, масал жанри табиатини қисса ва ҳисса нуқтаи назаридан баҳолашдир. Шунга кўра, бизнинг фикримизча, қадим туркий адабиётдан масал жанр намунасини катта ҳажмли шеърлардан эмас, умуман, бу жанр талабига жавоб берадиган кичик шеърлардан ҳам кўрсатиш хато бўлмайди. Ҳозиргача ўзбек адабиётида масал жанрининг намунаси ҳақида сўз кетганида, «Девону луғатит-турк»даги «Ёз ва қиш» мунозарасига оид шеърий парчалар назарда тутилади. Аслида «Девону луғатит-турк»да кичик масалларнинг бир неча яхши намуналари сақланган.

Девондаги кичик масаллар мавзу доирасининг ранг-баранглиги, образлар тизимининг бойлиги, шунингдек, ўзига хос шаклий хусусиятларга эга эканлиги билан ажралиб туради.

«Ирқ битиги»ни кўпчилик олимлар бадиий ижоднинг етук намунаси санаганлари ҳолда, унинг моҳиятини туш таъбири билан боғлашади. Кузатишимизча, «Ирқ битиги» даги шеърларда аллегорик образлар билан ҳаётни ифодалаш кучли. Фикримизнинг исботи учун қуйидаги парчани келтирамиз.

Айиқ билан тўнғиз
Довон устида тўқнашибди. Айиқнинг қорни ёрилибди.
Тўнғизнинг озиқ (тиш)и синибди, дейишади.
Билиб қўйинг, бу — ёмон.

«Ирқ битиги»даги бу парча туш таъбиридан кўра аллегорик характерга эгалиги билан ажралиб туради. Шеърдаги Айиқ ва Тўнғиз — образлар. Жангдаги Айиқнинг қорни ёрилиши ва Тўнғизнинг озиқ тиши синиши улар ўртасидаги муросасизликни кўрсатади, мантиқий ҳукм эса «Билиб қўйинг, бу — ёмон» деган хулоса билан тугайди. «Ирқ битиги»даги ҳар бир шеърнинг якуний хулосаси «ёмон», «яхши» сўзлар билан тугаган. Бизнинг фикримизча, бу шеърлар қадимги туркий адабиётдаги ёзма шаклдаги масалларнинг илк намуналари.

Демак, юқоридаги кузатишлардан шундай хулосага келиш мумкин: ўзбек адабиёти тарихида масал қадимий жанрлардан биридир. Бу жанрнинг дастлабки намуналари халқ оғзаки ижодида пайдо бўлган. Масалнинг катта сюжетли шакллари мунозара номи билан ҳам юритилган. Бу шаклдаги масаллар адабиётшуносликда кенг ўрганилган. Лекин унинг кичик жанрлари ҳали чуқур таҳлил этилмаган. Масалнинг бу хили баъзан матал, мақол ёки ҳикматли сўз тарзида номланса-да, аслида масалнинг митти намунасидир.

Феруза БЎРИЕВА,
СамДУ аспиранти

ШЕЪР САНЪАТЛАРИ

Nazm saboqlari

МУЛАММАЪ САНЪАТИ

Муламмаъ атамаси арабча: ярқироқ, ранг-баранг маъносига эга. Муламмаъ деб икки ёки уч тилда махсус битилган шеърга айтилади. Мумтоз адабиётимиз тарихида арабча-форсча, арабча-ўзбекча, арабча-озарбойжонча, тожикча-ўзбекча муламмаълар кўплаб учрайди. Кейинчалик ўзбекча-тожикча-русча муламмаълар ҳам ёзила бошланган.

Чунончи, Ҳофиз Шерозийдан:

Ало ё айюҳас соқий адир каъсан ва новилҳо,
Ки ишқ осон намуд аввал, вале уфтод мушкилҳо.

Алишер Навоийдан:

Ашрақат мин акси шамсил каъси анвор ул- худо,
Ёр аксин майда кўр! — деб жомдин чикди садо.

Муҳаммад Фузулий девонининг бош байти:

Қад анорал ишқу лил ушшоқи минҳожал ...худо,
Солики роҳи ҳақиқат ишқа айлар иқтидо.

Мазкур муламмаълар намуналари араб ва форс-тожик; араб ва ўзбек; араб ва озарбойжон тилларида яратилгандир.

Икки тил сўзлари асосида яратилган муламмаълар ширу шакар дейилади.

Уч тил сўзлари асосида яратилган муламмаъларни шаҳду ширу шакар дейиш расмдир. Шир — сут, шаҳд — асал.

Тожик ва ўзбек тилларида яратилган ширу шакар намунаси:

Хўжандлик шоир Фахрий Рўмонийдан:

Васфи ҳуснатро бигўям дилбари олижаноб,
Муддаоға ёз такаллум тишларинг дурри хушоб.

Мазкур матлаъ билан бошланган муламмаъ шеър бошдан охиригача ана шу тарзда: бир мисра ўзбекча ва бир мисра тожикча мунтазам давом этади.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш - шуаро» тазкирасида Алишер Навоийга бағишланган қасида бўлиб, унинг бир байти ўзбекча ва навбатдаги байти тожикча давом этаверади:

Эй қароқчи кўзларинг сарфитнаи даври қамар,
Кокили шабгуни мушкининг балое бар сари.
Чун каломат мантиқи тўти надорад ҳолате,
Бо лабат шаккартари чу буд чу ту ширинтари.

Хўжандлик шоир Тошхожа Асирийнинг муламмаъси шаҳду ширу шакардир, яъни уч тилдаги сўзлар асосида бунёд топган:

Гуфто зи раҳи ҳавопарасти:
«Приходите ко мне в гости».
Бир байти мурассаъ ичра кирдим,
Маржонидин ушбу зарни тердим.

ИЙҲОМ САНЪАТИ

Ийҳом санъати деб байтдаги бирор сўзни икки ёки уч маънода ишлатиш усулига айтилади. Ийҳом санъатини қўллаган шоир шундай йўл тутадики, кўп маъноли сўзнинг ҳар бир маъносига мисра мазмуни мувофиқ келади.

Мавлоно Лутфий ижодидан:

Кун тушта кўргали сени тушти заволга,
Ой тонгга қолди, кеча боқиб ул жамолга.

Биринчи мисрадаги «туш» сўзининг «туш пайти» ва «уйқудаги туш» маъноларига мувофиқ мазмунига аҳамият берайлик:

1. Қуёш сени туш пайтида кўриш учун қуйилашиб кета бошлади.
2. Қуёш сени тушида кўриш учун ботади.

Иккинчи мисрадаги «тонг» сўзининг «эрталаб» ва «кучли ҳайрат» маъноларига мувофиқ икки хил мазмунини кўрайлик:

1. Ой кечаси унинг жамолига боқиб, тонггача қолиб кетди.
2. Ой кечаси унинг жамолига боқиб, ҳайратда қолди.

Мавлоно Лутфийнинг энди келтириладиган байтида ийҳом кўрсаткичи бўлган сўз биттадир: «сафина» сўзининг икки маъноси: девон ва кема:

Лутфий каломи етса Самарқанд аҳлина,
Амудин ўтмас эди Хўжандий сафинаси.

Иккинчи мисранинг икки хил мазмунини кузатайлик:

1. Хўжандий кемаси Амударёдан ўтмас эди.
2. Хўжандий девони Амударёдан ўтмас эди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қуйидаги байтида ҳам бир ийҳом кўрсаткичи — «сўрорим» сўзи қўлланилган ва у «сўрмоқчиман» ва «сўрамоқчиман» маънолари ифодасига мос келади:

Лабинг бағримни қон қилди, кўзимдин қон равон қилди,
Нега ҳолим ёмон қилди, мен андин бир сўрорим бор.

Мумтоз адабиётимизда ийҳомларнинг анъанавий хиллари ҳам бўлиб, икки маънолилик куй ва шаҳар номларига асосланади:

Ижозат бўлса, эй султони хўбон,
Ўқуйин бу ғазални дар Сифаҳон.

(Саид Аҳмад)

Иккинчи мисранинг мазмунлари:

а) Бу ғазални Исфаҳон оҳангида қўшиқ қилиб айтай.
б) Бу ғазални Исфаҳон шаҳрида ўқийин.

ИТТИФОҚ САНЪАТИ

Иттифоқ санъати — шоир тахаллуси, асар номи ёки қаҳрамон исмини ўзича эмас, аксинча турдош отда ифодалаш орқали ўша шоир, ўша асар ёки каҳрамонни эслатиш усулидир.

Маълумки, ғазал мақтаъида шоир тахаллуси қатнашади. Иттифоқ санъати қўлланилганда, ўша тахаллус қатнашмайди, балки ўша атоқли от — турдош от тарзида учрайди. Шундай бўлса-да, ўқувчи матндан шоир кимлигини билиб олади. Чунончи, ниҳон — яширин сўзига Ҳамза девонида дуч келган киши Ҳамзанинг Ниҳон тахаллусида ижод қилганини билгани учун шеърни ўқиганда дарҳол Ҳамзани эслайди:

Вах, сен юрарсан кечалар ағёр базмида <u>ниҳон</u>,
Мен қачон васлингга ёлғуз қонаман тонг откуча?

Олим ва нашриёт мутахассисларининг бу санъатдан ғофилликлари туфайли иттифоқ санъати қўлланилган байтлар қисмати ёмон кечади: мазмун мавҳумлашиб, байтдан ҳеч нарсани тушуниб бўлмайди ёки шоирнинг ўзи ёмонотлиқ бўлиб чиқади. Масалан, Ҳамза асарлари нашрларининг кўпида, хусусан, келтирилган мисрада ҳам "Ниҳон" сўзи атоқли отда берилиб, ағёрлар базмида юрувчи киши Ҳамзанинг ўзи бўлиб қолган.

Ёки Мавлоно Муқимийнинг қуйидаги байти ҳам барча нашрларда тубандагидек берилиб, мазмундан маҳрум этилган:

Висолинг лаззатидан маззалар топган
ҳарифлар ҳам,
Келиб ойлар, Муқимий, Янги Қўрғон ўлди бир
менму?

Мазкур байтни қуйидагидай тузатиш мумкин:

Висолинг лаззатидан маззалар топган
ҳарифлар ҳам,
Келиб ойлар <u>муқими</u> Янги Қўрғон ўлди бир менму?

Хоразмлик шоир Фақирий асарлар номларида иттифоқ санъатини қўллаган:

Келса бетаклиф <u>маҳбубул қулублар</u> субҳу шом,
Бўлса бу янглиғ ҳамиша чун <u>гулистон</u> бўлди печ.

Бу байтни ўқиган китобхон беихтиёр Алишер Навоийнинг «Маҳбуб-ул-қулуб» ва Саъдий Шерозийнинг "Гулистон" асарларини эслайди.

Уйғур шоири Низорийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонида қаҳрамон исмида иттифоқ санъати қўлланилган. Қуйидаги байтни ўқиган киши гап Мулкоро ҳақида кетаётганини сезади:

Вазири анинг мулкорои Чин,
Анинг ақлида зебафзои Чин.

Ваҳоб РАҲМОН

Teran tomirlar

УЧИНЧИ МУАЛЛИМ

Ўтган 2003 йилда Эгей университети профессори, таниқли адабиётшунос Явуз Акпинар Исмоил Гаспринский (Гаспрали) "Танланган асарлари" уч жилдлигининг 1-жилдини чоп эттирган эди. Бу йил, яқинда унинг 2-жилди босмадан чиқди. Гаспрали асарларининг ушбу нашри турк-ислом маданий дунёсининг чиндан-да эътиборга лойиқ ҳодисаларидандир.

Гап шундаки, бу асарлар муаллифи вафотидан буён бир жойга тўпланиб, нашр қилинмаган эди. Аксинча, шўролар ҳукумати Русия жадидчилик ҳаракатининг якдил эътироф этилган бу бонийсини ўзининг илк куниданоқ биринчи душмани деб эълон қилди. Юраклардан ситиб чиқармоқчи, ёш авлод қалбида унинг ёвуз бир душман қиёфасини яратиб, нафрат ҳиссини тарбияламоқчи бўлди. Шу мақсад билан Салачиқ(Боқчасарой)даги қабрини буздириб ташлади, тепасига чўчқахона қурдирди. Афсонадай гўзал ва муқаддас гўшага "жиннихона"ни жойлаштирди... У ишлаган "Занжирли" мадрасаси... ҳожатхонага айлантирилди... Унинг сиймоси хиралашмадими? Йўқ, 1991 йил 18-23 мартда унинг таваллуди 140 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуман бўлиб ўтган эди. Воқеани дунёнинг турли жойларидан келган уч юзга яқин меҳмон ўз кўзи билан кўрди. Ва бу ҳақда ёздилар.

Нега бу қадар шафқатсизлик, дерсиз. Ажабланадиган жойи йўқ. – Мафкура! Биринчидан, Исмоилбек социализм деган гапни 1885 йилда, ҳали бешикдалигидаёқ кескин рад этган ва унинг фожиали оқибатини бирма-бир кўрсатиб берган эди. Иккинчидан, унинг бутун умиди бир вақтлар дунёга дунёдорлик қилган, замонлар тақозоси билан беқиёс юксакликлардан оёқлар остига тушиб, хор ва забун бўлган миллатни уйғотмоқ, бир-бирига танитмоқ, истиқлол учун кураш йўлига солмоқ эди. Кўринганидек, Исмоилбекнинг ҳар икки аъмоли ҳам шўроларнинг мақсад ва интилишларига зид эди. Шу маънода у "душман" эди. "Душман" билан муроса шўролар учун ёт эди. У "таслим бўлмаса, янчиб ташланар"ди.

Бугун бу ном мустақиллигимиз туфайли яна халққа қайтди. Турли муносабат билан тилга олиниб турибди. Биров озроқ, биров кўпроқ дегандай, хабардор. Лекин кўпчиликда, шунчаки бир маърифатчи-да, деган тушунчадан нарига ўтмайди. Ҳолбуки, бу унчалик тўғри эмас. Буни шундан ҳам билса бўладики, дунё уни ҳеч бир вақт эсдан чиқармади. А. Беннингсен (Париж, 1920)дан С.Зенковскийгача (Кембриж, 1960) ёздилар. Диссертациялар (Бурбил, Гамбург, 1950; Лаззерини, Вашингтон, 1973) майдонга келди. Фақат шўролар ва "социалистик лагер" деганимиз сўнгги дамларигача "миллатчи", "пантуркист", "панисломист" тамғалари остида қоралашда давом этган эдилар. Не бахтки, бугун замон ўзгариб, бу тушунчаларнинг ўзи янгича талқин қилина бошлади. Масалан, бугунги таниқли рус сиёсатшуносларидан проф. С.М.Червонная бир қатор мақолаларида Гаспринский "пантуркизм"ини ўша давр миллатлараро муроса йўлини излашдаги энг оқилона ва демократик ғоя сифатида шарҳлайди.

Муддаога ўтайлик. Гаспрали бугун бизга ҳамкор бўла оладими? Албатта, бўла олади! Бўла оладигина эмас, маънавиятимизни биз усиз тўлақонли тасаввур қила олмаймиз. Биринчи навбатда, ёш авлод тарбиясида, ўзликни англашда, иккинчидан, истиқлолни қадрлашда, бугуннинг қадрига етишда. Буни изоҳлашга киришишдан олдин Гаспрали феноменининг майдонга келиш шарт-шароити ва маърифатчи босиб ўтган йўлга бир назар ташлайлик.

Исмоилбек Русия ҳукуматига хизмати сингган ва дворянлик мартабасига кўтарилган ўзига тўқ ва эътиборли хонадонда туғилиб ўсди. Унинг отаси Мустафо машҳур генерал М.С.Воронцовнинг шарқ тиллари бўйича таржимони эди. Ота фарзандини ҳарбий қилмоқчи бўлди. Воронеждаги зобитлик мактабига берди. Сўнг ўқишини Москвага 2-ҳарбий гимназияга кўчирди. Замон шиддатли эди. У "фавқулодда муваффақият билан" ("изрядним успехом") 3-синфни битирган 1867 йилда Европа миллий ўзлик "дарди" билан тўлғонар, Русия эса, рус қиличи ва кучини намойиш қилароқ олис Туркистоннинг қадим шаҳарларини бирин-кетин ўз тасарруфига киритиб борар эди. Чамаси, бу воқеалар гимназияда ҳам, унинг ташқарисида ҳам қизғин муҳокама қилинган. Хуллас, миллий кимлик ўртага тушадию, 17 ёшли Исмоил гимназиянинг мутасаддилари ва "Московские ведомости" газетаси ҳамда "Русский вестник" журнали бош муҳаррири М.Н. Катков билан тўқнашиб қолади. Шу билан 4-синфда ўқишдан ҳайдалади. 1870 йилда Симферопол гимназиясини экстерн тугатиб, "Занжирли" мадрасасида рус тилидан дарс бера бошлайди. 1871 йилда Францияга боради. Маълумотларга қараганда, Сорбонна университетига қатнайди. Машҳур И.С.Тургеневга котиблик қилади. Қайтишда Туркияда қолиб, араб, форс тилларини ўрганади. Хуллас, 5 йиллик саёҳатдан сўнг яна Боқчасаройда ўқитувчилик қила бошлайди. 1878 йилда уни Боқчасарой шаҳар Думасига аъзо қилиб сайлайдилар. 1879-1884 йилларда шаҳар ҳокими (городской голова) бўлиб ишлайди.

Исмоилбек маориф ва матбуотнинг жамиятни янгилашдаги буюк ролини шу йиллари англаб етди ва у билан бевосита шуғулланишга киришди. Унинг илк асари 1881 йилда "Русское мусульманство" номи билан рус тилида чоп этилган эди. Асарнинг ғояси шундай: тақдир тақозоси билан Русия турк-ислом дунёсининг жуда катта қисмини забт этди. Унинг бу юриши жанубдаги иссиқ денгизларгача давом этиши муқаррар. Майли, бу бошқа масала. Лекин энди биз тил ва маданияти, урф-удумию эътиқоди тамом бошқа бўлган "мусулмонлар" (у пайтлари Русия ҳудудидаги барча туркий халқлар бир ном-"мусулмонлар", руслар томонидан эса, "ғайрирус" — "инородец" деб аталган)нинг тақдири қандай бўлади? Иккита йўл бор, давом этади, муаллиф. Бири— ассимиляция; иккинчиси—ҳамкорлик. Русия ўз ҳудуди доирасида ҳар икки йўлдан фойдаланиб турибди. Польшада ассимиляция жараёни кетмоқда, Финляндияда — ҳамкорлик. Биз билан нима қилар экан? Муаллиф кўпдан-кўп тарихий фактлар, муқоясалар ёрдамида биринчи йўлнинг самарасиз ва ҳалокатли эканлигини исботлаб беради, иккинчи йўлни — туркий халқларни ўз анъанавий маориф усулларини такомиллаштириш ва замонавийлаштиришга ёрдам бериш орқали уларни тараққий қилган миллатлар қаторига кўтариш ва мамлакатни бирлиқда идора этишни таклиф этади. Шу аснода Европа университетларига андоза бўлган, ўз навбатида жаҳонга ўнлаб буюкларни етказган Шарқнинг олий мадрасалари, жумладан, уларда йигирмага яқин табиий фанлар ўқитилганини мисол қилиб келтиради... Табиийки, великорус шовинизми рисолани қаҳру ғазаб билан кутиб олди. 1882 йилнинг ёзида Тошкентда "Ғайрирус мусулмонларнинг маорифини қандай бош тамойиллар асосига қурмоқ керак?" деган мазмунда юксак доирада бир семинар-кенгаш чақирилди. Ва иккита бош тамойил белгиланди: 1. Руслаштирмоқ; 2. Исломни бузмоқ. Гаспринский таклифи қатъиян рад этилди. Уни бу ишларга аралашмоққа тамом ҳақсиз топдилар. Рисолага рухсат берган Кавказ цензураси шаънига аччиқ гаплар айтилди. Ушбу таклифни қабул қилмоқ "қўйинда илонни асрамоқ" деб баҳоланди...

Исмоилбек қайтмади. 1883 йилда "Таржимон" газетаси ва шу номдаги босмахонани йўлга қўйди. У Русия қўл остидаги барча туркий халқларнинг қисматини бир билди. Улар бир-бирини таниса, бирлашса катта куч бўлишини, биргаликдагина мустақилликка эришишларини дил-дилдан ҳис қилди. Замон ва сиёсат можаролари уларни тарихдан узиб қўйган, бир-биридан айириб ташлаган, балки бирини иккинчисига қайраб, қаттол душман ҳолига келтирган эди. Қолаверса, замон ва макон айирмалари уларни тил жиҳатидан ҳам бир-бирларидан узоқлаштирган эди. Демак, умумий бир адабий тил керак. Буни биринчи вазифалардан билди. "Тилда, фикрда, ишда бирлик!"ни газетага шиор қилиб олди. Миллатни шавкатли тарихи билан танитишга, бугунги забун ҳолини кўрсатишга ҳаракат қилди. Туркистонга суянди. Мозий билан бугунини шафқатсиз муқояса қилар экан, унга буюк ўтмишгина эмас, умидбахш келажак ҳам деб қаради. Ўз саҳифаларида унга кенг ўрин берди. Феруз ва Абдулаҳадхондан генерал Жўрабеккача, Фурқатдан Чўлпонгача мудом эътиборида турди. Бадиий асарларининг бош қаҳрамонини туркистонлик қилиб олди. Амир Темурнинг ёвқур, эркпарвар, Ватан ва Миллат шаънини ҳар нарсадан муқаддас тутган тимсолини яратди ва цензура исканжасидан олиб ўтиб, эълон қилишга муваффақ бўлди. Газета 1918 йилгача давом этди. 3000 га яқин сони чиқди. "Олами нисвон" газетаси, "Олами сибён" мажалласи унга иловалар эди. Адади 5000 тага етди. Ўқувчилари дунёнинг деярли ҳамма мамлакатларида бор эди. Уни ўқимайдиган туркистонлик зиёлини топиш мушкул эди.

"Таржимон" босмахонаси юзга яқин турли-туман рисолалар чоп этган. Катта қисмини Гаспралининг ўз асарлари ташкил қилади. "Истилойи Туркистон" (Боқчасарой, "Таржимон", 1889), "Арузи туркий" (Боқчасарой, "Таржимон", 1897), "Туркистон уламоси" (Боқчасарой, "Таржимон", 1900), "Усули адаб" (Шарқ ва Ғарб қоидалари, Боқчасарой, "Таржимон", 1901), "Навоий Мир Алишер» (Боқчасарой, "Таржимон", 1902) кабилар шундайлардан эди.

1884 йилда эса янада жиддийроқ ишга қўл урди. "Усули жадид" номи билан янги мактаб очди. 40 кунда 9 ўқувчининг саводини чиқарди. Болалар ота-оналари ва тузилган ҳайъат иштирокида имтиҳондан муваффақият билан ўтдилар. Сўнг унинг олти ойлик дастури ва "Хожаи сибён" ("Болалар муаллими") деб аталган дарслиги, "Раҳбари муаллимин" номи билан ўқитувчилар учун кўрсатмаси яратилди. Мактабнинг деразалари қайси томонда бўлишидан тортиб, парталар қандай жойлаштирилиши, тахта ва бўрнинг туриш ўрнигача, дарс жадвалидан уларнинг мазмунигача, каттакичик танаффуслардан, таътил-имтиҳонларгача белгилаб берилди. Бу деярли бугунги мактабларимизнинг андозаси эди.

У муаллимни миллатнинг энг олижаноб, энг фидойи кишиси деб билди, уни шарафлади. "...Агар бизнинг орамизда яхши одамлар бўлсалар, улар бошлаб мактаб муаллимларидирлар. Агар бизда фойдали одамлар бўлсалар, булар ҳам улардир,—деб ёзган эди у 1884 йилда. – Агар орамизда ўзига ҳеч бир ҳурмат, мақтов, шуҳрат талаб этмай, бутун ғайратини ўқув-тарбия ишига, ҳақиқат йўлига сарф этган киши бўлсалар, булар ҳам муаллимлардир...

Шараф Сизга, муҳтарам ўқитувчилар!

Сизнинг фидойи меҳнатингиз қадрига етмаганимиз учун, Сизни фақирликда, муҳтожликда қолдирганимиз учун бизларни, ўқитган болаларингизнинг оталарини кечирингиз!"

1885 йилда янада жиддийроқ ва қалтисроқ бир масалага қўл урди. Европацентризмнинг моҳиятини ташкил этувчи Оврупо маданиятининг мумтозлиги ва устуворлиги ҳақидаги нуқтаи назар билан баҳсга киришди. Хусусан, бир-биридан воз кечган оталар ва болаларнинг, яъни капиталистлар ва коммунистларнинг ғайриахлоқий муносабатларида жуда катта мазмун кўрди. Киши ўз бахтсизлигини бошқалардан кўриши барҳам топмагунча, у ҳеч қачон бахтли бўла олмаслигини, етилиб келаётган инқилоблар тўфони яқин орада бутун Оврупони ҳалокат гирдобига тортажагини, "статистика" фани "яхши ишласа" бу фожианинг қачон бошланаяжагини аниқ айтиб бериш мумкинлигини таъкидлади. Ва асосли равишда рад этди. Инсоният Оврупонинг замонавий илму фани билан Ислом ахлоқини уйғунлаштиргандагина баркамол ва бахтли бўлишини ҳар томонлама исботлаб берди.

Бу буюк жасорат эди. Унда ҳаққонийликдан ташқари келажак маданият танланган бир миллат ёхуд минтақа эмас, умуминсониятнинг энг сара тафаккури ва аъмоли асосига қурилажаги ва бунда ислом оламининг ҳам муносиб ўрни бўлажаги ҳақидаги адолат мужассам эди.

19-аср Европасида ислом қизғин муҳокама объектига айланган. Гап шундаки, жаҳонгир Оврупо "қолоқ" ислом дунёсини бирин-кетин ўз мулкига айлантириб бормоқда, "илм" эса, унга "фатво" топиб бериш билан овора эди...

1883 йилда француз Эрнст Ренон Сорбонна университетида "ислом ва илм-фан" мавзуида бир маъруза ўқийди. Маъруза "Дес дебатс" журналида кетма-кет босилиб чиқади. Унинг бош ғояси "Ислом илмга тўсиқ бўлувчи диндир" деган фикр эди. Бунга дастлаб Номиқ Камол жавоб берди. "Оврупо Шарқни билмайди!" деб ёзди. Исмоилбек қисқа муддатда "Маданияти исломия" ва "Туркистон уламоси" номли икки рисола ва "Дорур-роҳат мусулмонлари" номли романини эълон қилди.

Исмоилбек ислом маданияти тушунчасига тўхтар экан, аввало, лотин ёзувида бўлган ҳар бир асар лотин маданияти ҳисобланмаганидек, араб тилида китоб ёзган ҳар бир олимнинг араб эмаслигига, ислом маданияти жуда кўп халқларнинг, шу жумладан, туркийларнинг ҳам маънавий мулки эканлигига диққатни қаратади. Иккинчидан, бугунги Европа маданияти, айрим ғарб олимлари даъво қилаётганларидек қадим Миср ва юнон маданиятининг бевосита давоми эмас, аксинча уни даставвал мусулмонлар қабул қилиб олиб, "тирилтирдилар" ва "замонавийлаштириб", "зарарсизлантириб", Оврупога топширдилар, деган нуқтаи назарни илгари суради. Америкалик Драбернинг "Оврупо ақлий тараққиёти" китобидаги "Оврупонинг бугунги улуғ зиёси мусулмонлар ёққан шам ва чироқларнинг ёғдусидан майдонга келгандир", — деган фикрларини янги-янги факт ва мисоллар билан далиллашга ҳаракат қилади.

"Дорур-роҳат мусулмонлари" буюк маърифатчининг келажак хаёлларидир. Адиб шундай бир мамлакатнинг манзарасини чизадики, у ерда ёлғиз адолат ҳукмрон. Юрт обод, фаровон. Дорур-роҳат деб аталган бу мамлакатда илм-фан ғоят ривожланган. Ҳаммаёқ — электроника. Яқинлашганингизда очилиб, чиқишингиз билан бекиладиган эшиклар. Ўзи ўчиб-ёнар чироқлар. Телевидение, видеотелефонлар, электромобиллар... (ҳолбуки, асар 1887 йилда босилиб чиққан, телевидение эса 1928 йилда кашф этилди). Халқи эса инсон эмас, фаришта. Бу мамлакатда жиноят нималигини билмайдилар. Бу ернинг бош қонуни — адолат. Хулоса: инсоният илм-фанга суянса, адолатни маҳкам тутса, шундай замонга етишади. Қаламга олинган мусулмонлар тақдири бунга тимсол.

Гаспрали ислом жамияти учун мутаассибликни энг катта офат деб билган эди. Ислом оламининг "қадимчи" ва "жадидчи"га бўлиниб, ўзаро мутаассибона низога киришишида тамаддун эмас, таназзул кўрди. Унингча, мутаассиб қадимчи ақидапарастлиги, ҳар қандай янгиликка нисбатан раддияпарварлиги билан нақадар хавфли бўлса, мутаассиб жадидчи ҳар қандай "эскилик"ка исёни билан шу қадар хавотирлик эди. У ўша 19-асрнинг 80-йилларидаёқ исломни ҳар хил сиёсий фитналарга дастмоя қилишга уринган ваҳҳобийлардан таймиячиларгача қатъиян рад этган эди.

Дунёнинг биноси, унингча, турфа фикр-қарашларни оқилона бирлаштирувчи муроса устига қурилмоғи лозим. Муроса учун эса, билим камлик қилади. Унинг учун юксак маърифат, маданият лозим. Маърифат илм билан кўнгилларни ёритмоқдир. Маданият эса кўнгилларни ёритган илмнинг амалиётидир. Дунё — маърифат ва маданият асосида бирлашгандагина камолотга йўл очилади. Маданият ва маърифатнинг моҳияти ҳақидаги бу нуқтаи назар чиндан ҳам янги эди. Арасту бир қатор илмларнинг асосини яратиб, уларнинг калитини авлодларга тутқазиб, "Устози аввал" рутбасини олган эди. Абу Наср Форобий уларни шарҳлади, ҳаётга татбиқ этди. ҳақли равишда "Муаллими соний", "Арастуйи соний" унвонларига мушарраф бўлди. Миллат васвасаси бутун жаҳон миқёсида ўзининг ҳадди аълосига кўтарилган бир даврда яшаган Исмоил Гаспринский ўз фаолияти ва асарлари билан Русия мусулмонлари қандай яшамоғи кераклиги ҳақидаги тамомила янги ва замонавий бир лойиҳани ўртага ташлади. Бу лойиҳа энг мўътадил ва энг беозор лойиҳа эди. Ва бу лойиҳа биргина Русия мусулмонлари эмас, балки башарият учун ҳам ўрнак ва андоза бўла олгулик эди. Унинг учинчи муаллимлиги шунда.

Шунинг учун ҳам унинг номзодини 1910 йилда Нобел мукофотига қўйган эдилар. Шунинг учун ҳам у вафот этган 1914 йилда бу қайғули воқеа ҳақида Қоҳирадан Ҳиндистонгача матбуот ёзиб чиқди. Наримон Наримонов "Басират" газетасида "Бугун Боқчасаройда синов майдони" номли мақола бостирди ва марҳумнинг қабр тошига "Агар миллат Сендай қаҳрамонини унутса, ўз ҳаётини барбод этажакдир", — деган ёзувни ўйиб ёзишни таклиф этди. Олис Туркистон эса унинг ўлимини энг катта мусибат сифатида қарши олди. Ўз қайғусини изҳор этмаган зиёли қолмади. Беҳбудийдан Чўлпонгача, Ибратдан Ҳамзагача ёздилар...

Исмоилбек асарлари нашри буюк маърифатчи билан танишувгина эмас, уни ҳамкору ҳамдаст тутмоқ учун ноёб бир имконият ҳамдир.

Бегали ҚОСИМОВ

Ko'zlarimning chuqurigacha yonib ketganday bo'ldi. Xonadonda hazil-hazilga boshlangan, biz xandon pista chaqib, sho'r danak yeb o'tirib tomosha qilgan "xonaki" kontsert, bugun "Yalla" ansambliga asos bo'ldi.

«ШЕЪРГА КЎЧСИН ЭНДИ ҲАЁТИМ»

Таниқли шоир ва ёзувчи Сайёр ҳаёт бўлганида 70 ёшга тўлган бўлар эди. У ўзининг 66 йиллик умр ва 45 йиллик сермаҳсул меҳнат фаолиятида авлодларга муносиб бадиий мерос қолдирди. Адибнинг "Бошсиз ҳайкал", "Қалб ҳарорати", "Фидойингман", "Денгиздан томчилар", "Чорраҳа", "Ўттиз ёшим", "Мусаффо фасл", "Ҳулкар", "Умр қўшиғи", "Уйқудаги тош", "Йиллаб кутганим" ва бошқа қатор 40 га яқин насрий ва назмий китоблари талайгина мухлислар орттирди. Уларнинг айримлари турли миллат тилларига таржима қилинган. Жумладан, Москва ва Киев нашриётларида чоп этилган "Встреча с солнцем", "Дни мои", "Созвездие большой медведицы", "Фонарь чабана", "Мудрость дороги", "Путовник" китоблари рус ва украин китобхонлари ораси-да кенг тарқалган эди.

Сайёр асарларининг асосий мазмуни ва ғояси ўзбек халқининг қадим миллий анъаналарини давом эттириш билан бирга уларга замонавий руҳ сингдирилган, умуминсоний, олижаноб хислатларни улуғлашга, Ватанга меҳр-муҳаббат, дўстга садоқат ҳамда мустақиллик шодиёналарини тараннум этишга қаратилган.

Шоир яхшигина адабиётшунос, танқидчи ҳам эди. Шунингдек, турли миллат ижодкорлари, машҳур шоир ва ёзувчилари билан яқиндан дўст ва ҳамкор тутинганлигини шоирнинг улар ҳақида ёзган хотира ва эсдаликлари кўрсатиб турибди. Сайёрнинг шундай эсдаликларидан бири — ўзбек эстрадасининг асосчиси Ботир Зокиров ҳақида ёзган хотирасини сиз азиз газетхонлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

Сарвар ФАЙЗУЛЛО

Xotira

САЙЁР

БОТИР ЗОКИРОВ ҚЎЙҒАН ТАМАЛ ТОШ

— Маро дебу! Маро дебу!

Юракни ларзага солади бу овоз. Унда ўйчан мунг, ҳижрон азоби, фарёд, фиғон, битмас-туганмас дард. Қушиқ эмас, юрак нидоси тараляпти.

Қушлар ҳам, дарахтлар ҳам, майса-гиёҳлар ҳам, ҳатто ўзи сас таратгувчи дарё-сойлар ҳам бу овоздан тебранади, чайқалади, ҳислар оғушида сарсон адашади...

Ботир Зокиров куйлаяпти!

Радиони тинглаб ўтирсам, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидаги мен ўтирган хонага ҳабашникидай тим қора, жингалак сочларини тузатиб, шаҳло кўзларини оловдек чақнатиб Ботир Зокиров кириб келдилар.

Ўрнимдан туриб кетдим. Қуюқ сўрашдик.

— Марҳамат, ўтиринг, Ботир ака!

— Ўтиришга фурсат йўқ. Сизни олиб кетгани келдим. Бугун ўзбек санъатида қўшиқчиликнинг янги оламига асос солинади. Шунга ҳисса қўшишингизни истардим.

Ҳаяжон билан Ботир акага эргашдим. Гарчи у киши мендан бир ёш кичик бўлсалар ҳам, Ботир ака, дейман. Шунга одат қилганман, кўникиб кетганмиз. У киши билан уларнинг уйида, хонаки концертда танишган эдим.

... Ботир ака билан пастга тушдик. Машина тайёр экан...

Ҳозирги Маннон Уйғур номидаги санъат институтининг кўримсизгина залига олдинмакейин кириб бордик. У ерда Шоҳбоз, Фаррух, Баҳодир ва яна уч йигит бизни кутиб олишди. Чеккароқдаги юмалоқ столда қоғозга ярим ўроғлиқ пряник бор эди. Гап орасида йигитчалар пряник кавшаб туришар, бўйинларига осиғлиқ гитаранинг узун-узун симлари полда судраларди.

— Шеър фабрикасининг ўзини йўлдан ола келдим! — дедилар Ботир ака мени таништириб.

Ҳаммамиз жилмайишдик. Ботир ака клавиши усти очиқ пианино олдидаги ғилдираксимон стулчага ўтирдилар.

— Фаррух, "Андижон полкаси"нинг нотасини бер.

Кейин у киши менга юзланиб:

— Мен пианинода зарб уриб тураман. Сиз оҳангни ўлчаб, ўшанга мисра терасиз. Ҳозирча қовурғасини тайёрлаймиз.

Ботир ака "Андижон полкаси"ни чала кетди. Мен тик турганча эшитдим. У киши яна қайтарди. Яна такрорлади. Мен жим туравердим, шунда Ботир ака:

— Шоир, ёзиб олинг. Ҳаммасини эслаб қололмайсиз. Чунки бу куй халқники. Ҳар бандда такт ўзгариб туради. Демак, шеър ҳам ўшанга қараб бошқача бўлиб боради.

— Хўп, аммо, Ботир ака, қаёққа келаётганимдан бехабар, на ручка, на қоғоз олибман! — дедим хижолат чекиб.

— Ана, холос. Энди нима қиламиз!?

Шунда Фаррух: — Мана, пряникнинг қоғози бўшади! — деди даҳал қоғознинг эзилган жойларини кафти билан силлиқлар экан.

— Баҳодир, йўл устида ўтирган қоровулга бор-чи, қаламини бир пасга олиб кел! — деди.

Баҳодир шошилиб институт йўлагига кетди.

Ботир ака биринчи тактни урди! Мен товуш чиқардим: "Ўйна, жоним, кел-кел жоним".

— Худди ўзи! — деб юборди Ботир ака.

Қалам ҳам етиб келди. Қизил бўёқ қалам экан. Учи яхши очилмаган. Ҳеч кимда қаламтарош йўқ. Тишим билан қаламни чала-чулпа очиб, ўша пряник ўралган даҳал қоғозга ёза бошладим:

Кел, кел, жоним,
Марҳабо, жоним,
Ўйна, жоним,
Танцуй, жоним!..

Кел, қиз, четда турма,
Кел, қиз, лабинг бурма,
Кел, қиз, кўзи наргиз,
Кел, қиз ўйна ҳаргиз...

Шу тарзда мен шеъримни сўнггигача давом этдим.

— Бўлди, Ботир ака! Бу энди эскизи. Уйга олиб кетиб эртага нечада олиб келай?

— Эрта-пертаси йўқ. Ҳозир шу ерда кўриб чиқинг, а, болалар, шундоқ ҳам маъқулми?

— Маъқулам гапми, бўлади! — деб юборди Фаррух.

— Йўқ, йўқ, кулги бўламан! — эътироз билдирдим қатъий.

— Энди бу қўшиқ бизники! — деди жиддий туриб Ботир ака ва: — яқинроқ келинглар, болалар, ҳозир ёдлаб, айта бошлаш лозим. Индинга ҳайъатга кўрсатамиз.

Ё мен жинниман, ё Ботир акамнинг эси йўқ, деб хафа бўлдим. Шунда Ботир ака:

— Шоир, сизни бояги машина ишхонангизга олиб бориб қўяди. Ташаккур! — дедилар-да, эшикка сари юрдилар. Машинагача кузатгани чиққан эканлар. Мен билан кетадилар, деб ўйловдим. Йўқ, машина олдига етганимизда:

— Саломатлик бўлса, ҳали кўп кўришамиз! — дедилар.

Ярим йўлда қолиб кетган йўловчидек паришонҳол ишга қайтдим. Ҳарҳолда, қилинган машқ кишига азиз, айниқса, қўлимда нусхаси йўқлиги, йўқолган пичоқнинг сопи олтин, деганларидек, бироз алам қилгандай бўлди...

Эртасига ҳаммаси унутилиб кетди. Индини кечда Ботир Зокиров уйга телефон қилди. Хотиним ҳаяжонланиб:

— Ботир Зокировман, деяпти! — деб ишонқирамай ажабланди.

Қўнғироқ дастасини қулоққа тутдим:

— Лаббай, Ботир ака!

— Эшитинг, шоир. Сиз Ўзбек эстрадаси туғилган кунга гувоҳ бўлдингиз. Гувоҳгина эмас, доя дейдими, дунёга қабул қилиб олганлардан бўлдингиз! Қутлаб, қучаман!..

Кўзларимнинг чуқуригача ёниб кетгандай бўлди. Хонадонда ҳазил-ҳазилга бошланган, биз хандон писта чақиб, шўр данак еб ўтириб томоша қилган "хонаки" концерт, бугун "Ялла" ансамблига асос бўлди. Бу тамал тошни Ботир Зокиров қўйди.

Қобилиятли одамлар ўзи шунақа бўлади. Йўлма-йўл савоб ишни қилиб кетаверади. Ўзи қилган, ўзи яратган ишнинг бунчалик зарурат эканини ҳам ўйлаб ўтирмайди. Бунёд қилиб, янгисини ижод қилаверади.

Кейинроқ Ботир ака билан ниҳоятда қадрдон бўлиб кетдик. Ўз концерт гуруҳига қўшиб ҳар замон-ҳар замонда мени ҳам сафарга олиб чиқадиган бўлди.

Сафарларимиздан бирида кутилмаган воқеа юз берди. Толимаржон насос қурилмасида авжи концерт пайтида электр чироғи ўчиб қолса бўладими?

Шунда мен ҳам хижолат бўлиб саҳна пардаси орқасида тургандим. Ботир Зокиров ғиразирада менга бир қараб олдилар-да:

— Виступает поэт Сайяр! — деб юбордилар. Роса ярим соат шеър ўқидим. Залда йиғилганлар: ўзбеклар, туркманлар, татарлар, руслар бўлгани учун кўпроқ ўрисча ўқиқга тўғри келди. Чироқ ёниб қолди. Ботир ака менга ташаккур айтиб концертини давом эттирди.

Ботир Зокировнинг консерватория орқасидаги хонадонида ўтириш бўлган эди. Ўшанда мен бир тоғора шакароб қилиб бергандим. Ботир ака:

— Шоир нимага қўл урса, ўша лаззат топади. Бошқа овқат қилмасанглар ҳам бўлади, Эркли! Бунақа қулинг ўргилсин аччиқ-чучукка ҳамма муккасидан кетиши турган гап, — дедилар.

Мақтовдан яйрагандим. Демак, оламдай катта юракларининг бир четида менга ҳам жичча меҳр томчиси борлигига беҳад суюндим.

У кишининг ташвишлари ёзувчилик, мусаввирлик, қўшиқчилик эди. Бир куни шоир Туроб Тўла:

— Ботиржон, сизни комсомол мукофотига тавсия қилдик! — деб қолдилар.

Ботир ака катта-катта кўзларини пирпиратиб:

— Мен Ботир Зокиров бўлиб қолдим. Энди ортиғи, ошпаловдан сўнг мошхўрда ичишдай беўрин бўлади. Укам Навфалга ҳозир жуда керак. У ижтимоий қўшиқлар ижрочиси бўляпти. Бу ҳам ўзига ҳос оқувчи бир ариқ. Шу мукофотингизни ўша ариққа буриб юборинг. Суви тўлиб оқса ажабмас, — дедилар. Астойдил айтдилар. Саволга ҳеч қандай ўрин қолмади. Оқибатда шундай бўлди. Навфал мукофот олди. Ана бағри кенглик, ана меҳр-оқибат...

Бир куни Ботир ака:

— Шоир, на ўрисча, на ўзбекча шеърларингиз газеталар даласида лоладай очилмаяпти-ку, — деб танбеҳ бердилар, ўша куни ўзи "Кайфият" деган шеър ёзган эдим, кимга ўқиб беришни билмай турувдим. Яхши бўлди, ўзлари сўраб қолдилар, ўқиб бердим:

Олам иши шундоқ яралган:
Кайфиятга боғлиқ ҳар мушкул.
Гоҳ хуш нидо,
гоҳ оҳ таралган,
Гоҳ руҳ ёруғ,
гоҳи у тушкун.

Ажаб, яқин дўстни учратсанг
Юрагингдан чиққандай
офтоб.
Ёв рўбарў келса
ҳолинг танг?!
Бутун умринг
ўтгандай хароб.
Оҳ, бу ҳаёт.
Оҳ, бундоқ турмуш,
Ечиб бўлмас
саноқсиз жумбоқ.
Ҳар қадамда уриб
турар мушт,
Бўлармикан бундан
кўз юммоқ?
Баҳорми ё қаҳри
қаттиқ қиш...
Ё ўлкангда хазонрезгилик,
Дея қолгин шу экан турмуш,
Қидиравер фақат эзгулик!!!
Шунда яшаш осон кўчади,
Енгилади ҳар қандоқ қийин...
Қалбингдаги фиғон ўчади,
Қолган ишга қор ёғсин...
Кейин...

Ўқиб бўлдим. Аммо телефон дастасида ҳеч қандай сас бўлмади.

— Ботир ака, узилиб қолди шекилли...

Яна жим. Телефон дастасини энди жойига қўймоқчи бўлиб турган эдим:

— Шоир, шеърга бугунги менинг кайфиятимни кўчирибсиз. Шеърдан бир нусха мен учун кўчириб келинг, — дея сухбатни тамом қилдилар.

Мен навбатдаги меҳнат ҳордиғига Москва атрофидаги Переделкино ижодий уйига кетган эдим. Ўша ерда Серафимович номидаги (у ҳам Москва атрофида) ижодий уйда бир йиллик ишни ўтаб келишга одат қилганман. Унинг устига устозим Миртемир ва Зулфия опамларга нашриётдан таржима учун берилган шеърларни улар улгуролмай қолишса, уни ҳам менга тақдим қилишарди. Аввало нашриёт қарзларини бажариб, жўнатиб юбораман-да, сўнг ўзимга шеър ёзишга киришардим. Ҳордиқ кунлари тугай деб қолганда шоир акам, Ёзувчилар уюшмамиз котиби Рамз Бобожонга қўнғироқ қиламан... Ўшанда қўнғироқ қилсам:

— Ўша ерда юра тур. Яшин домланг, умумий Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилгани уч ойга Москвага кетаяпти, — деб қолдилар. Маза бўлди, деб кафтни бир-бирига ишқалаб ишга киришиб кетдим.

... Тошкентга етиб келсам... дув-дув гап. Аэропортдаёқ... Кимсан, буюк ҳофиз Ботир Зокиров... оламдан ўтибди... деган ниҳоятда совуқ изғирин этимни жунжитиб юборди...

Аэропортдан тўғри Шоиста опам яшайдиган жойга шошилдим.

— Ҳазил бўлсин, ишқилиб! — дейман. Ахир Ботир ака чиндан ҳам ботир, баҳодир одам. Шунча оғир жарроҳлик аралашган ишларга дош берган. Неча бор ўлим чангалидан қутулиб чиққан...

... Аммо бу гал... ўлим енгибди... Оппоқ кўйлак, ҳарир рўмол бошларидан тушмайдиган Шоиста опам:

— Узоқ кетдингиз, шоир ўғлим. Ботир акангиз илҳақ бўлди. Сизга, ёлғиз сизга айтмоқчи бўлган гапи ҳам бор экан... — деб кўз ёш қилдилар. Ёнларида тик турганча Фаррух ва мен қон йиғладик... Қон йиғладик деганим тўғри. Ҳатто атрофимда ким борлигини ҳам билмасдим. Навфал аввалроқ кетганди... Карим ака ҳам. Қолганлар омон эди. Омон бўлишсин ишқилиб...

Яйра Абдуллаева ёнимга келиб:

— Ўзингизни қўлга олинг, ҳаммани йиғлатяпсиз. Шоиста опамни ўртаб юбордингиз, — деди.

— Гапдан ҳам шоирнинг оҳи оғир бўларкан... — деди у мени нари етаклаб...

Ботир ака Филармония театри фойесига қўйилди. Қўшиқ шинавандалари Ботир Зокиров билан алвидога келаверди... келаверди...

Туроб Тўла акам:

— Шеърни ўқиб берасанми? — дедилар мени чалғитиш учун.

Ҳаяжон ичида шеър ўқиб бера олмадим. Унга Ботир акам ўзлари сарлавҳа қўйган эдилар: "Қисмат амри" эди у шеър! У кишига бағишланганди:

... Қисмат амридаман. Неки ёзилган
Барисин кўраман кечми ё эрта...
Сабрини топади бу ҳақни билган,
Ҳаётнинг маъни ҳам асли шу ерда!
Қўшиқ — измимдан кет, шеър — сенга жавоб;
Мустақил яшайвер мендан ҳам кейин.
Олтин олиб юрма, ол фақат савоб!!!
Сенга осон бўлсин,
Бизларга қийин!..

Ботир аканинг бир севимли ибораси бор эди:

— Биз инсонлар — мисоли ўрдакмиз. Катта дарёдан чўчиймиз. У оқизиб кетади. Имонихтиёримиз дарё измида бўлади. Уни ёқтирмаймиз. Кўлмакни ёқтирамиз. Аммо у бизни ҳеч қаёққа олиб боролмайди. Жойимизда жой талашиб "вағваг" қилишаверамиз. Дунёга келиб, кетаверамиз...

Аммо бу гап Ботир Зокиров қисматига мос эмас. У катта дарёларда сузди, денгизга чиқди. Елкан каби олислардан оқариб товланди, товланиб оқарди. Унга оламнинг ва одамнинг нигоҳи тушди. У оламнинг эсида қолди.

— Ботир Зокиров номидаги "Ялла" ансамбли ҳузурингизда!

Неча йиллар давомида Фаррух Зокировнинг саҳнада янграётган овози, юзинчи, мингинчи, ўнмингинчи марта эълон бу!!! Ботир Зокиров, Ботир Зокиров!

Қулоғимга "Маро дебу" деган товуш чалинди... Ботир Зокиров куйлаяпти...

Raqqos keskin harakat bilan bir egildiyu ilonning dumidan o'pib oldi. Ko'nglim behuzur bo'lib, bu tomoshaxonani tark etdim.

МАХФИЙ КЕЛИШУВ

Россиянинг монополияга қарши курашувчи федерал хизмат вакилларининг ахборотига кўра, Астрахань вилоятида бензинни чакана сотиш қоидалари жиддий суратда бузилган. Воқеа сабабчилари бўлмиш «Газпром»нинг «Астрахангазпром» филиали ҳамда «Лукойл» очиқ акциядорлик компаниялари ёнилғи нархи бўйича ўзаро тил бириктиришган ва ишлаб чиқарилган бензиннинг 80 фоиздан кўпроқ қисмини бир хил нархда чакана савдога чиқаришган. Улар томонидан «Нормаль—80» бензин маркасининг амалдаги нархи 10,3 рубль, «Регуляр—92» маркасиники эса 12,4 рубль этиб белгиланган. Натижада монополияга қарши қабул қилинган норматившнинг рақобатга оид 6 та бандига риоя қилинмаган. Айни пайтда, бу иш юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

АВИАҲАЛОКАТ САБАБЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Шу ҳафта Сьерра—Леоне осмонида портлаб кетган Ми—8 МТВ вертолёти ҳалокати сабаблари ўрганилмоқда. Маълумингизки, авиаҳалокат натижасида 24 киши, жумладан 3 экипаж аъзоси ҳалок бўлган эди. Воқеа сешанба куни Москва вақти билан 13^{20} да рўй берганди. Қутқарувчиларнинг хабарига кўра, вертолёт Энегма аҳоли пунктига қўниш олдидан марказ билан радиоалоқани йўқотган. Тезкор гуруҳ эса бироздан сўнг вертолёт қолдиқларини посёлка яқинидаги ўрмондан топишган.

«ЮТЭЙР» авиакомпаниясига тегишли Ми—8МТВ вертолёти бу вақтга келиб капитал таъмирдан сўнг бор-йўғи 200 соат парвоз қилганди. Ваҳоланки унинг заҳира муддати 2100 соат эканлиги ҳақида маълумотлар бор. Устига-устак, экипаж командири Андрей Соков, иккинчи учувчи Владимир Михалицин ҳамда борт механиги Александр Новоселовлар профессонал кўрикдан ўтган тажрибали экипаж аъзолари саналишарди. Улар бошқарган вертолёт русуми эса дунёдаги энг хавфсиз учиш техникаларидан бири сифатида тан олинганлиги воқеани янада шубҳали кўринишга олиб келмоқда.

— Вертолёт жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб беришини ва малакали учувчилар бошқаруви остида бўлганини ҳисобга олганда, ҳалокат қандайдир техник носозлик ёки тажрибасизлик сабабли содир бўлмаган, балки уриб туширилган бўлиши ҳам мумкин, — дея хабар беради авиакомпания матбуот хизмати.

Эслатиб ўтамиз, «ЮТЭЙР» БМТ билан Жанубий ва Марказий Африка мамлакатлари миқёсида хизмат кўрсатиш юзасидан шартнома имзолаган. Сьерра—Леонеда эса бу шартнома 2000 йилдан бошлаб кучга кирган. Имзоланган ҳужжат асосида ҳозирда Африканинг ушбу давлатида авиакомпаниянинг 70 мутахассиси, 2 та Ми—26 ҳамда 6 та Ми-8МТВ (ҳалокатга учрагандан ташқари) вертолётлари ёрдамида БМТнинг шартномавий топшириқларини амалга ошириб келмоқда.

ТУРКИЯДА ЗИЛЗИЛА

Рейтер ахборот агентлигининг маълумотига қараганда, шу ҳафта, жума тунида Туркиянинг шимоли-ғарб қисмида кучли ер силкиниши кузатилди. Зилзила кучи Бингель шаҳри яқинида Рихтер шкаласи бўйича 6 баллни ташкил этди. Натижада 16 нафар киши қурбон бўлган, 20 нафарга яқин киши турли даражадаги тан жароҳатлари олган. Қурбон бўлганлар орасида ёш болалар ҳам бор. Ҳозирда қутқарув ишлари давом этмоқда. Жабрланганларга эса моддий ёрдам ва тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Интернет хабарлари асосида Саиджон МАХСУМОВ, Ойбек ШОСАИДОВ тайёрлади.

ТИНЧЛИКСЕВАР «ХОПИ»ЛАР

Dunyo odamlari

Колумбдан кейин Жанубий Америкага келган испан истилочилари бу ерда Европа тараққиётидан қолишмайдиган ўзига хос турмуш тарзининг гувоҳи бўлишган. Шимолий Америкада эса уларга нисбатан қолоқроқ, лекин жуда ажойиб халқлар яшаган.

Уларнинг заминига сўроқсиз қадам босган оқ танлиларга пистирмадан ҳужум қилиб, камон ва ўқлар билан нишонга теккиза оладиган буғдойранг одамлар бизга Фенимор Купер китоблари ва кўплаб кинофильмлар орқали яхши таниш. Ҳиндуларнинг афсоналари, диний қарашлари, урф-одат ва анъаналари, байрамлари ҳали-ҳануз этнограф, ёзувчи ва кинематографларни қизиқтириб келади. Бугунги кунда Шимолий Америка ҳиндулари кўчириб келинган ерларда яшашмоқда. Кўпгина туб жой аҳолиси ўз анъаналарига содиқ қолиб, Америка жамияти билан аралашиб кетмаган.

Шундай ажойиб қабилалардан бири Шимолий-шарқий Аризонадаги кўчириб келтирилган ерларда яхлит ҳолда яшайдиган хопилардир. Улар билан илк бор учрашган одам Коронадо бўлган. У Шимолий Америкага олтин шаҳри Эльдорадони излаб келган. 1540 йилда унинг гуруҳи баланд тоғлар этагида яшайдиган хопиларни учратган. Ҳиндулар уларни илиқ кутиб олган, бир нечтаси меҳмонларни Катта Дарага олиб бориб, йўл кўрсатишга розилик билдирган. Оқ танлилар дарё оҳактошларни емириб ташлаган ерлардан олтин излаган, лекин топа олмаган. Улардан кейин бу ерларга францискан — миссионерлари ва испан ҳарбийлари келишган. Улар ҳиндулар билан ёнма-ён яшаб, 50 йил мобайнида туб аҳолини ўз динларига эътиқод қилдиришга ҳаракат қилишган, лекин бу уларнинг қўлидан келмаган. Жонларига тегиб кетган «хира пашшалар»ни ҳиндулар 1689 йил қувиб солган. Уч диндор ўлдирилган, черковлар бузиб ташланган. Бироқ орадан 12 йил ўтиб, испанлар бу ерларга жазо гуруҳи билан келган.

Фақатгина очлик ва ҳосилнинг ёмон бўлиши бу эрксевар халқни тақдирга тан беришга мажбур этган. Ўша вақтлардаги қурғоқчилик маккажўхори ҳамда ловия экинзорларини нобуд қилган. Хопилар ерига жанговар сиулар, команчи ва апачилар тобора кўпроқ ҳужум уюштира бошлашди. Шундан кейингина хопилар испанларга қарам бўлишга розилик билдиришган. 1846 йилда ҳиндулар ери Қўшма Штатлар таркибига кирган. Ўша вақтда уларнинг жамоаларида ҳаммаси бўлиб 4 минг киши қолган эди. 1775 йилда эса хопилар 7,5 минг кишига етган. Ҳиндуларни ўзларига бўйсундириш учун келган кишилар қарасаки, хопиларнинг уларга ҳеч қандай зиёни тегмайди. Шундан сўнг бу қабилани маданийлаштириш жараёни бошланган. Ҳиндуларнинг болалари учун мактаблар қурилган, лекин улар осонликча болаларини мактабга беришга кўнишмаган. Қаршиликнинг сабабларидан бири, бегона маданиятни қабул қилишни истамаслик эди. Ахир ўзларининг йил давомида ўтказиладиган сонсиз анъана, байрамларида катталар билан бир қаторда болалар ҳам иштирок этишарди-да.

Орадаги низо 1891 йилда кучайди. Хопилар мактабни ёндириб ташлаймиз, деб пўписа қилишган. Кучлар тенг эмасди. 1895 йилда қабилаларнинг 19 нафар бошлиқлари Алькатрасда ҳокимият вакиллари билан келишув имзолаган. Бироқ ҳиндулар бу мажбурлаб сингдирилаётган қонун-қоидаларга узоқ қаршилик билдиришган. Уларнинг бир нечтаси ҳокимият вакилларини ҳақорат қилгани учун кўп бора қамалган ҳам. Охир-оқибат хопилар тақдирга тан беришган. Уларнинг баъзилари Америка жамияти билан аралашиб, шаҳарларга кўчиб ўтган. Касб-ҳунар ўрганиб, давлатнинг сиёсий ҳамда иқтисодий ҳаётига аралашиб кетган. Бироқ, уларнинг ўзига хос қабиласининг қолган вакиллари Аризонада яшаб, ҳамон қадимий анъаналарига содиқ бўлиб келишмоқда.

Хопи — ўтроқ қабила, пуэблолардан келиб чиққан бўлиб, ҳар бир қишлоқ бошида йилда бир сайланадиган бошқарувчи бўлади. Энг катта қишлоқ Орайба бўлиб, унинг тарихи саккиз асрга тенг экан. Бу қишлоқ кўчириб келтирилганларнинг расмий равишда тан олинмаган пойтахти ҳисобланади. Қишлоқлар тош ва лойдан қурилган уйлардан иборат. Улар тоғ этагида пастликка қараб буёнд этилган. Олдида айвони бор бу иморатлар табиат билан уйғунлашиб, чиройли манзара ҳосил қилган.

Бугунги кунда хопилар жамоаси 6 минг кишидан иборат. Қадим замонлардан бери бу ерда матриархал тузум сақланиб қолган. Қабила 30 сулолага бўлиниб, уларнинг ҳар бири ўз ривожланиш поғоналарига эга. Ҳар бир сулола бошида энг қари аёл туради. Турмушга чиққан қиз ота-онаси уйида қолади, куёв уларнинг қаторига қўшилади.

Хопи эркаклари азалдан деҳқончилик билан шуғулланиб, маккажўхори, ошқовоқ, ловия, қовун етиштирган, мол боқиб, қўйларни кўпайтирган. Эркаклар айниқса теридан тикиладиган оёқ кийим – мокасина ҳамда йўл-йўл чойшаб тикишни қойиллатишган. Аёллар уй-рўзғор юмушлари билан банд бўлган. Бундан ташқари улар сават тўқиб, жуда чиройли, мустаҳкам лой буюмлари — тувак, коса, кўзалар ясаган. Ҳар қандай ўтроқ ҳинду қабилалари каби хопилар ҳам тинчликсевар халқ. Шу жиҳатлари билан улар жанговар, кўчманчи қабилалардан фарқ қилишган.

Бу ажойиб халқнинг келиб чиқиши ҳали-ҳануз аниқ эмас. Хопиларнинг ўзлари эса уларнинг аждодлари ернинг тагидан чиқиб келиб, Аризонада яшашдан аввал жуда кўп жойларда яшаганликларини гапириб юрадилар. Боболари чиқиб кетган тўрт улкан ер ости хоналари — кивасга монанд қилиб, лой ва тошдан худди цилиндрга ўхшаган иморатни, ярми ерга киритилган ҳолда қуришади. Бу муқаддас уйларга кириш эшиги шифтдан очилган. Бу ерларда улар диний маросимларни ўтказадилар, қабила учун муҳим бўлган масалалар ҳал этилади, ёхуд шунчаки йиғилиб дам олишади. Қабила аёллари ўзига хос гуруҳларга ажралиб, кечқурунлари кивасга йиғилишади. Бу ерда улар аждодлари руҳи билан гаплашадилар. Бу ўтиришга эркаклар киритилмаган. Хопилар маданияти качина — ер тагидан чиқиб келган аждодларини улуғлайди. Ҳиндулар ўзларини улар билан тенглаштириб, ҳар бирида ўлганлар руҳи яшайди, деб ҳисоблаганлар.

Хопилар тилида замон тушунчаси умуман йўқ. Улар учун бугун, эрта, кеча йўқ. Ҳаммаси ягона бутунликда ҳисобланади. Ҳар бир хопи керак бўлиб қолганда ўз аждодидан маслаҳат олишига ишонади. Ўлганлар дунёси билан алоқа диний маросимлар чоғида амалга оширилади. Ҳиндуларнинг бундай байрамлари баъзан кечаю кундузлаб давом этади. Эркаклар қуш патлари билан ўзларини безаб, ғаройиб кийимларда аждодлари ва худоларга ўхшамоқчи бўладилар ва улар худо тимсоли ҳисобланган булутларга ўхшаб турланишади. Булутларга сиғиниш эса қурғоқчилик кўп бўлишидан, уларнинг ҳаётмамотлари ёғадиган ёмғирнинг кўп-озлигига боғлиқлигидандир. Аёллар бу маросимларда деярли иштирок этишмайди, шунчаки томошабин бўлиб туришади.

Энг муҳим байрамлардан бири — Сойялдир. У қишки қуёш кўтарилиш кунида нишонланади. Хопилар ўта сир сақлайдиган халқ бўлганликлари учун оқ танлиларни иложи борича бу байрамларига иштирок этишига қўйишмайди. Айнан шу сабабли бу байрамлар ҳақида кам маълумот йиғилган. Хопиларда маросим бошлиғи бўлмайди. Уларнинг ҳар бири қайсидир маънода шомондир. Маросимларнинг кўп қисми кивасниг пастки қаватларида уюштирилган. Хопилар бу муқаддас даргоҳга бирорта бегона қадам қўймаслигини қаттиқ назорат қилишади. Агар бир бегона келиб қолса, бу ер ҳақоратланган дея, кивасни тупроқ билан кўмиб ташлашган.

Бошқа қабила вакиллари билан никоҳ камдан-кам учрайдиган ҳодиса ва уни унчалик хушлашмайди. Калифорниялик ёш ҳайдовчи Жеймс Моррисон 1985 йилда Зангори Эчки деб аталган қизга уйланган. Ўша йилиёқ у хопиларнинг асосий байрамларидан ҳисобланган — Илонлар рақси байрамида иштирок этган. Август ойининг охирларида нишонланадиган бу байрам ҳақида Жеймс шундай дейди: — Биз Эннининг қишлоғига кечга томон етиб келдик. Уни қабиладошлари таржима қилинганда Зангори Эчки деб чақиришлари қулоғимга ғалати эшитиларди. Ҳаммаси ўйинга ўхшаб кетарди. Эннининг қариндош-уруғлари мен билан оғир-босиққина кўришишди. Уларнинг бўғиздан чиқадиган товушлари қулоғимни қоматга келтирарди. Хотиним уларнинг гапларини баъзан таржима қилиб берар, баъзида эса менинг ғазабимни қўзғатиб, таржима қилишдан бош тортарди. Бир гал Эннининг онаси бизга егулик олиб келиб, холи қолдирди.

Тонгда мутлақ сукунатдан ҳайратга тушдим. Уйда ҳеч ким йўқ, ҳатто кўчада ҳам бирон одам нишонаси кўринмасди. Аниқ бўлишича, ҳамма кивасга кетибди. Энни бугун менга Илонлар рақси — муқаддас куни эканлигини тушунтирди. Мен юксак шарафга лойиқ кўрилибман, яъни менга ҳам маросимнинг якунловчи қисмида иштирок этишга рухсат берилибди. Тахминан соат учларгача биз ёлғиз қолдик. Кейин эса бир болакай югуриб келиб, бизни байрамга таклиф этди.

Унчалик катта бўлмаган майдонга келдик. Аёллар ва болалар доира шаклида ўтириб олишган, ўртада эркаклар рақс тушишарди. Кўп ҳинду аёллари тамаки тутатишарди. Ўйинчиларнинг юзлари турли ранглар билан бўялган, бошларида эса патлардан ясалган тож бор эди. Уларнинг ҳаракатларини рақс деб ҳам бўлмасди. Улар таналаридаги оғирликни бир оёққа олиб, сакраб қўйишарди, шу пайтда уларнинг қўлтиғи, тиззаларидан пастроққа, бел бўйлаб боғланган қўнғироқчалар мусиқага ўхшаб кетадиган оҳанг чиқарарди. Раққослар қўлларида шиқилдоққа ўхшаган нарса ушлаб туришар, бу нарса уларнинг кескин товуши бўлган оғир мусиқага жўр бўларди. Ерда катта, бўялган ошқовоқлар турарди. Ногоҳ эркаклар эгилиб, устки қисми кесилган ошқовоқни очишди. Мен нима бўлганлигини билмай қолдим, ногоҳ ўйинчи эркаклар оёғи тагида хиром қилаётган улкан илонга кўзим тушди. У ичи ўйилган ошқовоқ ичидан чиққан бўлса керак. Икки метрли илоннинг орқаси чиройли, нақшиндор эди. У думи билан шитирлаган товуш чиқарди. Ҳа, рақкослар орасидан илон ўрмалаб ўтарди. Бироқ ҳиндулар бир зум бўлса-да тўхтамай, бир маромда қўнғироқчаларни жаранглатиб ўйнашарди. Мен яхшироқ разм солиб, доира ичида яна илонлар борлигига гувоҳ бўлдим. Энг яқин ўйинчи ва Энни билан менинг ўртамда бир неча метрлик масофа бор эди. Рақкос кескин ҳаракат билан бир эгилдию илоннинг думидан ўпиб олди. Кўнглим беҳузур бўлиб, бу томошахонани тарк этдим.

Хопилар табиат фарзандларидир, улар ҳайвонлар ва қушларнинг феъл-атворини яхши билишади. Бу ерларда илонлар тўлиб-тошиб ётибди. Лекин хопилар улардан зинҳор қўрқишмайди, аксинча, илонларни ўзларига дўст санашади.

Гарчи қадимги урф-одатларнинг барчаси сақланиб қолган бўлса-да, хопилар тобора уларга унчалик қатъий амал қилишмаяпти. Кўпгина ёш хопилар замонавий қонун-қоидалар асосида яшашни исташмоқда. Анъаналар тарафдори бўлганлар турли хил жамиятларга, жумладан Америка ҳиндуларини ҳимоя қилиш ташкилотига аъзо бўлмоқдалар. Хопи ерларида маданий марказ очиб, сайёҳларга ўз турмуш тарзлари ҳақида текин маърузалар ўқиб, саёҳатлар уюштирмоқдалар.

Шарифа МАДРАҲИМОВА тайёрлади.

Ta'lim tizimida o'quv jarayoni "yadro"si hisoblanmish fan kafedralarining tashkil etilishi, o'rta maxsus ta'lim muassasalarining nufuzini oshirishi natijasida barcha fanlardan ma'ruza matnlari tayyorlanib, ularning elektron versiyalari ham yaratildi.

ТАЪЛИМДА ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Мустақиллик туфайли қўлга киритилган энг олий неъмат тафаккур мустақиллигидир. Тафаккурнинг маҳсули — интеллектуал фаолият (мулк)ни бойитиш учун юртимизда амалга оширилаётган ишларнинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида кенг миқёсда йўлга қўйилиши билан мантиқий мувофиқликда олиб борилаётганлиги эътиборлидир. Бу ўринда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқув даргоҳларининг жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган кўркам биноларга ва чет эл кредитлари асосида ўқув-лаборатория ҳамда компьютер техникалари билан таъминланаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Шунингдек, ЎМКҲТ Маркази томонидан йўлга қўйилиб, вилоят ЎМКҲТ ҳудудий бошқармалари назорати остида олиб борилаётган педагогик маҳоратни ошириш курсларида ва марказлашган ҳолда нуфузли олий ўқув юртлари малака ошириш факультетларида педагогларнинг билим ва тажрибалари доимий оширилиши таълим тизимининг ўрта бўғинида ислоҳотлар қўламини жадаллаштирмоқда.

Ўрта махсус педагогик таълимда мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ва бошланғич синф ўқитувчиларининг келгуси фаолиятларини такомиллаштириш, уларнинг олий маълумот олишлари учун университетлар ва педагогика институтларида 3 йиллик махсус факультетларнинг очилиши ушбу соҳа педагоглари учун яратилган катта имкониятлардан биридир. ЎМКҲТ Маркази томонидан тизимдаги бошқарув стратегиясининг оқилона йўлга қўйилиши натижасида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминланиши қисқа муддатда амалга оширилди. Шунингдек, бу ўқув юртларининг олий ўқув юртлари билан икки томонлама ҳамкорлик шартномаси асосида илмий-назарий ва услубий изланишларни олиб боришларига кенг имкониятлар яратилди.

Таълим тизимида ўқув жараёни "ядро"си ҳисобланмиш фан кафедраларининг ташкил этилиши, ўрта махсус таълим муассасаларининг нуфузини ошириши натижасида барча фанлардан маъруза матнлари тайёрланиб, уларнинг электрон версиялари ҳам яратилди. Кўпгина ўқув юртларининг кутубхоналари шу тариқа бойитилди.

Бизнинг Навоий педагогика коллежимизда 6 та йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Айни пайтда Навоий давлат педагогика ва Навоий давлат кончилик институтлари, республикамизнинг бир қатор нуфузли университет ҳамда илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорлик шартномалари тузилган бўлиб, шу асосда ўқитувчиларимиз педагогик таълим ва психологиянинг турли йўналишлари бўйича илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Коллеж янги биносининг қурилиш ишлари 2003 йилда бошланиб, 2005 йилда тўлалигича фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Педагогик таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлашга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар Ватан ва миллат манфаатларини юракдан ҳис этадиган, ўз билими ва иқтидори билан она юрт истиқлолини улуғлашга қодир бўладиган баркамол инсон тарбиясига қаратилган.

Ёшларнинг маънавий етуклиги ҳақида гап кетар экан, улар билан олиб борилаётган таълим-тарбия ишларининг янги-янги қирраларини излаб топиш, янги педагогик технологияларга таянган ҳолда тадбирлар кўламини кенгайтириш ҳақида қайғуришимиз лозим.

Олим СУВОНОВ,
Навоий педагогика коллежи директори, техника фанлари номзоди, доцент

Kasb-hunar kollejlarida

МАЪНАВИЙ КОМИЛЛИК — МУАЛЛИМ ЗИЙНАТИ

Коллежда маънавий-маърифий ишларни тўғри ташкил этиш ва талаблар даражасида олиб боришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, бўлғуси муаллимлар шахс таълим-тарбияси, маънавий комиллигига дахлдор шахслардир.

Билим даргоҳида аввало, Президент асарларини ўрганиш, "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини бўлажак педагоглар шуурига тўлақонли сингдириб боришга муҳим аҳамият берилмоқда. Ўтказилаётган қатор тадбирларнинг мақсади ҳам шунга йўналтирилган. Жумладан, "Бошланғич синфларда таълим-тарбия" бўлими ўқувчи-ёшлари билан "Ватан ягонадир, Ватан биттадир" мавзусида бўлиб ўтган тренинг ва мулоқот ёшларимизнинг ҳаётий қарашларининг шаклланишига ижобий таъсир этувчи бир тўртки бўлди дейиш мумкин. Мулоқотда иштирок этган ҳуқуқшунослар Н.Шарипова ва Ш.Тошевлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ ўн тўртинчи сессиясидаги Президентимиз маърузасидан келиб чиқиб, бугунги кунда инсоният учун жиддий хатар бўлиб турган терроризм ва экстремизм хавфи хусусида атрофлича фикр юритдилар. Ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Шунингдек, барча гуруҳларда "Ватанни сақлаш ва ардоқлаш фарзандлик бурчим" мавзусида амалиёт ва назарий дарслар, тренинглар ўтказилди.

Ўқув маскани вилоят "Оила" илмий-амалий маркази, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, репродуктив саломатлик маркази, "Соғлом авлод" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлими каби бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳам ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Меҳр-мурувват аслида нима? Биз олиб бораётган амалий ишларимиз орқали ёшларимизнинг дунёқарашларига бу каломнинг асл моҳиятини сингдиришга уринаяпмиз. Ҳеч қачон "Меҳр-мурувват" ялтироқ либосга бурканиб қолмаслигини бўлажак педагогларимиз юракдан ҳис қилсаларгина бу фазилат кўнгиллардан кўнгилларга кўчиши мумкин.

Коллежимизда спорт-соғломлаштириш ишларига ҳам катта эътибор қаратилган. Шу мақсадда ташкил этилган футбол, кураш, белбоғли кураш, шахмат-шашка, баскетбол, мини футбол каби тўгараклар мунтазам ишлаб турибди. Шу йилнинг февралида Ўзбекистон Республикаси давлат спорт қўмитаси ва кураш федерациясининг Жиззахдаги Олимпия заҳиралари спорт мажмуасида бўлиб ўтган спортнинг миллий кураш тури бўйича мусобақада вилоят қизлар терма жамоасида иштирок этган ўқувчиларимиз умумжамоа ҳисобида 3-ўринни эгаллашди.

Маънавий комиллик муаллим зийнатидир. Педагогик жамоамизнинг бош мақсади бўлажак ўқитувчиларимизни ана шундай шахслар сиймосида кўришдир.

Ирода ҲАСАНОВА,
маънавий-маърифий ишлар бўйича директор муовини, "Шуҳрат" медали соҳибаси

БИР ЎМР МИННАТДОРМАН

Бу дунёдаги жамики гўзалликлар, хотиротлар ичида энг сарасини танлар бўлсак, у ҳам ўқувчилик давримиздир! Бу йилларнинг таърифи чексиз, беқиёсдир.

Мен ҳам Навоий педагогика коллежига келиб, шу даргоҳнинг ўқувчиси деган номга лойиқ бўлдим. Бу бахт менга жуда ажойиб онларни туҳфа қилди. Устозларим бизни ёруғ манзиллар томон ундамоқда. Билимлар, тадбирлар, йиғилишлар туфайли ҳаётни ўрганиб бораяпмиз. 3 йил давомида амалиётлар бизга кўп нарсаларни ўргатди. Масалан: тарбиячининг, услубчининг вазифалари, боғчада ўтиладиган машғулотлар турлари, боғчанинг кадрлар билан таъминланиши ва хўжалик ишларининг юритилиши тўғрисида тушунчаларга эга бўлдик. Навоий шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли "Нафосат" мактабгача таълим муассасаси раҳбари М.Ражабова, услубчиси Ниля Муборакшина ҳам бизларга катта имкониятлар очиб, касб сирларини ўрганишда кўмак бердилар.



Педагогика коллежида бизнинг энг асосий вазифаларимиздан бири — таълим олиш, изланишдир. Руҳшунослик, тасвирий фаолият, табиат билан таништириш сингари фанларни ўрганишимизда гуруҳ раҳбаримиз О.Ўтаева ва устозларимиз О.Ниёзовалардан жуда миннатдормиз.

Шеъриятга қизиқишим туфайли бўлса керак, ижодкор ёшлар тўгарагига ҳам аъзоман. Коллежимизда биз учун жуда кўп имкониятлар яратилган. Ёш ижодкорларга ёрдам бериб келадиган ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси раҳбари А.Шодиев ҳамда маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари И.Ҳасановадан миннатдормиз. Уларнинг фидоийликлари ва меҳрларини ҳеч қачон унутмаймиз.

Марҳабо КАМОЛОВА,
3-"А" гуруҳ ўқувчиси

Навоий педагогика коллежи

2004-2005 ўқув йили учун қуйидаги йўналиш ва ихтисосликларга қабул

эълон қилади:

√ 1. Бошланғич синфларда таълим-тарбия ишлари йўналиши бўйича
Ихтисосликлар:
Бошланғич синфларда тасвирий санъат ўқитувчиси
Бошланғич синфларда меҳнат ўқитувчиси
√ 2. Мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар йўналиши бўйича
Ихтисосликлар:
Ахборот ва компьютер саводхонлигини ўргатувчи тўгарак раҳбари
Тикувчилик, каштачилик ва пазандачилик тўгарак иши ташкилотчиси
Тасвирий санъат бўйича тўгарак ташкилотчиси
√ 3. Мактабгача таълим йўналиши бўйича
Ихтисосликлар:
Мактабгача таълим муассасаларида тарбиячи
Хорижий тилларни ўргатувчи тарбиячи
Компьютер саводхонлигини ўргатувчи тарбиячи
√ 4. Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият йўналиши бўйича
Ихтисослик:
Бошланғич синфларда жисмоний тарбия ўқитувчиси (ўқитувчи-тренер)

Otto Rekxagel esa Rudi Fyoller Germaniyadek terma jamoa bilan uddalay olmagan ishni Gretsiya bilan amalga oshirib, hozirning o'zidayoq millat qahramoniga aylandi.

СПОРТ КЛУБИ ҲАММА УЧУН

Тошкент вилоят давлат педагогика институтида спорт клуби ишлаб турибди. Клуб мудири Абдураҳмон Бекназаров бу ерда 400 нафардан ортиқ талаба спортнинг волейбол, баскетбол, стол тенниси, енгил атлетика, кураш, белбоғли кураш, футбол каби 7 тури бўйича мунтазам машғулотларга қатнашиб, ўзларининг жисмонан ҳамда руҳан тоблаётганликларини айтди.

Клуб 1998 йилдан буён фаолият юритади. Бу ерда нафақат талабалар соғликларини мустаҳкамлаб, бўш вақтларини мазмунли ўтказадилар, балки, институт профессор ва ўқитувчилари ҳам клубнинг доимий аъзоларига айланишган. Стол тенниси, мини футбол, шахмат-шашка бўлимлари ҳам ўқитувчилар учун ишлайди.

Институтнинг спорт соҳасида қўлга киритган ютуқлари кўп. Биргина талабалар ўртасида ўтадиган «Универсиада» ўйинлари мисолида олиб қарайдиган бўлсак, 2000 йилда ўтган Универсиадада Тошкент вилоят давлат педагогика институти талабаларидан 41 нафари ва 2002 йили Бухородаги спорт мусобақаларида 47 нафари қатнашган бўлса, яқинда Самарқандда ўтадиган Универсиадада эса 73 нафар спортчи-талаба қатнашади.

Жисмоний тарбия кафедраси мудири О.Жуманов 14 нафар ўқитувчига бош-қош. Улар талабаларга жисмоний тарбия ва спорт сир-асрорларини ўргатиб келмоқдалар.

Спорт клубининг аъзолари бўлган талаба йигитларнинг бир нечтаси Ангрен шаҳри футбол жамоаси «Семурғ» таркибида тўп сурмоқда.

Яқинда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ташаббуси билан «Қибрай» сиҳатгоҳида олий таълим тизимидаги профессор ва ўқитувчилар ўртасида ўтказилган спартакиадада ҳам институт жамоаси фаол қатнашиб, умумжамоа ҳисобида 3-ўрин соҳиби бўлди.

— Режаларимиз кўп, — деди биз билан суҳбатда спорт клуби мудири Абдураҳмон Бекназаров, — келгусида клуб фаолиятини янада кенгайтирмоқчимиз. Бу ерда нафақат талабалар, балки, институт ён-атрофида жойлашган маҳалла болалари, мактаб ўқувчиларининг ҳам спорт билан шуғулланишларига шароит яратиб бермоқчимиз. Кафедрамиздаги ва клубдаги спорт заллари, тренажёр хоналари, спорт майдончалари ҳеч қачон бўш турмаслиги керак, деб ҳисоблаймиз.

Ҳа, спортнинг инсоннинг жисмоний ва руҳий камолотидаги ўрни нақадар катта эканлигини ҳис қилган кишилар мана шундай ишлар қилишга қодир.

Шарифа МУРОДЖОН қизи

Evro-2004

ЭРТАГА ФИНАЛ

Футбол бўйича ўн иккинчи бор ўтказилаётган Европа чемпионати эшиклари ёпилишига бор-йўғи бир кун қолди. XXI асрда илк марта ўтказилаётган ушбу чемпионат ўз асрига хос тарзда одатий ва айниқса, ноодатий ҳисобларга бой бўлди. Ким ҳам ўйлабди дейсиз, Италия, Германия, Англия, Франциядек грант жамоаларнинг мусобақани «дока қуримасдан» тарк этишини?

Мантиқан ўйлаб қаралса, рўй бераётган ҳолат қолипга тўғри келаётгандек. 2002 йилги Жаҳон чемпионатида Жанубий Кореянинг ўйинлари, Чемпионлар лигаси финалида «Порту» ва «Монако»нинг ўзаро тўқнаш келиши фикримизни тўла исботлаб турибди. Евро–2004нинг бу борадаги кашфиёти, шубҳасиз Греция бўлди. Чемпионат аввалида ушбу жамоани гуруҳдан чиқиш тугул ўтказиладиган ўйинларнинг бирортасида ҳам ғалаба қозонолмайди дегувчиларни, ҳатто грек мухлислари орасида ҳам учратиш мумкин эди. Аммо юнонларнинг Рекхагель кўмагида немисча тарбия билан уйғунлашган ҳимоявий ўйини бу хусусда билдирилаётган фикрларни йўққа чиқарди. Олдинига мезбонларни мағлубиятга учратган олимпиада ватани вакилларининг юришига на испанлар, на французлар ва на чехлар чек қўя олишди.

Грек форварди Харистеаснинг биргина уриниши Бартезнинг кўз ёшларига сабаб бўлган бўлса, ҳимоячи Делласнинг олтин боши чемпионат тўпурари бўлишга яқин турган Милан Барошни муддатидан сал олдин ортга қайтишга мажбур қилди.

Ўзига хос фавворага қиёсланаётган Чехия терма жамоаси гуруҳда «қадрдон» бўлиб қолган Голландиядан сўнг иккинчи мағлуб ярим финалчига айланди.

Маълумки, учар голландларни қўнишга португаллар мажбур қилган эди. Илк учрашувдаёқ, мағлубият аламини тотиб кўрган мезбонлар кейинчалик чиройли ўйин кўрсатиб, финалгача етиб келишди. Аммо, грекларга дуч келиш уларнинг етти ухлаб тушларига кирмаган бўлса керак. Лекин, тушга кирмаган нарса ҳаётда рўй берди. Греция финалга чиқди. Энди мағлубият аламини финалда олиш ҳисси Сколари шогирдларини тинч қўймаётгани аниқ. Отто Рекхагель эса Руди Фёллер Германиядек терма жамоа билан уддалай олмаган ишни Греция билан амалга ошириб, ҳозирнинг ўзидаёқ миллат қаҳрамонига айланди. Сколари миллат қаҳрамонига айланиш учун эса, яна бир довонни ошиб ўтиши лозим. Довонни бошқача қилиб финал дейишимиз мумкин. Қани кўрамиз. Жак Сантинининг «Тоттенхэм»га кетишини тезлаштириб, Карл Брюкнергга кутилмаган мағлубиятни «туҳфа этган» немис мураббийи билан Свен Горан Эриксонни туманли альбионга чорак финал иштирокчиси сифатида қайтишга, Дик Адвокаатни эса Амстердамда ўз қилмишларини оқлаш учун «адвокат» излашга мажбур этган бразилиялик мураббий ўртасидаги дуэлда ким ғолиб чиқаркин? Ҳар ҳолда ҳар икки мураббий ҳам ўч олиш имкониятидан фойдаланиш учун бор кучларини ишга солишса керак. Агар Сколари биринчи ўйин аламини олиш учун ҳаракат қилса, Рекхагель 2002 йилги Жаҳон чемпионати финалида сариқ девлар томонидан мағлубиятга учратилган «немис машинаси» хуни учун курашиши, шубҳасиз. Буни эса вақт кўрсатади. Чемпионатни бошлаб берган жамоалар энди уни якунлаб ҳам берадилар. Дунёнинг йирик букмекер марказлари зарар кўришининг асосий айбдори мифлар мамлакати—Юнонистон ўз вақтида Жанубий Америкада футболнинг ривожланишига ўзига хос ҳисса қўшган португалларга қарши эртага Лиссабонда майдонга тушади.

Хуллас, эртага финал! Башорат қилишга эса шошилманг, азиз мухлис! Бўлмаса...

Саиджон МАХСУМОВ

ҚАРОР ТЕЗДА ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРИШИГА ИШОНАМАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Афинада бўлиб ўтадиган навбатдаги XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида спортчиларимизнинг муносиб иштирок этишини таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилиниши спортчи мутахассислар, мураббий ва спортчиларни ҳам қувонтириб, янада пухта ҳозирлик кўришлари учун айни муддао бўлди.

Ушбу қарор Олимпиада мусобақаларига спортчиларимиз яхши тайёргарлик кўришлари ҳамда яхши натижаларга эришиб, ёруғ юз билан қайтишларига замин яратади. Спортчилар меҳнати ҳам гўёки «игна билан қудуқ қазигандек» жуда сермашаққат.

Ўйлаймизки, ўзбекистонлик спортчилар ҳам юқори поғоналардан жой эгаллаб, қарорда белгиланган мукофотларни қўлга киритадилар.

Барно ШОРАҲИМОВА

БИР ОИЛАНИНГ ҚЎШ ҒАЛАБАСИ

Андижон шаҳрида 100 катакли шашка бўйича ёшлар ва катталар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақада Самарқанд вилояти шарафини ҳимоя қилган Ургут тумани халқ таълими бўлими қошидаги 1-болалар-ўсмирлар спорт мактаби мураббийи, спорт устаси Бекир Осмонов сирдарёлик Алишер Ортиқов ва фарғоналик спорт устаси Алексей Тешабоевлардан сўнг совринли учинчи ўринни эгаллади.

Ёшлар ўртасида ўтказилган баҳсларда касаба уюшмалари Ургут туман жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Ҳамдам Алиев шогирд-фарзандлари Маъмуржон, Машҳура, Мунира ва Улуғбеклар вилоят шарафини ҳимоя қилдилар.

Маъмуржон Алиев мусобақа якунига кўра 18 имкониятдан 14 очко жамғариб биринчи ўринни эгаллади.

Ушбу шашкачи оила аъзолари Нукус шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон биллур кубоги мусобақасида ҳам вилоят шарафини ҳимоя қилган эдилар. Умумжамоа ҳисобида улар совринли учинчи ўринни эгадлашди.

Энди Алиевлар сулоласи мураббий отаси Ҳамдам Алиев қўл остида шу йили Украинанинг Евпатория шаҳрида ўтказиладиган жаҳон чемпионатига ҳозирлик кўрмоқдалар.

ШАХМАТ ТУРНИРИ

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта аҳамият берилаётганлиги боис, халқимиз орасида мусобақалар, хотира турнирлари ўтказиш ўзига хос анъанага айланиб бормоқда. Яқинда Хатирчи тумани халқ таълими бўлими ташаббуси билан шахмат турнири ўтказилди.

Бу турнир ўз меҳнат фаолиятини тумандаги 17-мактабда оддий ўқитувчиликдан бошлаб, узоқ йиллар мактаб директори, хўжалик раиси, фуқаролар йиғини раиси лавозимларида ишлаган фидойи инсон Маматқул Маматкаримов хотирасига бағишланди.

Турнирга Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан етакчи шахмат усталари, умидли ёш спортчилар таклиф этилди. Хатирчи туман ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими, туман болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Акмал Икромов номли ширкат хўжалиги билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур мусобақа уч кун давом этиб, шахмат ишқибозлари учун ажойиб бир мактаб бўлди.

Абу Райҳон Беруний номли 17-умумтаълим мактабида швейцарча тизимда ўтказилган шахмат мусобақасида 88 нафар шахматчи иштирок этди. Улар орасида қашқадарёлик спорт устаси, Ўзбекистон чемпиони Сарвиноз Эргашева, Грециядa ўтадиган Жаҳон чемпионати иштирокчиси, 10 ёшли Сарвиноз Қурбонбоева (Сирдарё), хатирчилик спорт усталигига номзодлар ака-ука Собир ва Сардор Ҳайдаровлар ишончли дона сурдилар. Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларидан келган яна кўплаб ўқувчилар малакаларини оширдилар.

Мусобақа ғолиблиги энг кучлиларга насиб этди. Андижонлик мураббий, спорт устаси Иброҳим Каримов, навоийлик Собир Ҳайдаров, бухоролик Фахриддин Сатторов дастлабки уч совринни қўлга киритишди. Шунингдек, 9 имкониятдан 7,5 очко тўплаган бухоролик Бегали Саидов, Ҳалим Тўраев каби усталар, ҳамда кўплаб умидли ёш шахматчиларга қимматбаҳо совринлар топширилди.

Маматқул ҲАЙЛАЕВ,
спорт устаси

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ

Навоий Маданият ва санъат коллежи 9-синфни битирган ўқувчиларни қуйидаги йўналишлар бўйича ўқишга таклиф этади:

1. *Анъанавий чолғу*
2. *Анъанавий хонандалик*
3. *Халқ чолғулари*
4. *Эстрада чолғулари*
5. *Эстрада хонандалиги*
6. *Фортепиано*
7. *Халқ рақси артисти*
8. *Маданий ҳордиқ ташкилотчиси*
9. *Хор дирижёрлик*
10. *Кутубхоначилик*
11. *Оммавий байрамлар ташкилотчиси*
12. *Театр санъати актёри*
13. *Бадиий безаш*

Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти томонидан 1995 йилда Ташқулова Дилбар Баҳодировна номига берилган №084564 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги 1-ўрта мактаб томонидан 2003 йилда Фариза Масадикова номига берилган V0440165 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Маърифат» газетаси таҳририяти газетанинг доимий ҳамкори, таниқли фоторассом Абдуғани Жумаевга онаси

Завра момо ЖУМАЕВА

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти жамоаси «Таълим муаммолари» журнали редактори Муҳаббат Миркомиловага турмуш ўртоғи

Тўлқин МИРКОМИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси, профессор-ўқитувчилар «Электр таъминоти ва Электр юритма» кафедраси доценти Эркин Тошевга ўғли

Алишер ТОШЕВнинг

бевақт вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Чилонзор туман халқ таълими бўлими, таълим ва фан ходимлари туман касаба уюшма қўмитаси жамоалари 270-мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари

Озода АБДУРАҲМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент давлат авиация институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси жамоаси, институтнинг «Информацион ва ахборот технологиялари Маркази» раҳбари И.Самиевга отаси

САЪДУЛЛО отанинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради ва таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат авиация институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси жамоаси, институтнинг «Учиш аппаратлари ва авиацион двигателларнинг техник эксплуатацияси» кафедраси катта ўқитувчиси Э.Абубакировга онаси

Валентина БУКИНАнинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради ва таъзия изҳор этади.

Viqorniso esa minbarga chiqqan notiqday bir-ikki yil ichida qilgan ishlarini, maorif mudiri bilan oralarida bo'lib o'tgan gaplarni viqor bilan vaysar edi.

БИРИНЧИ МУАЛЛИМИМҒА

Дунё учаётган қуш экан, билсак,
Гоҳо нохуш, гоҳо хуш экан, билсак.
Болалик — шудрингли саҳармардонлар
Гуллар эркалаган туш экан, билсак,
Менинг муаллимим, менинг устозим.

Ўшал тушлар аро, чаманлар аро,
Эртаклар сўйлаган суманлар аро,
Ногаҳон дуч келдик нигоҳингизга,
Болалик чангитган туманлар аро,
Менинг муаллимим, менинг устозим.

Бари сачраб кетди, сочилиб ҳар ён,
Тўрт тараф ёришди, кенгайди осмон.
Энди фақат сизга талпинар эдик,
Чироққа интилган парвонасимон,
Менинг муаллимим, менинг устозим.

Мўжизалар топдик сўзларингиздан,
Марваридлар тердик изларингиздан,
Муҳаббат тўкилди, зиё таралди
Меҳрибон ва доно кўзларингиздан,
Менинг муаллимим, менинг устозим.

Афсус, билолмадик қимматингизни,
Ҳимолайдай юксак ҳимматингизни.
Қайтара олмадик ҳатто бир кунлик
Қилган меҳнатингиз, хизматингизни,
Менинг муаллимим, менинг устозим...

Дунё учаётган қуш экан, билсак,
Гоҳо нохуш, гоҳо хуш экан, билсак.

Ko'ngil bitiklari

Болалик, муаллим, мактаб ва сабоқ —
Бир умрга татир туш экан, билсак,
Менинг муаллимим, менинг устозим!

СОКИНЛИК МАВСУМИ

Япроқлар сарғайиб қолибди,
Тегиб кетсанг тўкилар дув-дув.
Тиниқибди арикдаги сув —
Шарқираб оқишдан толибди.

Осмонни ҳам босгандек уйқу,
Оқ булутлар тош каби қотган.
Кўзларга ҳам осойиш ботган,
Қалбларда ҳам тиниқ бир туйғу...

***

Уфқларда кўринмас шафақ,
Олхўрилар баргларин тўккан.
Хаёлимга изтироб чўккан,
Қалтирайман ҳисларим тарқоқ.

Ёмғир бўлиб босади осмон,
Совуқ еллар туртади сассиз.
О, фариштам, соҳибжамол қиз,
Ёмғир бўлиб босади осмон.

Майли, менга қилмагин шафқат,
Табиатга кулиб қарагин,
Сочларингни аста тарагин,
Зора уфқда кўринса шафақ...

***

Жилва қилар сонсиз қуёш,
сочларинг тўлқинида,
Юлдуз талош, ой ҳам талош,
сочларинг тўлқинида.

Тошқин маҳал оққанидек
пўртанада қоя ҳам.
Айлангуси телба бу бош,
сочларинг тўлқинида.

Тонг шамоли маст кезинар,
ифорида шом қадар,
У ҳам шайдо, эй париваш,
сочларинг тўлқинида.

Не қилайки, яширсам ҳам
нигоҳларим термулиб,—
Сирларимни қилади фош,
сочларинг тўлқинида.

Умрим бўйи сузгайман мен,
ғарқ қилса ҳам гирдоблари, —
Бахтдир чўкиш мисоли тош,
сочларинг тўлқинида.

Муҳаммадулуғ ТОНГОТАРОВ,
Пайариқ туманидаги
35-мактаб ўқитувчиси

Xullas...

БАНКДА ЭМАС... БАНКАДА

Молдавиянинг чекка жойларидан бирида ёлғиз яшовчи Анна Литвак исмли момо узоқ йиллар мобайнида қора кунларимга ярар, дея 10 минг лей (пул бирлиги)ни йиғди-йиғди ва охир-оқибатда... улардан айрилиб қолди.

Кампир пул сақлаш учун уч литрлик банкани танлади ва уни уйда эмас, чердакда сақлашни лозим топди. Вақти-вақти билан онахон банкадан «хабар» олиб турар, пуллари гўёки хавотирсиз сақланмоқда эди. Кунларнинг бирида Анна момо чердакка кирдию банканинг жойида йўқлигини кўриб, ҳушидан кетиб йиқилаёзди.Хаёлидан ўтмаган ўғирликнинг содир бўлишини кимга ҳам айтарди ва бундан қандай наф чиқиши мумкин?

Алам қилган жойи шундаки, пенсияга қадар ҳали роппа-роса икки ҳафта бор, бундай кезларда Анна момо жамғармасидан олиб ишлатиб турарди. Додини кимга айтади? «Банкада эмас, банкда сақласам шу кўйга тушмасмидим?» деб афсус-надомат чекади у, кошки эди, дарди енгиллашса...

УЙДАН «УЧГАН» ЛАЙЛАКЛАР

Андрей Баринов деган амаки ўзи ҳақида бутун дунё билишини истайди. Бунинг учун кўп йиллардан бери устахонасида лайлак ясаш билан овора. Полтава қайинзорларига дунёнинг турли мамлакатларидан борган сайёҳлар, албатта, Андрейнинг лайлаклари ҳақида эшитишар ва эсдалик учун олиб кетишарди. Дарахт шохларини лайлак шаклига келтириш, рангларини уйғунлаштириш машаққат бўлса ҳам Баринов устаси фаранг бўлиб кетди.

Шундай қилиб, Андрей Баринов қўлида ясалган лайлаклар Польша, Германия, Австралия, Португалияга «учди». Борган сари куч-қувватдан қолаётган отахон бу иш билан қизиқувчи шогирдлари йўқлигидан жуда ҳам афсусда. Унинг фикрича, лайлак одамларга бахт келтиради. Эсдалик совға сифатида ишланган лайлаклар эса ўз устаси ҳақида эслатиб туради, демак, лайлак ясаган уста абадий яшайди...

ana shunaqa gaplar

«АБРЎ» КРОССВОРДИ



БЎЙИГА: 1. Чақмоқ, яшин. 2. Ўра дарёсининг ирмоғи. 3. Тошкент вилоятидаги туман. 4. Тугалланмаган. 5. Аччиқ, нордон. 6. Авторусум. 9. Уй-рўзғор буюми. 10. Ижод маҳсули. 11. Сабзавот. 12. Ўзини катта тутувчи, виқор. 13. Пўлат арқон. 16. Касб-ҳунар. 17. Қадимда муаллима номи. 18. Наманган вилоятидаги туман. 19. Қиймат. 20. Учта кислород атомидан ташкил топган молекула. 21. Сўз талашмоқ, тортишув. 25. Европа ва Америкада кенг тарқалган спорт ўйини. 26. Ўтмиш. 27. Қон томирига номдош пойтахт. 28. Якка, ёлғиз. 29. Шамсия йили ойларидан бири. 30. Исм. 31. Йўналиш. 36. Россиядаги дарё. 37. Харажат. 38. А.Қаҳҳор ҳикояси. 39. Саломга жавоб. 40. Спорт тури. 41. Тутган еридан кесади (ибора). 42. Челябинск областидаги шаҳар. 47. Ёлғиз, ягона. 48. Енгил кўчма уй. 49. Лавозим. 50. Кореядаги шаҳар. 51. Оддий халқ оммаси. 52. Йирик. 56. Футбол ўйини қисми. 57. Кўзга кўринмас афсонавий гўзал. 58. Санъат тури. 59. Савдо муомаласи тури. 60. Ариқ, жилға, кичик дарё. 61. Э.Воҳидов поэмаси. 65. Шифобахш баргли жануб ўсимлиги. 66. Ёрилган. 67. Пойтахти – Бомако. 68. Ишончли, омонатни эҳтиёт қилувчи. '69. Шаҳарнинг марказий қисми. 70. Болтиқ бўйи давлатларидан бирининг пойтахти. 71. Тасдиқ. 76. Ёв, душман. 77. Ички ёнув двигателини кашф қилган немис инженери. 78. Билимсиз. 79. Газлама. 80. Юз, бет, чеҳра. 81. Пахта каби юмшоқ нарсаларнинг уюми. 82. Қозоқ шоири. 87. Шамшод. Ҳар доим яшил, чиройли дарахт. 88. Саноқ сон. 89. Арузда 19 гуруҳнинг ҳар бири. 90. Сайёра. 91 Марварид, дур. 92. Судралиб юрувчи жонивор. 97. Аёллар сочи, кокил, ўрилган соч. 98. Осиё ва Африкада тарқалган зот, қорамол тури. 99. Кийикнинг киндигидан олинадиган хушбўй қора модда. 100. Европа давлатларидан бирининг пойтахти. 101. Қийноқ. 105. Ширинлик тури. 106. Эркин. 107. Маданий муассаса. 108. Ширинлик. 112. Ёғин тури. 114. 7420 метрга тенг бўлган масофа ўлчови.

ЭНИГА: 3. Адо этилиши мажбур бўлган нарса. 5. Америка ёзувчиси. 7. Бурж. 8. Фуқаро. 9. Бангладеш пул бирлиги. 11. Ҳарбий қисм. 14. Сақла. 15. Пардоз учун ишлатиладиган ўсимлик. 16. Ичимлик. 18. Ҳашарот. 20. Хушхулқлилик. 22. Хушбўй суюқлик. 23. Африкадаги давлат. 24. Венгриялик шоҳмот гроссмейстри. 25. Чекка жой, бурчак. 27. Тасвир, тавсиф. 29. Қайсар, терс. 32. Намозга даъват. 33. Жойнинг йирик масштабда тузилган чизмаси. 34. Ейиш ва ичишга бўлган эътироз. 35. Тиш ўзакларини қоплаб турувчи тўқима. 37. Яман давлатининг пойтахти. 39. Миллат. 41. Дазмол. 43. Актив, астойдил ишлаш. 44. Канод эмас. 45. Малҳам. Даволаниш ашёси мажмуи. 46.Таъми аччиқ зиравор. 47. Қош. 49. Сирдарё ирмоғи. 51. Эскича даволаш усули. 53. Кимёвий элемент. 54. Ёқилғи тури. 55. Машина қисми. 56. Зинапоя. 58. Юк кўтаргич. 60. Инерт газ. 62. Шамсия йили ойларидан бири. 63. Қимматбаҳо тош. 64. Портлагич. 65. Ов, ов қилиш 67. ... Лиза. 69. Дунё, олам. 72. Туркманистондаги шаҳар. 73. Толе, бахт. 74. Рози. 75. Олам, борлиқ. 77. Норвегия пойтахти. 79. Етук инсон. 81. Киров областидаги шаҳар. 83. Пишлоқсимон сутли таом. 84. И.Султон драмаси. 85. Мусиқа асбоби. 86. Ибодат билан машғул одам. 87. Торли миллий мусиқа асбоби. 89. Озарбойжон. 91. Араб алифбосидаги ҳарф. 93. Энг юқори. 94. Шеърий вазн. 95. Хона ўсимлиги. 96. Ўсимлик органи, қисми. 98. Яра, жароҳат. 100. Молия муассасаси. 102. Красноярск ўлкасидаги кўл. 103. Матбуот нашрларидаги туркум сарлавҳа. 104. Калта эмас. 105. Устки кийим, камзул. 107. Яшаш жойи, шаҳар. 109. Тақинчоқ. 110. Нодир, қимматли, бебаҳо нарса. 111. Азоб, изтироб. 113. Дунё. 115. Касаллик. 116. Медицина ашёси.

Тузувчи: Баҳодир ИСМОИЛОВ
Касби тумани

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида № 024 рақам билан 2003 йил 17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149. Г-829.
Тиражи 21368. 1 2 3 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррирлар:
Ҳусан НИШОНОВ, Назокат ХОЛМЕТОВА.
Навбатчилар:
Баҳодир ЖОВЛИЕВ, Ғофур ЖАБИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
(м) *белгиси остида реклама материаллари берилади.*

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.